Тарих фани нуқтаи назаридан бугун жаҳон мамлакатларида юз бераётган демографик ўтиш, XVII аср охиридан Ғарбий Европанинг индустриал ривожланган давлатларида бошланиб, кейинчалик китъанинг бошқа мамлакатларида, ундан сўнг эса, жаҳоннинг деярли барча иқтисодий ривожланган мамлакатларида содир бўла бошлади. Демографик нуқтаи назардан қараганда, жаҳоннинг ривожланган давлатларида содир бўлаётган бу демографик ўтиш, аҳолишуносликка оид бўлган манба ва адабиётларда, демографик ўтиш концепцияси (баъзида демографик революция термини қўлланилган) деган ном билан аталмоқда[3]. Шу боис, демографик ўтиш деганда, жаҳондаги аҳоли такрор барпо бўлишининг анъанавий туридан, унинг анча замонавий тури (кенгайган аҳоли такрор барпо бўлишидан, қисқарган аҳоли такрор бўлиши) га ўтишнинг содир бўлишини тушунмоқ керак.

Дунё мамлакатларидаги аҳолининг табиий ўсишини ретроспектив ўрганиш кўрсатадими, инсоният ўз ривожига энг тез суръат билан кўпайиб борган давр, XX асрнинг 65-70 - йилларига тўғри келади. Бу йилларда дунё аҳолиси табиий ўсиши йилига 2,1 фоизни ташкил этган [4]. Шунгача инсоният тарихида ҳеч қачон аҳоли сонининг бу каби максимал даражада ўсганлиги қайд этилмаган эди.

Индустриал ривожланиш йўлига ўтган мамлакатларда юз бера бошлаган демографик ўтиш туфайли, дунё аҳолиси таркибида қариялар салмоғининг ошиб бориши тобора кучайди. Масалан, агар 1960 йилда 60 ёшдан ошганлар салмоғи 8,1 % ни ташкил этган бўлса, 2005 йилда уларнинг сони 10,5 ни ташкил қилди[5]. Бу каби вазият демографияда «аҳолининг қариши» деб аталди. Қайси бир ҳудуд ёки давлат аҳолиси қариб борса, шу жойда меҳнатга лаёқатли ишлаб чиқарувчи ишчи кучи билан таъминлаш, миллатни камайиб бориши каби инсоният тақдири учун таҳликали демографик инқироз пайдо бўлиши кучайди.

Дунё бўйича яққол юзага чиққан бундай тарихий демографик вазият таъсирида, нафақат индустриал ривожланган, балким, энди ривожланиш йўлини танлаган кўпгина давлатларда ҳам кўпайиб бораётган аҳоли сонини чеклашга ҳаракат қилиниб, уларда «Туғилишни назорат этиш» дастури қабул қилинди ва туғилиш жараёни ташқи омиллар таъсирида бошқарила бошланди. Аммо, аҳоли сонини чеклашга қаратилган ҳаракатларга қарамасдан, XX аср охириги чорагида туғилишни юқори, ўлимни паст даражада бўлиши, дунёда аҳоли сонининг тез суръат билан кўпайиб боришига олиб келди. Бу ҳолатда ҳам жаҳонда тез суръат билан кўпайиб бораётган аҳолини озик - овқат, кийим-кечак, турар-жой, иш ўринлари билан таъминлаш каби иқтисодий муаммолар юзага чиқди.

XX аср иккинчи ярмидан бошлаб, жамият тараққиётида рўй берган йирик ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, XXI аср бошларида дунё аҳолисининг демографик майлига бевосита таъсир килди.

XX аср иккинчи ярми - XXI аср бошида Ўзбекистонда юз берган демографик жараёнларни ҳам тарихий тажриба асосида умумлаштириш ва илмий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу йиллар, Ватанимиз тарихида узоқ давом этган, мустамлакачиликка асосланган тузумнинг емирилиши, бозор муносабатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши йиллари бўлди. Демографик тарихга назар ташланса, дунёнинг кўпчилик ривожланаётган мамлакатларида демографик ўтиш намоён бўла бошлаганида, республикамизда дунёнинг индустриал ривожланган давлатларидан фарқли ўлароқ, мутлақо бошқача бўлган, инқирозли демографик вазиятлар кузатилади. Шу сабаб, Ўзбекистон Республикаси учун демографик ўтиш муаммоси биринчи навбатда эътиборни талаб этади, чунки у муқаррардир.

Урушдан сўнг то мустақилликка эришганимизгача бўлган даврда Ўзбекистон тарихий демографиясида ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Агар, иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда республика шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби кўчиб келган аҳоли ҳисобига қарийб баб-баравар шаклланган бўлса, урушдан сўнг бу ҳолат ўзгарди, яъни Ўзбекистон аҳолиси таркибида европалик миллатларга мансуб бўлган кишиларнинг кўпчилик қисми, асосан шаҳарларда ўрнашиб қолганлиги кузатилди. Республика шаҳар аҳолисининг ярмидан кўпини ўзбеклар (53,7%), қолган қисмини руслар (19,5%), татарлар (5,1%), қозоқлар (4,0%), тожиклар (3,7%), қорақалпоқлар (2,7%) ва бошқа миллат вакиллари ташкил этган[6]. Республикада аҳолининг (миллатларнинг) жойлашувида ҳам тафовут мавжуд бўлиб, қишлоқларда, асосан, маҳаллий миллат вакиллари яшаган бўлса, шаҳар аҳолиси маълум қисмини, маҳаллий бўлмаган миллатлар ташкил этди.

XX аср сўнгги чорагида Ўзбекистонда демографик ўсишнинг динамикаси, республиканинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларидан анча олдинга ўтиб кетган ҳолатни юзага келтирди. Масалан, агар 1979 йилда 14 ёшгача бўлган аҳоли 6 345 108 нафар киши бўлиб, аҳоли умумий сонининг деярли 35 фоизини ташкил этган бўлса, 1989 йилда уларнинг сони жами аҳолининг 40 фоизга яқинини ташкил этди[7]. Гарчи Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг кўпайиши саноат тараққиётига боғлиқ бўлсада, умуман республикада қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб келиши шаҳарларнинг «тортиш кучи» билан эмас, балки туб жой аҳолиси пахта якка - ҳокимлиги билан ерга боғлаб қўйилиб, четдан ишчи-мутахассислар Ўзбекистон шаҳарларига кўчириб келтирилиши билан ифодаланди.

XX асрнинг мустақилликкача бўлган даври мобайнида, Ўзбекистонда демографик жараёнларга салбий таъсир этувчи омиллар қаторига айниқса, пахтачиликни ривожлантириш учун чўл ерларни ўзлаштириш мақсадида аҳолини янги кўриқ ва дашт зоналарига жадал суръатларда кўчиришга қаратилган сиёсатни ҳам киритиш мумкин. Бу сиёсат оқибатида ва шунингдек, бу ерларни суғоришда экстенсив усулнинг қўлланилиши, сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши, Сирдарё, Амударё сувларининг бир қисмини Орол денгизига қуйиш имкониятидан маҳрум қилиниши, бутун Ўрта Осиё минтақасига таъсир кўрсатадиган экологик фожеанинг вужудга келишига, бу ҳудудда истиқомат қиладиган аҳолига нисбатан улкан демографик инқироз хавфини туғдирилишига олиб келган эди.

Тадқиқ этилаётган йилларда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси кўрсаткичларини кузатганимизда унинг ўзгарувчан бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Агар ўртача умр кўриш кўрсаткичлари 1938-39 йилларда Ўзбекистонда аёлларда 43 ёш эркакларда 42 ёшни ташкил қилган бўлса, 1959 йилда жами аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичлари 67 ёшни ташкил қилган, аёлларда 70 ёш, эркакларда 65 ёшни ташкил қилган эди. 1969-1970 йилларда ўртача умр кўриш ёши Ўзбекистонда 70 ёшга етган бўлса, аёлларда 73, эркакларда 66 ёшни ташкил қилган[8].

Демографик ўтишнинг дастлабки белгиларини Ўзбекистоннинг индустриал ривожланиши шакллана бошлаган айрим шаҳарларидагина қайд этиш мумкин. Масалан, республикада шаҳар аҳолисининг сони ўсишига қарамасдан, жами аҳоли таркибида шаҳарликлар салмоғи 2002 йилга

келиб 37,2 фоизгача пасайиб, 1991 йилдаги 40,3 фоизга нисбатан таққослаганда, шаҳарларда истиқомат қилувчи аҳолининг салмоғи 2,9 фоизга камайди. Бу ҳолат эса, юқорида келтирган фикрларни тасдиқлаб, мустақиллик йилларида чет элларга, асосан тоталитар тузум ҳукмронлиги даврида турли хил сабабларга кўра кўчиб келган аҳолининг миграция қилганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон ҳудудининг кўпчилик маҳаллий миллат вакиллари яшайдиган асосий қисмида, айниқса қишлоқларда аҳоли тақрор барпо бўлишининг анъанавий тури, кенгайган аҳоли тақрор барпо бўлиши, яъни кейинги авлод вакиллари сони олдинги авлод вакиллари сонидан кўп бўлиши сақланиб қолаверганди. Мисол учун 1991 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 43,1 фоизини, 2004 йилда 38 фоизини, 2008 йилда 33,3 фоизини 15 ёшдан кичик бўлган болалар ташкил қилди[9]. Қиёслаш учун саноатлашган мамлакатларда бу ёш гуруҳига аҳолининг фақат чорак қисми киришини айтиш кифоя[10].

Шундай қилиб, XXI асрнинг бошларида ҳам дунёнинг бир қатор мамлакатларида аҳоли тақрор бўлишининг бир турдан иккинчи турга ўтиш ҳолати, яъни демографик ўтиш содир бўлиши давом этганди. Ватанимиз аҳолисининг туғилиш, ўлим ва табиий ўсиши каби демографик жараёнлари, ушбу тарихий босқичдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ўтган даврда жами аҳоли сифатий кўрсаткичларининг даражаси, дунёдаги демографик ўтишнинг юз бериш жараёнлари билан бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда ривожланди. Бугун ўзбек халқи деганда Ўзбекистонда ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари, минтақаларида яшовчи барча ўзбекларни тушунмоқ кераклиги бежиз эмас. Ҳозирги замонда Ўзбекистон аҳолиси деганда эса, фақат республикамизда яшовчи аҳолини тушунмоқ керак. Чунки улар орасида ўзбеклардан ташқари турли миллат ва халқлар, фуқаролиги бўлмаган ёки муҳожирлар, чет эл фуқаролари ва шу кабилар ҳам бўлиши мумкин. Давлатимиз бош қомусида таъкидлаганидек, «Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»[11]. Ватанимиз мустақилликка эришгач, унинг тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва ғамхўрлик кўрсатиш узлуксиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдан 2010 йилга келиб, 67 ёшдан 73 ёшга етганини Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида, алоҳида қайд этиб ўтдилар[12].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Джоэл Коэн. Демография. // Журнал «В мире науки». - М.: 2005, № 12. - С. 18.
2. Ўша жойда. - С. 17.
3. Бу ҳақда қаранг: БМТ секретариатининг аҳолишунослик бўлими веб-сайти: www.un.org/esa/population/unpop/htm; Аҳолишунослик масалалари бўйича маълумотномалар бошқармаси: www.prb.org; Капица С. Демографическая революция и будущее человечества // Журнал «В мире науки». - М.: 2004, № 4. <http://www.scian.ru/2004/4/nauka-p.shtml>.
4. Джоэл Коэн. Демография. // Журнал «В мире науки». - М.: 2005, № 12. - С. 17.
5. Ўша жойда. - С. 19.
6. Мулляжанов И.Р. Население УзССР. - Ташкент, 1989. - С. 19.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА СТОМАТОЛОГИЯ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН

*Насруллаев Маҳмуд Ибодуллаевич СамДУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти
Джуманов Санжарбек Абдуразакович СамДУ катта илмий ходим изланувчиси*

Маълумки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан эътиборан барча соҳаларда бўлгани сингари соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг миқёсдаги ислохотларни олиб борди. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳоли саломатлигига эришиш, унинг турмуш даражасини юксалтиришни таъминлашдан иборат бўлди. Стоматология соҳасига эътиборнинг кучайиши бу борадаги асосий тадбирлардан бири ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, собиқ совет мустабид тузуми даврида ҳам бу йўналишда тадбирлар амалга оширилган бўлсада, улар моҳиятан мустамлакачилик характерида эга эди. Жаҳон тараққиётидан орқада қолган мустабид тузум туб аҳолини мустамлакачилик асоратларида маҳкам тутиб туриш мақсадида турли найрангларни ишга солар, бу эса мамлакат аҳолиси ҳаёт тарзини тобора оғирлаштириши баробарида, кўплаб қийинчиликларни туғдирар эди. Доимий тарзда маблағ етишмаслигини рўқач қилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш мақсадида зарур бўлган маблағлар йўналтирилмас, берилган озгина маблағлар эса соҳани тубдан янгилаш эмас, балки, давр талабига жавоб бермаётган тизимни зўрға ушлаб туриш учунгина сарфланарди. Бундай ҳолат тизимнинг бошқа соҳалари қатори, стоматология

соҳасига ҳам тааллуқли бўлиб, ушбу соҳа ривожини, ривожланган давлатлар билан қиёслаб бўлмас даражада орқада қолмоқда эди. Жаҳон миқёсида энг илғор усуллар ёрдамида ушбу муолажа тури амалга ошириладиган бир пайтда Ўзбекистонда эскирган технологиялардан фойдаланиш давом этарди. Шу ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ва энг асосийси аҳолининг ҳаёт сифати даражасини юксалтириш мақсадида мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳукумат томонидан бошқа соҳаларда бўлгани сингари бу йўналишда ҳам кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди.

Муаммолар ва уларнинг ечимини аниқлашда ҳар йили мамлакат миқёсида ўтказилиши йўлга қўйилган стоматологларнинг халқаро миқёсдаги илмий амалий анжумани, съезд ва симпозиумлардаги маҳаллий соҳа вакилларининг иштироки, илмий изланишлари, шунингдек чет тиллардаги маърузалари катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари, анъанавий тарзда ўтказилиши йўлга қўйилган халқаро тиббиёт ярмаркаларининг ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да «Соғлиқни сақлаш-ТИНЕ 2012» халқаро тиббиёт кўرғазмаси бунга мисол бўла олади. «ТИНЕ 2012» бир қанча ихтисослашган, жумладан, 17-халқаро соғлиқни сақлаш, 7-Марказий Осиё фармацевтика саноати, «Ўзбекистон стоматологияси» кўрғазмаларини ўз ичига олди. Ярмарка Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «TGE Uzbekistan» халқаро кўрғазма компанияси сингари ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Анъанавий тарзда ўтказилиши йўлга қўйилган «Соғлиқни сақлаш- ТИНЕ » халқаро тиббиёт кўрғазмаси соҳа мутахассисларини тиббий-илмий янгиликлар ва ишланмалар, инновацион лойиҳалар билан бевосита таништириш, ўзаро тажриба алмашишда катта имкониятлар яратди. Ушбу кўрғазмада йигирма икки мамлакатдан бир юз ўттиздан зиёд компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди¹.

Бундай тадбирлар кейинги йилларда ҳам изчиллик билан давом эттирилди. Хусусан, Тошкент шаҳридаги 2014 йилда ташкил этилган “Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ 2014”, “Фармацевтика саноати – AptekaExpo Central Asia 2014” ҳамда “Stomatologiya – Stomatology Uzbekistan 2014” халқаро кўрғазмалари юқоридаги тадбирларнинг мантикий давоми бўлди. Кўрғазмалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ташқи ихтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни, “Ўзтибтехника” масъулияти чекланган жамияти, Стоматологлар уюшмаси билан ҳамкорликда “TGE Uzbekistan” халқаро кўрғазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Стоматология клиникаларини замонавий тиббий воситалар билан таъминлашда бундай кўрғазмаларнинг аҳамияти катта бўлди. Жумладан, ушбу кўрғазмаларда Хитойнинг “HST Stomatological Scientific and Educational” компанияси ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, унда компанияда ишлаб чиқарилган стоматологик моделлар ва соҳага оид тиббий асбоб-ускуналар намойиш этилди.

Мустақиллик йилларида стоматология соҳасида масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий даволаш фирмалари очишга лицензия асосида руҳсат берилди. Давлат стоматология поликлиникаларида эса пуллик хизмат хизмат йўлга қўйилди. Улар орасидаги рақобат соҳа ривожига, унинг моддий техника базаси мустаҳкамланишига хизмат қилди. Тошкентда фаолият кўрсатаётган “Stomaservis” масъулияти чекланган жамияти ана шундай янгича тамойиллар асосида шакллантирилган ташкилотлар жумласига киради. 1992 йилда ташкил этилган жамиятда аввало, жарроҳлик, сўнгра эса тиш қўйиш бўлимлари, кейинчалик туғма, нуқсонли жағ ва тишларни даволаш мақсадида «жағ ва тишларни тўғрилаш» бўлими ташкил этилди. Бундан ташқари, болаларнинг хасталанган тишларини оғриқсиз даволаш усуллари билан ҳам кенг фойдаланилди. Оғриқсиз мосламалар, воситалар ёрдамида тез ва соз муолажалар ўтказилиши йўлга қўйилди. Клиника бошқа турдош даво масканларидан нафақат нуқсонли тишларни даволаш, балки оғиз ва оғиз бўшлиғидаги касалликларни, милк ҳамда оғиз юмшоқ тўқималарини даволаши билан ҳам фарқ қилди. Ушбу жамиятнинг хизматлари халқаро миқёсда ҳам муносиб баҳоланди. Жумладан, 2013 йилда «Stomaservis» масъулияти чекланган жамияти жамоаси Швейцариянинг Женева шаҳрида 70 дан зиёд мамлакатлар иштирок этган халқаро анжуманда аҳолига ўзининг узоқ йиллардан буён кўрсатиб келаётган сифатли ва жаҳон андозаларига мос стоматологик хизматлари учун Халқаро сертификат ҳамда олтин суви югуртирилган соврин билан мукофотланди. 2013 йилга келиб Ўзбекистонда 1000 дан зиёд стоматологик фаолият билан шуғулланувчи шифо масканлари фаолият кўрсатди².

¹ <http://www.mtrk.uz>

² Salimov S. O'zbek klinikasining xorijdagi e'tirofi/«O'zbekiston ovozi» 02.04.2013

Стоматология соҳасида ягона марказлашган, стоматологиянинг барча йўналишлари бўйича замон талабига жавоб бера оладиган етук мутахасис кадрлар тайёрлайдиган, ўқув, илмий амалий, даволаш таълим маркази мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда шаҳарлар ва вилоятларда марказлашган болалар стоматологияси бўйича профилактика ишларини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан бир қанча йирик тадбирлар амалга тоширилди. Жумладан, 2014 йилнинг 11 мартда Тошкент тиббиёт академиясида «Стоматология ва терапия илмий ўқув маркази» ўз фаолиятини бошлади. Мазкур марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахасис кадрларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида» ги 2011 йил 20 майдаги Қарорига асосан Инвестиция дастури бўйича капитал таъмирланди. Тошкент тиббиёт академияси негизида ташкил этилган ушбу марказ таркибида фантом зали, стоматолог иш ўрни модели, маънавият ва маърифат хонаси, илмий тадқиқот лабораторияси, ёшлар инновацион маркази, стоматология факультети деканати, стоматологияда янги технологиялар, психолог кўмаги хонаси, хорижий тилларни ўрганиш хонаси, конференциялар, кўргазмалар, маърузалар залларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари стоматология соҳасидаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаблар ва стандартлар даражасида тайёрлашни янада такомиллаштириш, таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган ўқув ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, илғор ахборот коммуникация, таълим технологияларини жорий этиш, бўлажак стоматолог мутахасисларнинг назарий тайёргарлигини улар ўрганаётган амалий кўникмалар билан узвий боғланган ҳолда олиб борилишини таъминлаш мақсадида 2014 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизида «Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида» ги Қарори эълон қилинди. Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтларининг стоматология факультетлари, Тошкент педиатрия институтининг Нукус филиалининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтининг республика минтақаларидаги филиаллари ташкил этилди¹. Тошкент давлат стоматология институтига қабул жараёни Ўзбекистоннинг бошқа олий ўқув юртига ўхшаш тарзда тест синовлари орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 2015-2016 ўқув йилида Давлат қабул режасига кўра мазкур синовлардан муваффақиятли тарзда ўтган 400 нафар йигит қизни талабалikka қабул қилиш, шулардан 108 нафар талаба давлат гранти, 292 нафари эса тўлов контракт асосида ўқитилиши режалаштирилди. Шундан 190 нафари Тошкент Давлат стоматология институтининг ўзида ўқиш имкониятига эга бўлса, қолганлари Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Нукус филиалларида таълим олишлари кўзда тутилди².

Ўтган қисқа давр ичида институт ректорати, кафедралари, илмий жамоатчилиги томонидан тиш жағ соҳасида учрайдиган касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, тиш протезлаш, даволашнинг энг сўнгги технологияларини амалиётга тадбиқ қилиш бўйича ўқув семинари, илмий амалий анжуман ҳамда халқаро доирадаги конференциялар уюштирилди. Шундай анжуманлардан бири Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан 2015 йилда «Стоматологиянинг долзарб муаммолари» мавзусига бағишлаб ўтказилди. Халқаро доирадаги ушбу конференцияда Германия, Россия, Жанубий Корея ҳамда Қозоғистон давлатларидан вакиллар иштирок этгани унинг нуфузини белгилаб берди³. Институт чет элнинг стоматология соҳасидаги нуфузли илм марказлари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Жумладан, 2014 йилнинг 9-11 ноябр кунлари Жанубий Кореянинг Ёнсей университети, стоматология факультети декани, профессор Кеун Ву Ли ҳамда халқаро соғлиқни сақлаш корейя жамғармаси – КОФИН бош котиби Девид Сир ва бир гуруҳ корейлик мутахасисларнинг Тошкент давлат стоматология институтига амалга оширган ташрифи бу борадаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди⁴.

¹ Хабилов Н. Стоматология: тараққиёт босқичида/ Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Здравоохранения Узбекистана., 2014 йил 25-июль, № 20, -Б. 1.

² Стоматология соҳасига кадр билимдон абитуриентлардан сараланади/ Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Здравоохранения Узбекистана., 2015 йил 24-июль, № 29, -Б. 6.

³ Кузметова Х. Ўзбекистон стоматологияси янада такомиллашиш босқичида/ Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Здравоохранения Узбекистана., 2015 йил 17-апрел, № 15, -Б. 3.

⁴ Соатова И. Стоматологлар тайёрлашга замонавий ёшдошув/ Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Здравоохранения Узбекистана., 2014 йил 14-ноябр, № 46, -Б. 5.

Мамлакатда кейинги йиллар ичида кўпгина шахсий стоматологик шифохоналар, кабинетлар, тиш протез тайёрлаш лабораториялари очилди. Давлат тасарруфидаги айрим стоматологик шифохоналар хусусийлаштирилди ва уларнинг сони кундан кунга ортиб борди¹. Бу эса мамлакат миқёсидаги ортопедик стоматологиянинг ҳам кенг миқёсда ривожланишини таъминлади. Тиббиёт соҳасида олиб борилган ислохотлар туфайли аҳолининг тиббий маданияти ва саводхонлиги ошди. Барча қатламлар орасида ўтказилиши йўлга қўйилган тиббий кўрикка стоматологлар ҳам жалб қилиниши йўлга қўйилди². Бу борада амалга оширилган тадбирларни вилоятлар стоматология поликлиникалари фаолияти мисолида таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мана шундай вилоят стоматология поликлиникаларидан бири Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси бўлиб, мустақиллик йилларида ушбу муассаса Самарқанд вилояти аҳолисига замонавий сифатли стоматологик хизмат кўрсатиш тадбирларида фаол иштирок этиб келди. Хусусан, 2014 йилга келиб поликлиникада асбоб ускуналар модернизация қилиниши давом эттирилиб, 6 та янги стоматологик асбоб ускуналар янгиланди. Иккита янги шлиф машина олинди ҳамда тиш техниклар корпуси қайта таъмирланди. Натижада муассаса санитария меъёрлари талаблари даражасига етказилди. Ортопедия бўлими эса беморларни кўришга мўлжалланган кичик жиҳозлар билан таъминланди. Бўлимда жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шифохона ичи инфекциясининг олдини олиш учун бўлим дезинфекция воситалари билан тўлиқ таъминланди. Бундан ташқари, тиш протезлаш лабораториясининг иши ҳам замон талаблари даражасига етказилди. Жумладан, мазкур лабораторияда тайёрланадиган тиш протезлари учун хом ашё захираларини яратиш мақсадида буюртмалар берилди ҳамда замонавий аппаратлар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Хусусан, Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган 2 дона шлиф машина олинди ва фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган стоматологик ёрдамнинг хизмат ва пуллик хизмат турлари ривожланди. Натижада муассасага беморларнинг ташрифи йилдан йилга ортиб борди. Жумладан, 2013 йилнинг биринчи чорагига караганда 2014 йилнинг биринчи чорагида беморларнинг жами қатнови 7 фозга ошди³. 2014 йил мобайнида эса стоматология ва тиш врачларига қатновлар сони жами бўлиб 106442 нафарни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 109001 нафар бўлди.

Муассасада пуллик хизмат турини ривожлантириш тадбирлари ҳам кенг миқёсда олиб борилди. Жумладан, 2014 йилги маълумотлар бўйича жами 66,5 штат бирликдаги ходимлар фаолият кўрсатган бўлса, уларнинг 20 штат бирлиги пуллик хизмат турига тўғри келди. Бундан ташқари, муассасада режа бўйича туманлардаги стоматологларнинг иш фаолияти ўрганилиб, уларга амалий услубий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ҳам изчиллик билан олиб борилди. Жумладан, врач стоматолог ортопедлар томонидан стоматологиянинг долзарб муаммолари юзасидан рефератлар тайёрланиб, илмий амалий конференциялар ўтказилди. Бу эса ўз навбатида туманларда фаолият кўрсатаётган стоматологларнинг ҳам замонавий билимлар билан қуроллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Аммо, ҳукумат томонидан бу борада олиб борилган кенг қўламли ислохотларга қарамаздан, бир қанча муаммоларнинг ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаш зарур. Жумладан, мустақилликдан кейинги йилларда ҳам асосий стоматологик касалликларнинг аҳоли орасида тарқалиши давом этиб келди. 2011 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда шаҳарда яшовчи болаларда кариес касаллигининг тарқалиши 6 ёшлилар орасида 87 фоизни, 12 ёшли болалар орасида 68 фоизни ташкил этди. Қишлоқ шароитида яшовчи 6 ёшли болалар ўртасида кариеснинг тарқалиши 80 фоиз, 12 ёшлиларда 66 фоизни ташкил этди. Шаҳар шароитида вояга етганлар ва катталар орасида кариес тарқалиши кўрсаткичи 97 фоиз, қишлоқ шароитидаги кишилар орасида бу кўрсаткичлар 93 фоизни ташкил этган⁴. Бундан ташқари, бу борадаги тиббий маданият ҳам етарли даражада эмас ва мазкур соҳада мамлакатнинг чекка ҳудудларидаги ишларни қоникарли деб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида мазкур соҳа бўйича олиб борилаётган тадбирлар самарадорлигини янада ошириш лозимлигини кўрсатади. Бундан ташқари, асосий стоматологик касалликлар бўйича профилактик тадбирлари ҳам тўла миқёсда олиб борилиши зарур.

¹ Бекметов М.В., Файзуллаев Ф.Ш., Раҳмонов Ҳ.Ш. Ортопедик стоматология/ Тошкент., Абу Али Ибн Сино нашриёти., 2002. –Б. 6.

² Кузметова Ҳ., Ортопедик стоматология: янги технологиялар инсоният учун/ Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Здравоохранения Узбекистана., 2015 йил 16-январ, № 2, -Б. 3.

³ Самарқанд вилояти стоматология поликлиникасининг жорий архиви. Вилоят стоматология поликлиникасининг 2014 йил 1-чорак фаолияти ҳақида маълумотнома. –Б. 1.

⁴ Ҳалилов И., Болалар терапевтик стоматологияси ва стоматологик касалликлар профилактикаси/ Тошкент, Шарқ, 2011. –Б.3.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани сингари, стоматология соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, доимий тарзда маблағ етишмаслигини рўқач қилган ҳолда соҳани ривожлантириш мақсадида зарур бўлган маблағлар йўналтирилмаган мустабид совет мустамлакачилиги давридан фарқли равишда мустақиллик йилларида соҳанинг замон талаблари даражасида янги технологиялар билан таъминланишига катта эътибор берилди. Бундан ташқари, совет замонасида ривожланган давлатлар билан қиёслаб бўлмас даражада орқада қолаётган ва эскирган технологиялардан фойдаланиш мавжуд бўлган ушбу соҳа мустақиллик йилларида энг илғор усулларнинг амалиётга тадбиқ этилиши натижасида тараққий этган мамлакатлар стоматологияси билан бемалол рақобатлаша оладиган даражага кўтарилди. Шунингдек мазкур соҳа бўйича энг замонавий билим ва кўникмаларни эгаллашга ёрдам берадиган махсус олий ўқув юртининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳа учун зарур бўлган юксак малакали стоматолог кадрлар тайёрлаш тадбирларининг янги босқичга кўтарилишига олиб келди. Бундан ташқари, шу соҳага мўлжалланган илмий марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳам мазкур соҳада амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигининг ошишига хизмат қилди.

ЖИЗНЬ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ НАЖМИДДИНА КУБРА (НА ОСНОВЕ ИССЛЕДОВАНИЙ ЗАПАДНЫХ УЧЁНЫХ)

Якубова Мухтарам Бакаевна

В нашей статье речь пойдёт об Абу-л-Жанноб Ахмад ибн Умарб. Мухаммад б. Абдуллах ас-Суфи ал-Хивоки ал-Хоразми, известном как Нажм ад-Дин ал-Кубра. В книгах о суфийских орденах его причисляют к ордену, названного в его честь. Кроме того эту линию называют ещё и фирдавсия и захабия. В журнале “Enzyklopaedie des Islam” была напечатана статья Е.Бертельса про Нажмиддина Кубра, в котором автор ссылается на статью Эдварда Г.Бровне в «Literary History of Persia», изданном в Кембридже.¹ Сборник четырёхстиший Н. Кубра с его краткой биографией, опубликованная Бертельсом была переведена на персидский язык и напечатана в персидском журнале «Ёдгор»². Кроме того ещё Карл Брокелманн в журнале «История арабской литературы» посвятил статью Н.Кубра. Ф.Майер тоже публикует сведения о Н.Кубра, извлечённых из стамбульских рукописей.³

Из достаточно солидного аппарата источников по данной теме назовём лишь некоторые: «Асар ал-билад» Закариёб. Мухаммад ал-Казвини (1275 г.), текст которого переиздан в 1848 году в Гёттингене; «Ушшокнаме» («Ишкнаме» или «Дахфасл») Фахриддина Ираки (ум. в 1289 г.); «Жамиут-Таворих» Рашидиддина Фазлуллоха (закончен в 1310-1311гг.); «Фазлат-тарика» (написан на арабском языке в 1313г.) и «Тазкиротул-машойих» (написан на персидском языке в 1317г.) Ала ад-давла ас-Симнани; «Табакотиаш-Шафия ал-Кубра» Тожиддин ас-Субки (Каир, 1324 г.); «Нафахатул-унс» Абдурахмана Жами; «Мажалисун-нафаис» Мир АлишераНаваи (написан в 1490-91 гг.); «Равзат ус-сафо фи сиратул-анбия ва-л-мулуква-л-хулафа» Мирхонда (ум. В 1498 г.); «Мажолисул-ушшок» Султана Хусайна Байкары (написан в 1503 г.); «Хабиб ус-сияр фи ахборафрод ил-башар» Хондамира (ум. в 1535-36 гг.)⁴.

По свидетельству источников, Нажмиддин ал-Кубра родился не позже 1145-46гг. Уже в юношеские годы из-за своего высокого интеллекта он получил от наставника прозвище «Кубра», что означает «великий, огромный». Он много путешествует по миру с целью изучения хадисов. Кубра был в Нишапуре, Хамадане, Исфахане, Мекке и Александрии. Известны имена его наставников: в Нишапуре это- Абу-л-Маали ал-Фарави (ум. в 1191 г.); в Хамадане- Хофиз Абу-л-Ала (ум. В 1173 г.); в Исфахане- Абу-л-Макарим Ахмад б. Мухаммад ал-Лаббон (ум. в 1201 г.), Абу Саид ар-Ророни (Ророн-селение близ Исфахана; ум. в начале 1200г), Абу Жафар Мухаммад аз-Зайдалони (ум. в 1173 г.); в Мекке Абу Мухаммад ал-Муборак б. ат-Таббах; в Александрии-Хофиз Абу Тахир ас-Силафи (ум. в 1180 г.) и Абу Зия Бадр б. Абдуллах ал-Хаддади.

Современник и ученик Нажмиддина ал-Кубра Мажидиддин ал-Багдади в 8 и 10 главах своего труда «Тухфатул-барара» называет своего наставника Хафизом. Это означает, что Нажмиддин ал-Кубра знал наизусть Коран. Возможно, что Н. Кубра в 1172-73 годы был в Хамадане и одновременно изучал хадисы и суфизм

¹ Г.Бровне, “Literary History of Persia”, Кембридж, 1928, №.2, стр. 491-494

² Э.Бертельс, «Ёдгор», Тегеран, №4, 1947-48, стр.96-101

³ Ф.Майер, «Der Islam», Берлин, 1937, №25, стр. 9-30

⁴ Все сведения, касающиеся источников опираются на научные труды Ф.Майера

Однако решающую роль в становлении Н.Кубра на мистическую тропу сыграла Александрия. В этом городе он знакомится с великим знатоком хадисов Абу Тахиром ас-Силафи. Эта встреча произошла в 1179 году, когда Нажмиддину Кубра исполнилось 35 лет, а Силафи было уже за 100. По возвращении из Александрии в Хузистане в городе Дизфуле (или Дизбуле) он заболел и лишь став учеником шейха Исмаила ал-Касри (Qasri, ум.в 1193г.) излечился от тяжелого недуга. В дальнейшем Исмаил ал-Касри отправляет его к Зиё ад-Дину Абу Ясиру Аммару ал-Бидлиси (Ваззан ал-Мисри). Из источников мы знаем, что Аммар ал-Бидлиси был учеником Абу-н-Нажиб ас-Сухраварди (ум.в 1168 г.). Дата рождения Аммара ал-Бидлиси неизвестна. Переписанные в 1207 году рукописи его двух произведений на арабском языке «Бахжата-таифа» и «Савмул-калб» хранятся в королевской библиотеке Берлина.

В своих трудах сам Нажмиддин Кубра называет Ал-Бидлиси своим духовным наставником. Аммар ал-Бидлиси направляет его далее в Египет к шейху Рузбехану ал-Фариси. Хусайн Хоразмий свидетельствует, что Нажмиддин Кубра некоторое время жил в Каире, обучаясь у Рузбехана. Хусайн Хоразмий далее пишет о чудодейственном взгляде, которым обладал Нажмиддин Кубра, называя его «валитарош» и приводит такой пример: как то воробей был преследован соколом. Когда на этого воробья направил свой пристальный взгляд шейх Нажмиддин, то воробей вдруг обернулся, схватил сокола и бросил к ногам шейха.

Нажмиддин Кубра завоевал уважение и симпатию учителя Рузбехана, который выдаёт замуж свою дочь за Нажмиддина. От брака Нажмиддина ал-Кубра в Египте с дочерью Рузбехана ал-Фариси родились двое сыновей. В Каире он жил два года. После направляется в Тебриз, где изучает хадисы у Абу Мансура Мухаммада ат-Туси, известного под именем Хафда. Есть интересные сведения о встречах Кубра в Тебризе с шейхом Бобо Фаражем. Далее он возвращается к Аммару ал-Бидлиси. Тот, в свою очередь, направляет к Исмаилу ал-Касри. Из рук Исмаила ал-Касри и Аммара ал-Бидлиси Нажмиддин Кубра получает священные мантии суфиев («хирка»). Было объявлено, что его обучение успешно завершено.

Наставники разрешили вернуться Нажмиддину Кубра вместе с семьёй из Египта на Родину. По всей видимости, Нажмиддин Кубра вернулся в Хорезм примерно в 1188 -1189 гг.

Говоря о деятельности Кубра в Хорезме безусловно необходимо упомянуть об учениках великого мастера. В источниках есть сведения о более чем шестидесяти последователях Кубра (Яфии, Жами).

Среди них можно назвать: Мажиддин Шараф б. Муаййад ал-Багдади (ум. в 1219); Разиддин Али б.Саид ал-Газневи ал-Лала (ум. в 1244); Саъдиддин Мухаммад ал-Хаммуи (ум. 1252); Нажмиддин Абдуллох ад-Дая(ум. в 1256); Жамолиддин ал-Гилий (ум.в 1258); Сайфиддин ал-Бохарзи (1189-1260); Бахауддин Валад (отец Жалолоиддина Руми, ум. В 1230 г.). Алишер Наваи причисляет и Жалолоиддина Руми к числу учеников Нажмиддина Кубра. Фаридуддина Атгара тоже относят в ряд последователей Кубра.

Известны труды Нажмиддина Кубра на арабском и персидском языках. Так, незаконченный комментарий к Корану «Айнул-хайох»; самый распространённый труд Кубра – «Ал-усул ал-ашара»; «Рисала фи-с-сулук»; «Фаваих ал-жамал ва фавотих ал-жалал»; «Адабул-муридин».

Обстоятельства гибели Нажмиддина Кубра всем известны, когда 70-летний (а по некоторым источникам 80-летний) шейх со своими оставшимися учениками (перед нашествием монголов многим из них он велел вернуться в свои страны) героически возглавлял оборону Хорезма.

Конечно же в рамках одной статьи невозможно дать полную картину сведений о Кубра. Но это была попытка осветить некоторые стороны жизни и деятельности этого великого сына Хорезма. Про Нажмиддина Кубра написано много исторических трудов. Среди западных исследователей следует особо подчеркнуть имя швейцарского учёного Фритца Майера, который своими фундаментальными трудами, внёс огромный вклад в дело изучения психологии, философии и истории суфийского мастера Нажмиддина ал-Кубра., обсуждение которого составляет предмет особой статьи.

ЗОЛЬ – ГЕЛЬ УСУЛИДА ОЛИНГАН КВАРЦ ШИШАЛАРГА ТЕРМОРАДИАЦИЯНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ.


Эшбеков А.А., Самарқанд давлат университети

Ҳозирги пайтда шишасимон материалларни олишнинг истикболли методларидан бири золь-гель жараёндир. Золь-гель технологияси монолитлар, кукунлар, қатламлар ва толалар каби турли хил материаллар олиш учун муқобил усул сифатида кенг қўлланилади. Энг асосий вазифалардан бири, олинган шишалардаги киришма ионларнинг ҳолатини ўрганишдир. Шишалар таркибида энг кўп

учрайдиган киришмалардан бири темир ионлари бўлиб, шишаларнинг оптик хусусиятларига жуда катта таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан темир ионлари радиация таъсирида бўладиган электрон-тешик процессларида жуда актив қатнашади. Наъмуна сифатида золь-гель услубида олинган ва шимдириш усулида темир ионлари билан легирланган ксерогель олинди. Легирланган ксерогелдан шиша олиш учун ксерогель 1100-1150 °С температурада қиздирилади. Улар таркибининг асосий қисмини 99 мас% SiO₂ ташкил этиб, қолган 1% эса Al₂O₃<0,7; Na₂O+K₂O<1 ва сувдан иборат. Темир ионларининг концентрациясига таъсирини ўрганиш учун наъмуналар ⁶⁰Co манбасидан 5·10⁷ Р дозагача нурлантирилди.

Темир ионлари билан легирланган ксерогелнинг дастлабки ва 600 °С температурада ишлов берилган наъмуналари ютилиш спектрларидан кўринадики, спектр тўлқин узунлиги ошиши билан монотон камаяди. Куритилган ксерогелда эса максимуми 255 нм га тенг бўлган полоса ҳосил бўлади. Юқори температурада олинган кварц шишаларда темир ионлари максимумлари 242 нм га тўғри келади. Бундан кўринадики, бу материалларда юқори температураларда олинган кварц шишаларга нисбатан тўлқин узунлигининг силжиши содир бўляпти.

Темир ионлари билан легирланган наъмуналарнинг ЭПР спектрларида g=6,0; 4,3; 2,00 га тенг бўлган сигналлар кузатилади. Натижалар кўрсатадики, ксерогелларни 800 °С гача қиздирилганда Fe³⁺ ионларининг тетраэдрик координациясидаги хиссаси камаяди ва октаэдрик координациядаги хиссаси ортади. 900 °С температурада қиздирилганда Fe³⁺ ионларининг мураккаб сигналлари кузатилади. Бундан ташқари ЭПР спектрларида боғланмаган кислород ионининг маркази ҳам кўринади. Бу марказлар 200 ва 1050 °С да ишлов берилган наъмуналарда аниқ кўринади (1-расм). Демак, γ-нури таъсирида Fe³⁺ ионларининг тикланиши ва ҳар хил табиатли радиацион марказлар ҳосил бўлиши кузатилади [1,3].



Текширилган наъмуналарда γ-нурланиш таъсирида парамагнит радиацион марказлар билан бир қаторда спектрнинг кўринадиган ва УБ соҳаларида ютилишни ҳосил қиладиган марказлар ҳосил бўлади. Бундай марказларнинг табиати ксерогель ва кварц шишалар учун турлича бўлади. Золь-гель усулида олинган кварц шишаларни γ-нурида нурлантирилганда ҳосил бўладиган кўшимча ёруғлик ютилиши спектрларида 4 та ютилиш полосаси кузатилади. Уларнинг максимумлари 215, 230, 320, ва 550 нм да бўлади. Максимумлари 215 ва 230 нм да бўлган ютилиш полосалари γ-нури таъсирида E₁' ва E₂' марказлар кўринишидаги хусусий нуқсонлар ҳосил бўлишини билдиради. Золь-гель

E₁' усулида синтез қилинган кварц шишаларда марказларнинг мавжудлиги ЭПР спектрларида ҳам ўз исботини топди. Нурлантирилган кварц шишалар ЭПР

спектрларининг умумий кўринишининг g=2,0 соҳадаги марказий сигнали атрофлича ўрганилди. Бу марказ g-фактори бир-бирига яқин бўлган бир нечта радиацион марказлар сигналларининг қўшилиши эканлигини кўрсатади [2].

Максимуми 550 нм бўлган ютилиш полосалари алюминий-кислород тетраэдри [Al_{4/2}]R⁺ тешикли марказларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Бундай марказларнинг ҳосил бўлиши ²⁷Al ядроси билан боғлиқ экан.

Кварц шишаларда g=2,00 бўлган марказий сигнал кузатилиб, у радиацион марказлар билан боғлиқдир ва Fe³⁺ ионларига хос бўлган g=4,3 га тенг бўлган сигнал ҳам кузатилади.

Демак олинган натижалар шуни кўрсатадики, ксерогеллар ва кварц шишаларда γ-нури билан нурлантирилганда хусусий марказлар билан бир қаторда киришмалар марказлари ҳам ҳосил бўлади, уларнинг тавсифномалари шишасимон кремнеземнинг яхши маълум бўлган тавсифномаларига яқинлигини тасдиқлайди.

ВОЗМОЖНЫЕ ПАТОЛОГИИ ЭМБРИОГЕНЕЗА ЧЕЛОВЕКА И ЕГО ПРИЧИНЫ

Карабаева М.Б., Алланазарова Н.А., Самаркандский государственный университет

Актуальность темы. Человеческое общество, развиваясь веками, непрерывно продолжает свой род. Происходит постоянная смена поколений, что связано с процессом размножения. Сам процесс размножения является общим для всех живых существ. Организм ребенка несет определенные признаки организма родителей. Наряду с этим он имеет определенные отличия от организма

родителей. Кроме того, дочерний организм подвергается непрерывному воздействию факторов окружающей среды с момента слияния половых клеток родителей до наступления родов и в течение послеродового периода, роста и развития. Под влиянием неблагоприятных воздействий окружающей среды в этом организме могут происходить отрицательные изменения [1,4].

Развитие человека представляет с одной стороны процесс достаточно хорошо изученный, но с другой стороны, в наше время нарушенной экологии окружающей среды, разного рода патологии родителей, пьянство, наследственные заболевания, близкородственные браки, распространенные в нашем регионе, – все это лишь малая толика того, что может повлиять на процессы индивидуального развития человека и вызвать отклонения или нарушения. И потому процессы эмбриогенеза в настоящее время актуальны как никогда [2,3].

Цель и задачи исследования. Цель наших исследований - изучение эмбриогенеза человека, его критические моменты и возможные патологии.

Научная новизна и практическое значение работы. В последние годы наблюдается крайне быстрый рост исследований, относящихся к проблемам зачатия и применения противозачаточных средств. Это привело к возникновению новой дисциплины, которую обычно называют биологией размножения. Помимо проблем, главным образом, практического характера, касающихся методов оплодотворения и применения противозачаточных средств, эта дисциплина уделяет внимание нормальному гаметогенезу, эндокринологии размножения, переносу гамет и оплодотворению, ранним стадиям зародышевого развития и имплантации зародыша млекопитающих и человека.

Изучение эмбриогенеза человека, его критические моменты и возможные патологии в настоящее время исследуются благодаря современным методам исследования. Результаты работы имеют большое значение, прежде всего в просветительской деятельности среди населения, а также в преподавании биологических дисциплин учащимся школ, колледжей, лицеев и вузов.

Материал и методы исследования В основе наших исследований лежали методы клинического, ультразвукового исследования и изучение abortивных или выкидышных зародышей.

Собственные исследования. В наших исследованиях мы изучили и использовали клинические методы и методы ультразвуковой диагностики. В данной работе мы приводим данные ультразвуковой диагностики, проведенных у женщин с разными сроками беременности с демонстрацией закладок органов у плода и его размеров (рис 1-8).



Рис.1. УЗИ. Беременность 12 недель (длина 49.5 мм)



Рис. УЗИ.2. Беременность 9,5 недель (длина 26,3 мм)



Рис.3.УЗИ. Беременность 20 недель



Рис.4.УЗИ. Беременность 33 недели (половые органы)



Рис.5. УЗИ. Беременность 16,5 недель



Рис. 6.УЗИ. Беременность 33 недели (лицо плода)



Рис.7.УЗИ. Беременность 33 недели (позвоночник, сердце, легкие)




Рис.8. УЗИ. Беременность 9 недель

Из нарушений внутриутробного развития наибольшее клиническое и социальное значение имеют врожденные пороки развития (ВПР). Современная наука считает, что не менее 50% всех ВПР имеют комплексную многофакторную природу, то есть образуются под влиянием наследственных и средовых факторов, тогда как 5% ВПР индуцировано тератогенными воздействиями [4]. К тератогенным воздействиям относят любую вредность, под влиянием которой может сформироваться ВПР. Известно несколько сотен тератогенных факторов, однако практическое значение у человека имеют всего лишь несколько:

- эндокринные заболевания матери (сахарный диабет);
- физические воздействия (температурные или ионизирующие);
- химические вещества, к которым относятся некоторые медикаменты (ретиноиды, вальпроевая кислота, талидомид и др.) и алкоголь;
- биологические факторы (инфекции — токсоплазмоз, краснуха и др.)

Часть этих факторов способны индуцировать определенные тератологические синдромы, хорошо известные врачам во всем мире.

Кроме критических периодов необходимо учитывать терминационные периоды действия тератогена - то есть предельный срок беременности, в течение которого неблагоприятный фактор может индуцировать аномалии развития. Этот период определяется сроками завершения формирования органа и отличается для различных органов и тканей, например, грубый порок развития мозга - анэнцефалия, может сформироваться под воздействием тератогенных влияний до 8 недели беременности, тогда как дефекты межжелудочковой перегородки сердца - до 10-ой недели.

Фетальный, или плодный, период развития зародыша характеризуется процессами перемещения органов, их дальнейшим развитием, созреванием, создающим возможность функционирования после рождения. Под воздействием вредных веществ (тератогенов) происходит остановка развития и редукция органов (кисты, «заячья губа» и «волчья пасть», черепно-глоточный проток и другие), неправильные повороты (обратное положение, транспозиции), неполная зрелость (неопускание яичек, сглаженность поверхностей полушарий большого мозга), неправильное развитие органов вследствие гормональной недостаточности желез плода (гермафродитизм) и др. Эти пороки объединяются под названием фенотипий и бывают более ограниченными. Они возникают реже, чем эмбриопатии, так как в плодный период уже сформированы системы органов и начинают функционировать механизмы защиты самого плода (гормональные, ферментативные, иммунные). Но так как эти процессы на данном этапе развития еще не совершенны, то они могут быть легко нарушены.

К сожалению, в результате наших исследований мы не смогли получить данные по количеству пороков развития и их причинам по Самаркандской области, эти данные считаются закрытыми. А с другой стороны у нас не было цели в цифровом варианте дать такую информацию.

Выводы

1. В развитии человеческого организма наиболее уязвимыми являются 1-ый и 2-ой критический период онтогенеза - это конец 1-ой начало 2-ой недели после оплодотворения и 3-6 недели

беременности. Воздействие вредностей именно в течении 2-го периода приводит к формированию наибольшего количества врожденных пороков развития.

2. Из нарушений внутриутробного развития наибольшее клиническое и социальное значение имеют врожденные пороки развития (ВПР).

3. Необходима просветительская деятельность среди всех слоев населения, особенно среди молодежи репродуктивного возраста

4. Ранняя диагностика патологий при медико-генетических консультациях является оптимальным и своевременным решением проблем рождения детей с отклонениями, как в физическом, так и в умственном развитии.

Литература:

1. Внутриутробное развитие человека: Руководство для врачей / под ред. А.П. Милованова, С.В. Савельева. - М., 2006.

2. Пэттен Б. М. Эмбриология человека: пер. с англ. - М.- 1959.-768 с.

3. Станек И. Эмбриология человека: Монография /И. Станек; Братислава: Веда, 1977.- 235 с.

4. Стрижаков А.Н., Игнатко И.В. Внутриутробная хирургия // Вопросы гинекологии, акушерства и перинатологии, Т. 2, №3.- 2003. - С. 30-36.

СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

ТАТУ Самарқанд филиали катта ўқитувчиси Хотамов Н. Б. СамДУ ўқитувчиси Қулмуродова С.С

Соғлом наслни, жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри тоза, иймон эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни камолга етказиш аждодларимиздан бизга қолган мерос қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Зеро буюк давлатни фақат соғлом миллий, соғлом авлодгина кура олади.

Миллий ҳаракатли ўйинлар, спорт турлари ҳам халқ қадриятларига дахлдор бўлиб, соғлом авлодни тарбиялаш йўлидаги муҳим ва зарурий вазифалардан биридир.

Соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашнинг омиллари ҳам кўп. Айниқса, болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш, бадан тарбияси ва спорт билан шуғуллантириш, турли-туман миллий ҳаракатли ўйинларни ўргатиш муҳимдир. Бола тарбиясининг бу томони ҳам давлат ва жамият аҳамиятига молик масаладир. Президентимизнинг шу муаммони давр талаби асосида ҳал қилишга алоҳида эътибор бериб, болаларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг шу жумладан, бошқа миллий турлари ва шакллантиришни бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан, бошқа миллий ўйинлар ва турларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш, айниқса, миллий спорт ўйинлари ҳақида маълумотлар йиғиш, уларни бойитиш ва шулар асосида ёшларимиз ўртасида кенг ташвиқот олиб бориш кўп тартибдаги долзарб муаммолардан бири экани ҳақида фикрни илгари сурди. Чунки миллий ҳаракатли ўйинлар ҳам халққадриятларига дахлдор бўлиб, уларни бойитиш соғлом авлодни тарбиялаш йўлидаги муҳим зарурий вазифалардан биридир.

Миллий ҳаракатли ўйинларнинг педагогик-психологик ва жисмоний жиҳатдан тарбиявий аҳамияти катта. Миллий халқ ҳаракатли ўйинларидан “Қувлашмачок” ўйинини оладиган бўлсак, бу ўйин болаларда қатиятлилик кўникмаларини ҳосил қилиш, сабр-чидамга ўргатиш, топқирлик кўникмаларини шакллантиради. Ўзбек халқ ҳаракатли ўйинлардан “Чиллик”ўйини ўтлоқ жой ва спорт майдончасида ўтказилади. Бу ўйинни ўйнашда болаларнинг ёш хусусиятига эътибор бериш, болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилишга йўналтириш лозим.

“Оқ теракми, кўк терак” миллий ҳаракатли ўйинида болалар жамоа учун, ҳаракат қилиш лозим. Бу ўйинларни ҳаммаси табиат кўйинида, тоза хавода ҳамда қиш фаслида ташкил этилади. Бу ҳаракатли ўйинлар болаларни нафас олиш фаолиятини яхшилайдди. Қон айланиш системасини мустаҳкамлайди. Болаларнинг ҳаракат органлари яхши ривожланади, қадди-қомати чиройли бўлиб ўсади. Халқимиз бежиз айтмаган “Соғ танда-соғлом ақл”-деб.

Болалар уни хонада ёки сайр қилиш чоғида ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар ва машқлар уларнинг ҳаракат фаолиятини оширади, ўрганиб-ўзлаштирганларини мустаҳкамлашга замин яратади ва энг муҳими тарбияланувчиларни соғлигини яхшилайдди.

Миллий ҳаракатли ўйинлар болалар хотираси, фикрлаш қобилиятининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Ўйинда рўй берган вазиятни қараб дархол тегишли жавоб ҳаракатини амалга ошириши ютуқ ёки мағлубиятга олиб келади. Бу ўйинлар ҳаётда зийраклик ва тезкорлик билан аниқ жавоб тайёрлашга ўргатади.

Миллий ўйинларнинг кўпчилиги билан 3-4 ёшда бошлаб шуғулланиши мумкинлиги назарда тутилса, ўйинлар орқали ёшларни хар томонлама камолотига бунинг таъсири қанчалик эриша бошланишини тасаввур қилиш мумкин.

Маҳаллалар, болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари ва бошқа турдаги ўқув юртларида миллий ўйинларни ўргатиш жисмоний тарбияни аҳоли орасида, энг аввало маҳаллий халқ орасида оммалашувга кенг йўл очади.

Миллий ўйинлар ҳаммабоп, махсус спорт майдонларни ва иншоотларни талаб этмайди. Ўйин жихозлари оддий, шуғулланувчилар ўзлари қийинчиликсиз тайёрлаб оладилар. Миллий ўйинлар бебаҳо кадрийатларимиздир. Уларни ўрганиш, тиклаш, ўқув-тарбия жараёнига кенг тадбиқ қилиш ёшлар орасида тарбия ишини янги босқичга кўтаришга олиб келади.

Миллий ўйинларнинг келажакда ёш авлодни соғлом, баркамол қилиб тарбиялашдаги аҳамияти беқиёс каттадир.

СИСТЕМА ЭНЕРГЕТИЧЕСКОГО МЕНЕДЖМЕНТА ЗДАНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

А.Ш. Шаисламов, М.А. Короли (Ташкентский государственный технический университет)

В Узбекистане 49% всего энергопотребления или 17 млн. т.н.э. (тонна нефтяного эквивалента) в год приходится на здания. Большинство зданий на сегодняшний день превысили срок их эксплуатации и не отвечают современным стандартам. За это время население Узбекистана выросло с 14 до 27 млн., и к 2015 году оно достигнет 30 млн. человек, возрастает спрос на услуги здравоохранения. В то же время, количество и качество имеющихся объектов не отвечает этим требованиям[1].

Сегодня одним из приоритетных направлений развития экономики РУз является энергоэффективность - снижение потребления энергоресурсов предприятиями, организациями и населением страны. В первую очередь это связано с необходимостью снижения нагрузки на окружающую среду в части потребления энергоресурсов и связанных с потреблением образований отходов, выбросов, сбросов, а также с увеличивающимися требованиями к энергетической эффективности во всем мире.

Согласно современной концепции, с точки зрения энергопотребления, проектирование, строительство и использование здания рассматриваются как единая технологическая цепь, имеющая своей целью минимизировать энергетические, материальные, трудовые затраты и воздействие на окружающую среду. Из общего объема тепловой энергии, потребляемой при строительстве и эксплуатации зданий сегодня, только 10% расходуется на производство строительных материалов и изделий, а также на сам процесс строительства, а 90% идет на отопление и горячее водоснабжение, что в 2 раза больше, чем в западноевропейских странах.

Типовая структура расхода тепловой энергии зданием, а также потенциал энергосбережения следующие:

- наружные стены – 30% (потенциал энергосбережения - 50%);
- окна – 35% (потенциал энергосбережения - 50%);
- вентиляция – 15% (потенциал энергосбережения -50%);
- горячая вода – 10% (потенциал энергосбережения -30%);
- крыша, пол – 8% (потенциал энергосбережения - 50%);
- трубопровод, арматура – 2% (потенциал энергосбережения - 5%).

Поиски путей реформирования жилищно-коммунальной сферы в современном Узбекистане в значительной мере связаны с неэффективностью использования энергоресурсов в зданиях. Основная масса энергоресурсов потребляется в зданиях, находящихся в пользовании бюджетных организаций. Значительная часть этих ресурсов используется нерационально и непродуктивно по ряду причин: устаревшие технологии, низкое качество эксплуатации зданий и энергетического оборудования, а также из-за отсутствия качественного управления процессами генерирования и поставки энергоресурсов и преобразования их в полезные продукты или услуги. Реализация инновационной стратегии развития инфраструктуры республики, социальной сферы нуждается в решении вопросов использования энергетических ресурсов в республике на основе профессионального управления и принципах устойчивого развития. Это означает, что в системе администрирования должно появиться специальное звено управления — система энергоменеджмента. Необходимость внедрения системы энергоменеджмента на основе международного стандарта ISO 50001 особо отмечено в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2343 от 05.05.2015г. в которой принята

«Программа - дорожная карта по повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2015-2019 годы» [2].

В рамках совместного проекта ПРООН «Повышение энергоэффективности объектов социального назначения в Узбекистане» авторами была разработана система энергетического менеджмента в зданиях медицинских и образовательных учреждений [3,4].

В соответствии с существующей структурой МНО учитывающей административное деление по регионам республики, предлагается структура системы энергоменеджмента в зданиях Министерства народного образования РУз.

Структуру системы энергоменеджмента необходимо было адаптировать под существующую систему управления, учитывающую административное деление по регионам республики. Она представляется как часть общей системы управления Министерства, которая включает организационную структуру, обязанности, методы, процедуры, процессы и ресурсы для разработки, выполнения и достижения стратегических целей и показателей в области энергоэффективности, а также реализации республиканской энергетической политики.

Структура системы Энергоменеджмента включает 4 уровня управления:

1. **Уровень республиканского энергоменеджмента** Министерства, в том числе Консультационный совет, главный энергоменеджер. (Главный энергоменеджер министерства – это политическая должность, на которого возлагается общая координация, подготовка и реализация энергетической политики министерств).

2. **Уровень областного энергоменеджмента** Министерства (профильные управления) – областной отдел Министерства, отвечающие за энергоиспользование в бюджетной сфере, в том числе отдел энергоменеджмента в структуре управления экономического развития.

3. **Уровень районного энергоменеджмента** Министерства, (отвечающие за энергоиспользование в бюджетной сфере)

4. **Уровень энергоменеджмента первичных подразделений** Министерства.

Сегодня в республике осуществляются работы по реконструкции и модернизации, капитальному ремонту и термической реабилитации, т.е. санации ранее выстроенных общественных зданий (объектов Минздрава и МНО РУз). Санация в части терморехабилитации означает повышение теплозащиты зданий путем теплоизоляции стен, утепление крыш, полов, замену оконных блоков, остекление балконов, модернизацию систем вентиляции, реконструкции и автоматизации теплоузлов, установку индивидуальных регуляторов тепла в палатах, кабинетах, экономичных осветительных приборов, счетчиков тепла и воды. Обследование состояния зданий с последующей энергетической паспортизацией позволяет выявить потенциал энергосбережения.

Разработаны должностные обязанности и инструкции для энергоменеджеров разных уровней и руководство по внедрению и эксплуатации системы.

В соответствии с должностными обязанностями энергоменеджер должен разработать план по экономии энергии в лечебных учреждениях. Это включает в себя и работу сотрудников и подбор правильного оборудования, контроль за сохранностью зданий, сооружений и инженерных систем, а также разработку планов по проведению необходимых мероприятий по повышению энергоэффективности зданий лечебных учреждений.

Безусловно, процесс управления потреблением энергии способствует повышению энергоэффективности здания, между тем контроль за сохранностью зданий и сооружений, целостностью инженерных систем и регулярный мониторинг энергопотребления является неотъемлемым элементом эффективного энергоменеджмента.

Литература

1. Программный документ совместного проекта Комитета «Госархитектстрой» РУз с ПРООН и ГЭФ «Повышение энергоэффективности объектов социального назначения в Узбекистане»

СОВЕТЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ (1960-1985 йиллар мисолида).

У.Худаяров СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси, Ж.Бегалиев СамДАҚИ ўқитувчиси

Ўзбекистон худудида урбанизацион жараёнларнинг тезлашишига республикада кўплаб саноат объекларининг қурилиши ва янгидан-янги шаҳарларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди.¹

¹Вопросы совершенствования национальных процессов в СССР. Т. «Фан» 1987. стр 76.

Масалан, 1960-1985 йиллар оралиғида 532 та ана шундай муҳим аҳамиятга молик корхоналар қурилди. Агарда, республикада 1930-1959 йилларда 20 та шаҳар бунёд қилинган бўлса, 1960-1983 йилларда 88 та янги шаҳарлар пайдо бўлди. 1983 йилда Ўзбекистонда 116 та шаҳарлар мавжуд эди. Аммо, шаҳарларнинг кўпчилиги саноат ривожланган ҳудудларда пайдо бўлганлиги сабабли ушбу корхоналарга ишлаш учун четдан кадрларни олиб келиниши жараёни кучайди.

Ўзбекистонда замонавий шаҳар қиёфасини тикланишида иттифоқдош республикалар муҳандис-техниклари ва қурувчиларини ҳиссаси катта бўлди. Масалан, 1966 йил 26 апрелда Тошкентда содир бўлган ер қимирлаши оқибатларини бартараф этиш мақсадида республикага РСФСР, Украина, Грузия, Арманистон, Туркманистон, Тожикистон, ва бошқа республикалардан архитекторлар, инженер-лойиҳаловчилар, қурувчилар, врачлар, олимлар, илмий экспедициялар жўнатилди. Уларнинг ҳолисона ёрдамлари туфайли Тошкент шаҳри ўзининг замонавий қиёфасини тиклади. Шунингдек, Ўзбекистонга беғараз ёрдамга келган ишчиларнинг айримлари шу ерда яшаб қолдилар.¹ Шу тариқа Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби муттасил равшда ортиб борди.

1959-1970 йиллар давомида республикада шаҳар аҳолиси табиий кўпайиш ҳисобида 53 фоизни ташкил қилса,² миграция ҳисобидан 31 фоизни ташкил этди. Ўзбек миллатига хос бўлган аҳолини шаҳарларга кўчиб утиш жараёни у қадар кўп эмас. 1968 йилги маълумотларга кўра қишлоқ ҳудудларидан шаҳарга кўчиб ўтганлар ичида руслар 42,1 фоизни, ўзбеклар 28,7 фоизни, тожиклар 1,1 фоизни, қорақалпоқлар 1,0 фоизни ташкил қилган.

1975 йилда қишлоқ ҳудудларидан шаҳарга кўчиб ўтган аҳоли сони 33 323 кишини ташкил қилган, уларнинг 9396 нафарини шаҳарга ўқиш учун келган ўқувчилар, 7553 нафарини ишчилар, 2768 нафарини хизматчилар ҳамда 282 нафарини колхозчилар, 725 нафарини нафақахўрлар ташкил этган.³

Аҳолининг кўпроқ шаҳарларда тўпланиши турли миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги никоҳларнинг кўпайишига имконият яратади. 1959 йилдан 1979 йилгача ўтган давр ичида собиқ СССР бўйича бундай оилалар шаҳар манзилгоҳларида икки баравардан зиёд, қишлоқ жойларида қарийб бир ярим баравар кўпайди. 1959 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра Ўзбекистонда этник жиҳатдан аралаш оилалар сони ҳар минг киши ҳисобига 82 тани 1979 йилда эса 105 тани ташкил қилган. Ушбу ҳолатни шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тафовутини қарар эканмиз. Ўзбекистон шаҳарларида этник жиҳатдан аралаш оилалар 1959 йилда ҳар минг киши ҳисобига 147 тани 1979 йилда 173 тани ташкил қилган. Қишлоқ ҳудудларида эса 1959 йилда ҳам 1979 йилда ҳам турли миллатлар ўртасидаги никоҳлар 47 тадан иборат бўлган.⁴ 1970 йилги аҳоли рўйхати натижаларига кўра Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ аҳолиси таркибида 152 минг татар миллатига мансуб аҳоли рўйхатга олинган. Ана шу аҳолининг 86 мингтаси хотин-қизлар, 66 мингтаси эркаклардан иборат бўлган. Кўриниб турибдики хотин-қизлар эркакларга нисбатан 20 мингтага ортиқ. Натижада татар хотин-қизлари бошқа миллат вакилларига турмушга чиқадилар. Айниқса, ушбу миллат вакиллари билан рус миллатига мансуб аҳоли ўртасидаги никоҳлар сони кўпчиликни ташкил этган.⁵ Энди эътиборингизни 1983 йида Сирдарё ва Жиззах вилоятларида қайд қилинган никоҳларга қаратсак. Шу йили Сирдарё вилоятида жами: 3989 та никоҳ рўйхатга олинган, уларнинг 555 таси турли миллат вакиллари ўртасида тузилган бўлиб умумий сонга нисбатан 13,91 фоизни ташкил қилган. Жиззах вилоятида эса 3116 та никоҳ қайд қилиниб уларнинг 299 таси турли миллат кишилари ўртасида тузилган. Бу Жиззах вилоятида шу йили имзоланган никоҳ шартномаларининг 9,6 фоизини ташкил этган.⁶

Ана шундай турли миллат вакилларида тузилган никоҳлар ҳақида тўхталадиган бўлсак⁷ уларга мисол қилиб Тошкент шаҳридан 20 км Янгийўл шаҳридан 8 км узоқликда жойлашган собиқ “Ленинизм” колхозиди, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида жойлашган собиқ “Тельман” колхозиди қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида 1981, 1982, 1983 йилларда “Ленинизм” колхозиди 22 та, “Тельман” колхозиди 21 та турли миллат

¹ Ўзбекистон совет социалистик республикаси. Т.; “Ўзбекистон” 1974. 41 бет.

² Уша жойда 80 бет.

³ Вопросы совершенствования национальных процессов в сср. Т. “Фан” 1987. стр 81.

⁴ Волков А.Г, Дмитриева Р.М, Зайончиковская Ж.А. и др. СССР аҳолиси: справочник. Т. “Ўзбекистон”, 1984. 93 бет.

⁵ Ташбаева Т.Х, Савуров М.Д. Новое традиционное в быту сельское семьи Узбеков. Т. “Фан” 1989. стр 127.

⁶ Вопросы совершенствования национальных процессов в СССР. Т. “Фан”, 1987. Стр. 273.

⁷ Ташбаева Т.Х, Савуров М.Д. Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. Т. “Фан” 1989. стр 125.

вакиллари томонидан тузилган никоҳ шартномалари қайд қилинган. “ Ленинизм” кохоздаги никоҳларнинг 7 таси ўзбек ва рус, 5 таси ўзбек ва татар, 3 таси ўзбек ва қозоқ, 2 таси қозоқ ва ўзбек, 1 таси татар ва рус, 1 таси татар ва ўзбек, 1 таси рус ва ўзбек, 1 таси тожик ва рус, 1 таси уйғур ва ўзбек миллати вакиллари томонидан имзоланган. “ Тельман” колхоздаги никоҳларнинг 5 таси ўзбек ва татар, 5 таси ўзбек ва рус, 3 таси ўзбек ва украин, 1 таси татар ва ўзбек, 1 таси татар ва немис, 1 таси тожик ва ўзбек, 1 таси ўзбек ва уйғур, 1 таси эронли ва мордва, 1 таси корейс ва рус, 1 таси рус ва корейс, 1 таси татар ва рус миллати вакиллари томонидан имзоланган.

1979 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра тузилган никоҳ шартномаларининг 10,5 фоизини турли миллат вакиллари томонидан тузилганлиги эътироф этилган. Шаҳар ҳудудларида бу кўрсаткич 17 фоизни, қишлоқ ҳудудларида эса 4,7 фоизни ташкил қилган. Агарда жиддий эътибор билан қарайдиган бўлсак қишлоқ ҳудудларидаги имзоланган никоҳлар оздай бўлиб кўринади аммо, аҳолини асосий қисми қишлоқ ҳудудларида яшаганлигини ва умумий соннинг 4,7 фоизи қарийб ярим миллион кишини ташкил этишини ҳисобга бўлсак бу ниҳоятда катта кўрсаткич эканлигини тушуниб етишимиз мумкин.¹

Масалани янада ойдинроқ ёритиш учун 1970 йил аҳоли рўйхатларига кўра Тошкент шаҳрида маҳаллий улка вакиллари билан биргаликда этник аралаш оилалар ҳақидаги маълумотни келтириб утсак. Унга кўра Тошкент шаҳрида жами 294120 оила қайд қилинган. Маҳаллий миллат вакиллари ўртасидаги никоҳлар 212559 тани ташкил қилиб бу кўрсаткич умумий никоҳларнинг 72,2 фоизини ташкил қилган. Эр ёки хотини бошқа миллат вакиллари бўлган этник жиҳатдан аралаш оилалар сони эса 40643 тани ташкил этиб 12,9 фоиздан иборат бўлган. Юқоридаги маълумотларни бирма-бир таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак кўйидагича кўриниш ҳосил бўлади.

1970 йил аҳоли рўйхатига кўра Тошкент шаҳри бўйича этник жиҳатдан аралаш оилалар сони.²

этник аралаш оилалар	Оилалар сони	Оилалар сонига нисбатан фоиз ҳисобида
ўзбек ва руслар	3524	1,22
ўзбек ва татарлар	2820	0,96
ўзбек ва қозоқлар	262	0,09
ўзбек ва корейслар	16	0,01
ўзбек ва бошқа миллатлар	2198	0,75
рус ва татарлар	3774	1,28
рус ва қозоқлар	349	0,12
рус ва корейслар	256	0,09
рус ва бошқа миллатлар	21915	7,45
татар ва қозоқлар	295	0,10
татар ва корейслар	49	0,02
татар ва бошқа миллатлар	2132	0,74
қозоқлар ва корейслар	5	-
қозоқ ва бошқа миллатлар	136	0,05
корейс ва бошқа миллатлар	28	0,03
Бошқа миллатлар	2694	0,92

Берилган маълумотдан кўриниб турибдики республикамиз ҳудудларида маҳаллий улка аҳолиси билан бошқа миллат вакиллари ўртасида оилалар қуриш даражаси анча юқори бўлган.

Марказ раҳномолигида республикамизга турли миллат вакиллари кириб келиши миллатлар қоришувига ҳамда республикада ортиқча ишчи кучлари сонинг янада ортишига сабаб бўлди. Масалан, 1975 йил май ойидаги маълумотларга кўра Самарқанд ва унинг атрофида жойлашган Кимёгарлар кўрғони ва Хишрав шаҳарчаларида аҳолининг кўчиб келиши, кўчиб кетиши ва механик кўпайиши тўғрисидаги маълумотлар фикримизни яққол исботлаб беради.

¹ . уша жойда 122 бет.

² ЎзР МДА фонд № Р 1619, рўйхат № 5, 407 йиғма жилд 1 варак.

	келганлар			Чиқиб кетган			Механик ўсиш	
	Катталар	16 ёшгача бўлган болалар	жами	Катталар	16 ёшгача бўлган болалар	Жами	Жами	Шундан 16 ёшгача бўлган болалар
Самарқанд шаҳри	756	48	804	525	37	562	242	11
Кимёгарлар кўрғони	71	-	71	49	-	49	22	-
Хирав шаҳарчаси	3	-	3	10	-	10	-7	-
жами	830	48	878	584	37	621	257	11

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики аҳолининг табиий ва механик кўпайишида анча катта фарқлар бор.¹

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоиз бўлса Ўзбекистонда шаҳарлар сонини ортиб бориши билан биргаликда унда яшаётган аҳолини миллий таркиби ҳам ортиб борди. Натижада миллатлар қоришуви жараёни кучайди. Энг ёмон томони шундаки барпо қилинган шаҳарлардаги саноат корхоналарига ишлаш учун четдан кадрлар келтирилиши республикада ишсизлар сонининг кўпайиши ва аҳолини турмуш даражасини собиқ иттифоқдош республикалар орасида энг пастки ўринларга тушиб қолишига олиб келди.

НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВА СМАЗОЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ В УЗБЕКИСТАНА

Ярбабаев А.А., Джиянбаев С.В. СНСС Институт общей и неорганической химии АН РУз

Развитие мировой нефтеперерабатывающей промышленности в значительной степени определяется тенденциями спроса на нефтепродукты. В последние годы имел место рост спроса в основном на транспортные топлива. В структуре потребления транспортных топлив рост спроса на дизельное топливо был выше, чем на автобензин за счет дизелизации автопарка. Также рос спрос на реактивное топливо в связи с увеличением масштабов авиаперевозок.

Узбекистан обладает большими запасами углеводородного сырья. В пяти нефтегазоносных регионах Узбекистана открыты свыше 211 месторождений углеводородного сырья, из них 108 – газовых и газоконденсатных, 103 – нефтегазовых, нефтегазоконденсатных и нефтяных. Более 50 % месторождений находятся в разработке, 35 % – подготовлены к освоению, на остальных – продолжаются разведочные работы.

Общая мощность трех нефти перерабатывающих заводов (НПЗ) республики – Бухарского, Ферганского и Алты-Аыкского НПЗ составляет около 11 млн тонн.

Ферганский нефти перерабатывающий завод (введен в эксплуатацию в 1959 году) на сегодняшний день выпускает около 60 видов различных нефтепродуктов. Проектная мощность завода по переработке составляет 5,5 млн тонн нефти в год. Завод является одним из ведущих предприятий по производству смазочных материалов в Центральной Азии.

За последние годы освоен выпуск моторных масел класса Д и Е. Они успешно прошли испытание и на них получены допуски на производство и применение. Это дизельные моторные масла М-8ДМ, М-10ДМ, М-10Г_{2к}, М14-ДМ и тд.

Но так как современная техника из года в год представляет все более жесткие требования к эксплуатационным свойствам нефтепродуктов нами были изучены и проведены некоторые лабораторные анализы моторных масел выпускаемые в Ферганском НПЗ. Результаты этих анализов показаны в таблице №1. Физико-химические свойства этих моторных масел соответствуют нормам

¹ Самарқанд вилоят давлат архиви 1646 фонд, 2 рўйхат, 238 йиғма жилд, 13 варак

ГОСТ. Но по эксплуатационным показателям качества они намного уступают требованиям которые предъявляют производители современных транспортных средств к смазочным маслам.

Таблица №1.

№	Наименование показателей	М-10 Г _{2к}	
		Норма по ГОСТ 8581-78	Фактически
1.	Вязкость кинематическая при 100 С, сСт	10,5 – 11,5	10,5
2.	Индекс вязкости	Не менее	87
3.	Температура вспышки в закрытом тигле, С	Не выше 210	236
4.	Щелочное число, мг КОН/г	Не менее 6,0	6,13
5.	Температура застывания	Не выше -15	-17

Это автопромышленники в Узбекистане такие как «ISUZU» и «MAN» которые производят автомобили и автобусы для коммерческих целей, оснащенные дизельными двигателями внутреннего сгорания с современными системами подачи топлива «COMMON RAIL». В таких высокооборотистых двигателях с турбо наддувом термические процессы протекают в условиях высоких давлений и температур. Из этого следует что требования к маслам намного жестче и выпускаемые отечественные масла не могут удовлетворить их эксплуатационным условиям. То перед нами возникают такие задачи как улучшение качества следующих и доведения их до уровней мировых стандартов.

Для решения этих задач лабораторией «Нефтехимии» Института общей и неорганической химии Академии Наук Республики Узбекистана и Ферганским НПЗ постоянно ведутся разработки по совершенствованию качества топлив и моторных масел. Это особенно актуально для масел и смазок, с учетом перевода существующих мощностей по производству нефтяных масел на переработку отечественных нефтей, что позволяет достичь максимального удовлетворения потребности Узбекистана в них и отказа от импорта.

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ (ЗАРАФШОН ДАРЁСИ МИСОЛИДА)

Намозов Ж.А (СамДУ)

Кириш. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий масалаларни ўзи мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлди. Истиқлол йилларида чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда, бир қатор имкониятлар вужудга келди. Аммо шунинг баробарида айрим жиддий муаммолар ҳам туғила бошлади. Буларга мисол қилиб, мустақил ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш, аҳоли турмуш даражасида барқарорликни йўлга қўйиш, чегаралар дахлсизлигини сақлаб қолиш ва бошқаларни келтириш мумкин. Мана шундай долзарб масалалардан энг асосийси трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнدير.

Трансчегаравий деганда бу икки ёки ундан ортиқ мамлакат ҳудудида оқиб ўтадиган дарёлар тушунилади. Бутун дунёда биргаликда фойдаланадиган 263 та трансчегаравий дарёлар ҳавзаси мавжуд бўлиб, камида иккита давлат фойдаланадиган ҳавзалар майдони ер юзасининг учдан икки қисмини ташкил қилади ва улар ҳудудида дунё аҳолисининг бешдан икки қисми жойлашган. Умуман олганда, жами мамлакатларнинг 15 фоиздан ортиғига келадиган дарёлар сувининг ярмидан кўпроғи қўшни мамлакатлар ҳудудида шаклланади ёки оқиб ўтади. Мисол учун, Ироқ, Судан, Сурия, Миср, Парагвай, Нигер, Конго, Гамбия, Ботсвана, ва шунингдек Мавритания, Люксембург, Руминия, Нидерландия, Болгария ҳамда Венгрия давлатларини сув ресурсларининг 2/3 қисми чегарадош давлатларлардан келади.

Ўзбекистон Республикаси индустриал - аграр мамлакатга айланиб бораётган бўлса ҳам, унинг иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалигига боғланган. Аграр соҳанинг асосий жон томири эса дарёлар бўлиб, уларсиз ушбу тармоқни шакллантириб бўлмайди. Дарёлар, булардан ташқари саноатда ва аҳолига хўжалик хизматларини кўрсатишда, умуман олганда иқтисодиётда бошқа соҳаларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унинг шаклланиши ва ҳаракати эса соф табиий жараён бўлиб, у ҳеч қандай маъмурий ва сиёсий чегарага бўйсинмайди. Аксинча, баъзида унинг ўзи кўпинча маъмурий,

баъзида эса сиёсий чегара вазифасини ҳам ўтайди. Мавжуд маълумотларга қараганда, республикаимиз ҳудудида умумий сув ресурсларининг тахминан 10 фоизи шаклланади, холос. Қолган қисми муҳим гидрологик манбалар, яъни Амударё, Сирдарё ва Зарафшон трансчегаравий хусусиятга эга бўлиб, улар асосан кўшни давлатлар - Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудида жойлашган тоғлардан бошланади.

Асосий қисм. Мамлакатимизнинг марказий қисмидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси сувлари йиғиладиган ҳавза майдони ҳамда узунлигига кўра мамлакатимизда учинчи ўринда туради. Унинг умумий узунлиги 877 км, ҳавзасининг майдони 41860 км², шундан тоғли қисми 17710 км², қолгани тоғ олди ва текислик ҳудудларига тўғри келади. Манбаларда қайд қилнишича, вилоят ҳудудидаги ўртача бир йиллик умумий сув миқдори 5385 млн м³ га тенг бўлиб, шундан 251 млн м³ сув шу жойнинг ўзида шаклланади, асосий сувни Зарафшон дарёси келтиради. Сув ресурсларининг жуда катта қисми (4024 млн м³), аниқроғи 74,7 фоизи минтақа ҳудудида сарф бўлади (хўжаликка ишлатилади, буғланади, шимилади ва ҳ.к.), қолган 1351 млн м³ сув яна дарёга қайтиб тушади [4]. Дарёнинг республикаимиз ҳудудидаги майдони 11,722 минг км² ни, узунлиги 576 км ни ташкил қилади. Зарафшоннинг Ўзбекистонга ҳудудига келтирадиган жами сув миқдори 4888,3 млн м³ га тенг. Табиийки, сувининг катта қисми (83,7 %) бевосита суғоришга сарфланади. 797,8 млн м³ ёки 16,3 фоиз сув саноат, коммунал хизмат, техник ва бошқа эҳтиёжларга ишлатилади[4]. Ҳозирги кунда унинг сувлари мамлакатимиз иқтисодиётида, айниқса, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари хўжалигида муҳим аҳамият касб этади.

Шу вақтгача асосий эътибор Амударё ва Сирдарё сувларига қаратилгани боис, Зарафшон дарёсининг трансчегаравий муаммолари ҳақида жуда кам маълумотлар берилар эди. Аммо сўнгги 15 йил давомида ушбу масала тўғрисида турли манбаларда кўп гапирила бошланди. Айниқса кўшни Тожикистон Республикасининг энергетика тизимини янада кучайтириш мақсадида, янгидан - янги гидро электр станциялари (ГЭС) қуриш лойиҳаларини амалга ошира бошлагач, ушбу масала юзасидан турли тортишувли вазиятлар юзага келмоқда. Нурек 2 ГЭСини ташкил қилиш учун, Амударёнинг энг йирик ирмоғи Вахш дарёсида қурилаётган Норак сув омборининг келажакда олиб келиши мумкин бўлган фожеаси ҳақида баҳс-мунозара давом этаётган бир пайтда, Зарафшон дарёсида ҳам шунга ўхшаш ишлар амалга оширилиши кўзда тутила бошланди. Бу дарё ҳам Амударёга ўхшаб, баланд тоғ музликларидан сув олади, сувининг энг тўлин даври ёз (июнь - август) ойларига тўғри келади. Бундан ташқари, жуда катта гидро энергетика захирасига эга. Электр энергетика эса саноатни ривожлантиришда, мамлакатни индустриалаштиришда асосий рол ўйнайди. Мана шундай улкан бойликдан янада самарали фойдаланиш, айниқса рангли металлургия саноатини ривожлантириш учун, ушбу дарё ҳавзасида бир неча сув омборлари ва ГЭСлар бунёд этиш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Зарафшон дарёсининг иккита асосий йирик ирмоғи мавжуд бўлиб, табиийки, асосий эътибор улардан максимал фойдаланишга қаратилади. Биринчиси Мастчоҳ дарёси ҳисобланиб, у шу номдаги музликдан бошланади. Дарё асосан баланд тоғ тизмаларидан оқиб тушгани учун, унинг электр - энергетика захираси жуда катта, сув омборларидан ташқари бу ерда бир нечта кичик - кичик каскадлар қуриш ҳам анча самарали бўлади. Аммо кўшнилариимиз асосий эътиборни сув омборлари қуриш ва ундан катта миқдорда фойда олишга қаратишган. Жумладан, у ерга битта йирик ва иккита кичикроқ сув омборларини қуриш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Учта сув омборининг барча параметрлари ишлаб чиқилиб, лойиҳа деярли тайёр ҳолга келтирилган. Энг йириги Обурдон сув омбори бўлиб, унинг тахминий ҳажми 720 млн м³ ни ташкил қилади. Дарг ва Сангистон сув омборлари гарчи кичик бўлса ҳам, улар энергия олиш имконияти кўпроқ эканлиги билан аҳамиятли (жадвал).

Жадвал:

Зарафшон дарёсида қурилиши режалаштирилаётган сув омборларининг тахминий лойиҳаси

№	ГЭС номи	Сув омбор ҳажми, млн м ³	Ўрнатилган қуввати, мВТ	Йиллик электр-энергия ишлаб чиқариш, кВт/соат
Мастчоҳ дарёсида				
1	Обурдон	720	120	0,35
2	Дарг	50	130	0,75
3	Сангистон	50	140	0,90
Фандарёда				
4	Айний	50	160	0,95

5	Яван	50	120	0,18
6	Дупулин	260	200	1,00
7	Панжикент-1	—	50	0,27
8	Панжикент-2	—	45	0,25
9	Панжикент-3	—	65	0,38

Манба: Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг маълумотлари. – Самарқанд, 2014.

Дарёнинг иккинчи йирик ирмоғи - Фандарёда эса нисбатан кўпроқ, яъни олти сув омбори куриш режалаштирилган. Бу сув омборлари иккита кичик гуруҳларга бўлинади ва уларнинг ҳар бирида учтадан сув омбори мавжуд. Биринчи гуруҳга Айний, Яван ва Дупулин сув омборлари кириб, буларнинг ичида сувларининг ҳажми (260 млн м³) ва энергия олиш қувватига кўра (200 мВТ) кўра Дупулин сув омбори ажралиб туради. Айний сув омборининг ҳажми Яван билан тенг бўлсада, электр олиш қуввати бўйича ундан фойдалироқ ўринга эга. Иккинчи гуруҳдагиларнинг, яъни учта Панжикент сув омборларининг фақатгина тахминий электр энергия олиш қуввати маълум ҳолос.

Ушбу лойиҳа амалга оширилса, қўшни республика иқтисодиёти, айниқса саноати анча ривожланиши мумкин. Аммо бунинг натижасида нафақат мамлакатимиз учун, балки Тожикистоннинг ўзида ҳам бир қатор муаммолар вужудга келишини тахмин қилиш қийин эмас. Уларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз.

1. Сув танқислиги муаммоси. Тўққизта сув омборининг учтасида ҳали қанча сув сақланиши аниқ бўлмасада, қолган олтитаси биргаликда 1180 млн м³ сувни маълум муддатга, яна ҳам аниқроғи улар тўлганча ушлаб қолади, ёки жуда кам миқдорда сув ўтказилади. Демак дарё ҳавзасида жойлашган ёки унга боғланган мамлакатимиздаги барча ҳудудлар шунча вақт деярли сувсиз қолиши мумкин. Уларнинг иқтисодиёти асосан, аграр соҳага боғланганини инобатга олсак, масаланинг моҳияти нақадар чуқур илдизга эга эканлигини сезиш қийин эмас. Бундан ташқари ушбу ҳудудларда балиқчилик ва бошқа сув билан боғлиқ айрим ишлаб чиқариш соҳалари ҳам йўлга қўйилган.

2. Сув кўчкиси хавфи. Сув омборлари курилаётган жойлар, ўсаётган ёш тоғлар бағрида бўлганлиги учун, бу ерларнинг сейсмик ҳолати фаол ҳудудлардан ҳисобланади. Агар кучли ер силкиниши натижасида бирорта сув омборининг тўғони бузилса, катта миқдордаги сув даҳшатли кўчкени вужудга келтириши ҳамда бунинг натижасида иккала давлат ҳам анчагина зарар кўриши мумкин. Бундан ҳам ёмони эса унинг атрофида истиқомат қиладиган аҳоли учун талофат келтириб чиқаради.

3. Экологиянинг бузилиши. Сув етишмовчилиги натижасида дарё атрофидаги фауна ва флора дунёсига кучли таъсир қиладди. Бу эса табиий мувозанатни бузилишига, атроф муҳитни ифлосланишига олиб келиши мумкин. Унинг қирғоғида яна Зарафшон тўқай кўриқхонасининг жойлашган бўлиб, бу ернинг бугуни ва келажаги 100 фоиз дарё сувининг миқдори ва сифатига боғлиқ.

4. Баъзи бир ижтимоий муаммолар. Сув етишмовчилиги ва бунинг оқибатида иқтисодиётни зарар кўриши ишсизликни кучайишига олиб келади. Бундан ташқари аҳоли ўртасида бошқа турли хил муаммоларни келтириб чиқаради. Буларга энг аввало чучук сув ва озик - овқат етишмовчилиги ҳамда сувнинг (айниқса ичимлик сувининг) сифати ёмонлашиши натижасида турли касалликларни тарқалиши ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Хулоса. Зарафшон дарёси билан содир бўлиши кутилаётган муаммоларни ҳал қилишда, Амударё ва Сирдарёнинг тақдири ўрнатилган бўлиши лозим. Чунки, бу борада бир қанча ишлар ҳам амалга оширилди ва оширилмоқда. Шунинг учун ушбу муаммони ҳозирнинг ўзида ҳал қилиш ҳар томонлама фойдали ва зарур. Зеро касалликни даволагандан кўра, уни олдини олган маъқул. Умуман олганда масалага ечим топишнинг қуйидаги асосий йўллари мавжуд.

1. Сиёсий. Бу икки давлат тарихи бир - бирига чамбарчас боғланган бўлиб, улар аҳолиси ўртасида азалдан ўзаро алоқалар мавжуд. Ушбу жиҳат масалани дипломатик, ўзаро келишув йўли билан ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди.

2. Ҳуқуқий. Сувдан тенг ҳуқуқли фойдаланиш бўйича Ўзбекистон БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан 1992 йилда қабул қилинган “Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш конвенциясига” аъзо бўлган. Унга кўра дарё бўйида жойлашган барча давлатларнинг, унинг сувларидан фойдаланишда ўз лимитига бор. Бундан ташқари 2002 йилда Душанбеда сувдан фойдаланиш бўйича икки давлат ўртасида декларацияси қабул қилинган.

Демак, мавжуд сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, суғорма деҳқончиликда янги технологияларни жорий қилиш, қўшни мамлакатлар билан ўзаро, халқаро меъёр ва қоидалардан

келиб чиққан холда, сув ресурсларини оқилона тақсимлаш республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг долзарб муаммоларидан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Валиев Х.И., Мурадов Ш.О., Холбаев Б.М. Сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. – Т.: Фан ва технология. 2010, – 168 б.
2. Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. – Т., 2000. – 200 с.
3. Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг маълумотлари. – Самарқанд, 2014.
4. Иванов Ю.Н. Водные ресурсы вилоятов Узбекистана // Гидрологические исследования в Средней Азии. – Т., 2010. – С. 137147

УДК 631.312.44:631.51

ФАОЛ ИШЧИ ОРГАНЛИ КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ФРОНТАЛ ПЛУГНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Мирзаходжаев Ш.Ш., Бобоев Ў.П., Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Кириш. Кейинги йилларда тупроққа ишлов бериш сифатига талабларни ошиб бориши шудгорлашнинг янги теъхнологиялари ва техник воситаларини яратишга олиб келди. Янги технология асосида палахсаларни ўз эгати чегарасида 180^0 га ағдариб шудгорлайдиган фронтал плуглар шулар жумласига киради. Бирок пассив ишчи органли эгатсиз текис шудгорлаш плугларини агрегатлашда серкувват ғилдиракли тракторлар қувватидан самарали фойдаланиш муаммоси юзага келди. Бунга сабаб, уларнинг оғирлигини нисбатан кичиклиги туфайли, уларнинг юриш қисмини тупроқ билан етарлича илашиш хусусиятиги эга эмаслиги ва шу туфайли двигател қувватидан тўлик фойдаланишни имконияти йўқлигидир.

Бу муаммони ечишни йўлларида бири пассив ишчи органли тупроққа ишлов бериш куролларида фаол ишчи органларни қўллаш. Шунинг учун ушбу диссертация ишида комбинациялашган эгатсиз текис шудгорлайдиган фронтал плугда фреза типига фаол ишчи орган ўрнатиш таклиф этилган. Фаол ишчи орган технологик функцияни бажариш билан бир вақтда ҳаракатлантиргич функциясини ҳам бажаради, яъни олдинга итарувчи куч ҳосил қилади. Бу эса трактор қувватидан самарали фойдаланишни таъминлайди. Фаол ишчи орган тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракат олиб ўсимлик қолдиқлари ва тупроқнинг юза қисмини майдалайди. Шу сабабли ўсимлик қолдиқлари кўп бўлган далаларда плуг корпуслари оралиғини тикилиб қолишлари баргараф этилади. Юқоридагилардан келиб чиққан холда комбиничалашган фронтал плугда фаол ишчи органни қўллаш серкувватли ҳайдов тракторларининг қувватидан самарали фойдаланишга имкон яратади, тупроқни экишга сифатли тайёрлайди, меҳнат сарфини камайтиради ва агрегатнинг меҳнат унумдорлигини оширади.

Шунинг учун комбинациялашган фронтал плугнинг фаол ишчи органи параметрларини асослаш назарий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланилади[1].

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Фаол ишчи орган(фреза)нинг асосий параметрлари: диск радиуси R_g , барабан радиус R , пичоқнинг ўрнатилиш бурчаги θ , пичоқлар сони n ва қалинлиги.


Фреза диаметри D ни, тайинланган ерга ишлов бериш чуқурлиги h ни, таъминлаш ҳолатидан келиб чиқиб танлаймиз, яъни бунда, дисклар ер юзасидан минимал тирқиш 50-60 мм билан ўтиши учун, юмшатишнинг оптимал чуқурлиги $a_p=12-15$ см ни ташкил этади. Пичоқларни ўрнатиш имкониятидан ва қўлланиладиган редукторлар ўлчамларидан келиб чиқиб фланец диаметрини $D_g = 200$ мм га тенг бўлади. У ҳолда фаол ишчи орган барабани диаметри $D = 580$ мм га тенг бўлади. Олиб борилган тадқиқотлардан шуни ҳисобга олиб [2,3,4] пичоқнинг қиялик бурчагини 30^0 деб олиш мумкин. Мустаҳкамлик ҳисобларда келиб чиқиб, пичоқ қалинлигини 10 мм, чархланиш бурчагини эса 20^0 га тенг деб танлаймиз.

Кинематик режим кўрсаткичи λ ни фреза ишлашига минимал сарф ҳаражат ва тупроқни ағдарилиш ҳолатидан ҳамда фреза пичоғи ҳосил қиладиган максимал илгариланма кучдан келиб чиқиб аниқлаймиз. Шароитдан келиб чиқиб, $\lambda \geq 2$ ҳолатда фреза пичоқлари максимал илгариланма куч ҳосил қилади.

Маълумки, фаол ишчи органли фреза пичоғи $\lambda > 1$ ҳолатида қисқарган циклоида траектория бўйича ҳаракат қилади. Қўшни пичоқлар траекториялари бир-бирини ёпганда фрезанинг ишлашига сарфланадиган қувват ва тупроқнинг бузиб кетишидан ҳамда бир пичоқ траекториясини иккинчи пичоқникидан узоклашишиш, эса тупроқ юзасини юмшатилиш сифатини ёмонлашишига олиб келишини ҳисобга олиб кинематик режим кўрсаткичи λ ни шундай қийматини танлаймизки, бунда

кўшни пичоқлар траекториялари бир – бирига аниқ бўлади. Бу кинематик режим кўрсаткичи $\lambda = 2,5$ ва пичоқлар сони $n = 5$ донга бўлганда бажарилади[6].

Катта кесаклар ҳосил бўлишини олдини олиш учун пичоқлар орасидаги масофа ℓ_r ни 17 см қилиб қабул қилдик.



1 – расм. Фронтал плуг корпуслари ва фаол ишчи органининг ўзаро жойлашишини асослашга оид схема.

Фаол ишчи органли плуг изи бўйлаб шундай ўрнатилиши керакки корпус ҳосил қилган палахсанинг кучланишини аввалдан ишлов берсин. Бунда фреза пичоғи томонидан ҳосил бўлган сиқишга деформациялашга, корпус томонидан қарама-қарши деформация ҳосил бўлади. Бунинг натижасида тупроқ майдаланиши ортади ва тупроққа ишлов беришдаги энергия сарфи камаяди 1 – расмдан.

$$\ell_n \leq \frac{R(1 - \cos \psi) + a - h}{\operatorname{tg} \psi} - R \sin \psi \quad (1)$$

бу ерда ψ – палахсани бўлаккланиш бурчаги, $\psi = 45-52$.

Хулоса

Фронтал плуглар билан актив ишчи органларни комбинацияда ишлатилиши технологик ишларни бажаришдан ташқари, $R = 280$ мм, $a = 30$ см, $h = 12$ см ва $\psi = 50^\circ$ бўлганда, лемех учидан фреза ўқигача бўлган максимал бўйлама масофа 30 мм га тенг. Шунинг учун комбинациялашган плугда фаол ишчи орган ўқини корпус лемехи учидан тепада ўрнатиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.с. SU 1678220. Двухъярусный плуг / Ф.М.Маматов, И.Т.Эргашев, И.Г.Темиров и др. – Опубл.23.09.91. Бюл. № 31.

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

Мирзахошимова Нафиса Мирзахамидовна (ТАҚИ)

Тошкент Марказий Осиёнинг энг йирик қадимий шаҳарларидан бири, Ўзбекистон республикасининг пойтахтидир. Замонавий республиканинг пойтахти, ўтмиш маълумотларини сақловчи, Ўзбекистон тарихи ҳақида кўп маълумотларни хотирловчи шаҳарлардан бири. Тошкентда турли давр ва асрларга оид кўпгина тарихий ва меъморчилик ёдгорликлари мавжуд.

Тошкент азалдан илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бири бўлиб келган ва ундан кўплаб буюк олимлар, элу-юртнинг ҳурмат-эътиборини қозонган улуғ сиймолар етишиб чиққанлар. Шаҳримиздаги ўзининг бетакрор кўринишини, жозибасини ханузгача йўқотмаган қадимий ёдгорликлар билан танишар эканмиз, уларнинг тарихда яшаб ўтган мана шундай шахслар номи билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Жумладан, Шайх Хованди Тохур мажмуаси, Хўжа Аҳрор масжиди, Шайх Зайниддин бобо мақбараси, Кафқол Шоший мақбараси, Тошкент вилоятидаги Зангиота мажмуаси ва Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур райони худудидаги Зангиота масжиди, шу худудга яқин жойдаги Сузукота мажмуаси.

1140-1217 йилларда яшаб ўтган Мустафоқули, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Хуштожнинг кенжа фарзанди бўлган. У Туркистоннинг Қорачук қишлоғида таваллуд топган.

Болалик чоғида бобоси Аҳмад Яссавий “менинг сузугим (суюклигим)” –деб эркалар экан. Шу-шу Мустафоқулини яқинлари Сузук ота деб атай бошлаганлар. Мустафоқули балоғат ёшига етганида отаси Аҳмад ал Қорачуғийнинг йўлланмаси билан Тошкентнинг Бешёғоч даҳасидаги Чуқур кўприк, Мирлар ва Чақар маҳалласи оралиғидаги жойларга келиб қолган. Сузукота уста-хунармандларнинг пири, юзлаб шогирдларга илм бериб, ҳалол меҳнатга ўргатган зот бўлган. Унинг вафотидан кейин усталар маҳалласи Сузукота номи билан атала бошлаган.

Маҳалланинг икки тарафидан Чуқур кўприк ва Қуйи Бўзсув ариғи оқади, маҳалла охирида бу икки ариқ бирлашиб кетади. Маҳалла марказида, яъни унинг гузар қисмида Сузукота масжиди ва мақбараси жойлашган. Масжид 1140-1217 йиллар оралиғида қурилган бўлиши керак. Чунки Сузукотанинг ўзи тириклик вақтида бу ерда ҳақиқат-тариқатдан илм берган. Лекин масжидни Амир Темур қурдирган, деган тахминлар ҳам бор. Унда масжид қурилиши 1390-1392 йилларга тўғри келади. Сабаби, шу йиллар Темур Тошкентда бўлган, кўплаб масжид ва мақбаралар қурдирган. Буни девордаги, равоқлар тагидан ўтган ганч сталактита қатори-яъни шарафа қолдиқлари ҳам кўрсатади. Эски Жўва бозори ёнидаги Каллахона, яъни Шайх Азиз Авлиё масжидида ҳам худди шунақа гипсдан ишланган шарафа бор. Биз биламизки, Каллахона масжидини Амир Темур қурдирган деган ёзма маълумотлар бор. Соҳибқирон Амир Темур Занги ота ва Аҳмад Яссавийга мақбара қурдиришдан аввал Тошкентда қурдирган кўплаб масжид-мақбараларнинг дастлабқисини Яссавийнинг эрка набирасидан бошлаган бўлса не ажаб.

Дастлаб мажмуа битта ҳовли атрофида жойлашган масжид ва мадраса ҳамда мақбарадан иборат бўлган. Масжидда катта ҳонақоҳ, кичик ҳонақоҳ ва айвон бўлган. Масжид ҳонақоҳининг тархи квадрат шаклда бўлиб, усти гумбаз билан ёпилган. Гумбаз кесишган равоқларга ўрнатилган. Деворлар ҳеч қандай безаксиз. Кичик ҳонақоҳнинг ғарбий деворида меҳроб жойлашган. Айвон таъмир ишлари вақтида илгари мавжуд бўлган пойдевор устига қайта тикланган. Мадрасанинг бир бурчагида, унинг ҳужралари қаторида ҳалимхона бўлган. Наврўз кунлари шу ерда ҳалим қилиниб, тарқатилган.

1936 йили хайит намози ўқиб бўлингач, масжид ва мадраса ёпилиб, у эмал идишлар артелига айлантирилган. Шу вақтда мезана (масжиднинг азон айтиладиган минораси) бузиб ташланган. Жиловхона (дарвоза ёнбошидаги махсус хона) майда кўмир ва мазут сақлайдиган омбор қилинган. Ўша йиллар айвонга бешта сирлаш печи ўрнатилган эди. Айвондаги устунлар юзаси темир билан ёпиб ташланган. Мадраса ҳужраларига артелнинг маъмурияти жойлаштирилган.

Сузукота масжиди қаршисида, бир неча метр нарида шу ном билан аталувчи мақбара ҳам бор. Мақбара XIII асрда қурилган. 1947 йилги Ашхобод зилзиласи таъсирида мақбара деворлари анча зарар кўрган. Шу ерлик қарияларнинг эслашича мақбаранинг кўриниши кўшни, Зангиота маҳалласидаги Хўжа Нуриддин мақбарасига ўхшаш, аммо ундан каттароқ бўлган. Мақбара томининг тўрт томонида кичик мезаначалар бўлган.

1957 йилда қабристон текисланиб, мақбара яқинига эмаль идишлар артелининг пресслаш цехи қурилди. Катта прессларнинг зарбидан мақбара бузилиб, вайрон бўлди. Кейинчалик янгитдан кичикроқ мақбара қурилди. Ортиб қолган мусулмон ғиштлар ўша вақтдаги маҳалла чойхонаси пойдевори учун ишлатилган. 1996 йили шу заводнинг сув қувурлари ер остидан ёрилиб, бир неча кун оқиб ётганлиги туфайли мақбара буткул бузилиб, сағана – қабрлар ҳам ёрилиб, бузилиб кетган. Мақбарани янгитдан қуриш учун деворларнинг ғиштлари олинаётганида мақбаранинг бир чети ўпирилиб, чуқур ўра кўринган. Ўранинг чуқурлиги 2,5 м.ни ташкил этиб, унинг тагида кенг хона борлиги аниқланган. Тахмин қилинишича, жуда кўп мақбаралар каби бу мақбара ҳам остки ва устки қаватлардан иборат бўлган. Сув тошиб, ўпирилгани учунми, ёки марҳумларнинг қабрларини оёқ ости қилишдан кўркибми, ўрага ҳеч ким тушмаган. Ўпирилган жойни темир-терсақлар билан ёпиб, бетон қуйиб юборилган. 1997-1998 йилларда янги мақбара қурилган. Айтишларича, мақбара остида бешта сағана бўлиб, улардан бири Сузукотага, бири уларнинг хотинларига, устозлари, тўрт ва икки ёшли бир ўғил ва бир қизларига тегишли экан.

Ҳозирда Сузукота масжиди ҳонақоҳ ва айвондан иборат ҳолда сақланиб қолган. Яқин-яқингача Тошкентдаги энг катта гумбазли масжид деб аталиб келинган масжид ҳамон ўз салобатини йўқотган эмас. Кўплаб асрларнинг гувоҳи бўлган масжиднинг ҳонақоси гўё куни кеча қурилгандек сақланган, айвон қисми эса маҳалла усталари томонидан қайта қурилган. Негаки маҳаллада ҳозирда истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилигини уста-хунармандлар ташкил қилади. Бу ердаги хунармандлар дурадгорлик касбининг нозик сир-асрорларидан хабардор бўлган. Улар ясаган эшик, дераза ромларида бирорта ҳам миҳ ишлатилмаган экан.

Дарҳақиқат, Сузукота маҳалласидаги кўплаб турар жойларнинг ушбу тарихий маҳалла ансамбли билан композицион ўзаро боғлиқлигини кўриш мумкин. Агар маҳалладаги сақланиб қолган

меъморий мажмуа маълум даражадаги қийматга эга архитектура ёдгорлиги бўлса, маҳалла ҳудудида жойлашган турар жой шу архитектура ёдгорлигининг бир қисмидир. Бу ерда миллий қадрият даражасидаги хусусиятлар намоён бўлади. Турар жой фон вазифасида, тарихий мажмуа эса тарихий-маданий ландшафт бир бўлагининг асосий композицион маркази вазифасини бажаради.

Сузукота маҳалласи, унда сақланиб қолган меъморий мажмуа билан яқиндан танишар эканмиз, Тошкентда туғилиб ўсган яна бир тарихий шахс номи билан боғлиқ бўлган бошқа бир меъморий ёдгорликка дуч келамиз. Сузукота мақбараси қаршисида Чўпон ота масжиди бор. Негаки Чўпон ота Сузукота яшаб ўтган вақтдан биров кейин шу маҳаллада туғилиб, анча йиллар давомида шу ерда яшаган. Чўпон ота масжидининг ичкари қисми XVIII асрда қурилган. Унинг кириш қисми - жиловхона XIX аср бошларига тегишли. Жиловхона Николай ғиштидан, масжид ичкари қисми эса мусулмон ғиштидан бунёд этилган. Бу масжид ўша вақтларда хотинлар масжиди бўлган. Сузук ота мажмуаси каби маҳаллада сақланиб қолган ушбу меъморий ёдгорликни таъмирлаш, уни Сузукота мажмуаси билан уйғунликдаги, яхлит композицион кўринишга келтириш кўзда тутиляпти.

Кўплаб тадқиқотчилар Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги мана шундай маҳаллаларни сақлаш ва муҳофаза қилиш муаммолари билан шуғулланганлар. Тошкент Архитектура ва Қурилиш институти Архитектура факультетининг “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасида ҳам айнан Сузукота маҳалласи ва мажмуасининг реконструкциясига бағишланган бир қатор диплом ишлари бажарилган. Уларда халқ меъморчилиги ёдгорлигини сақлаш ва фойдаланиш бўйича ечимларни ҳал қилишга ҳаракат қилинган, реконструкциялаш, таъмирлаш ва маҳаллада сайёҳлик марказини ташкил қилиш бўйича таклифлар киритилган. Ушбу лойиҳаларда шаҳар тарихий қисмидаги бинолар ҳозирги ҳолатининг натуравий тадқиқотлари материаллари, маҳалла ахволини намоён қилувчи материаллар инobatга олинган ҳолда ёдгорлик бинолар ва анъанавий турар жой муҳитини сақлаш, консервациялаш, таъмирлаш ишларида ҳар қандай асл тарихий элементларни сақланишини таъминлаш, тарихий муҳитда янги биноларни қуриш, бир вақтда уларнинг архитектурасини эски муҳит билан боғлаш имкониятлари, тарихий муҳитдаги турар жойларни замонавий муҳандислик тизимлари билан тўлиқ таъминлаш, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш кўзда тутилган.

Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз. Бу юк цивилизация ва маданият бешиги бўлган, кўҳна ва ҳайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимиздаги бебаҳо ёдгорликлар, осори атиқалар ҳақида сўз юритар эканмиз, шу заминда яшаётган барча инсонлар уларни аввало халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юксак маънавиятига қўйилган муаззам ҳайкаллар деб қабул қилади.



Сузук ота масжиди



Сузук ота мақбараси

МЕН ШУ МАҲАЛЛАДА ТУҒИЛИБ, КАТТА БЎЛГАНМАН. МАСЖИДНИНГ ЭМАЛ ИДИШЛАР ЗАВОДИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРГАН ДАВРЛАРИДА ЗАВОДНИНГ ПИШИТИШ ЦЕХИ, ЯЪНИ МАСЖИД ҲОНАҚОҲИНИНГ ЎША ВАҚТДАГИ АХВОЛИНИ, АЙВОН ШИФТИНИНГ КУЙИБ, ҚОРАЙИБ КЕТГАНИНИ КЎРИБ, АЧИНГАНМАН.

ЕВРОПА ВА АҚШ ХАЛҚАРО МОТОР МОЙЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ярбабаев А.А., Катта илмий ходим- иزلанувчи ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти.

Статистика маълумотларига қараганда жаҳонда автомобилларнинг умумий сони 1.2 млрд.га яқин экан. Шундан ҳар 1000 кишига ўрта ҳисобда 170 та автомобил тўғри келмоқда ва ушбу кўрсаткич жаҳоннинг турли худудларида ўзгачадир. Масалан: АҚШда ушбу кўрсаткич 791 дона, Канадада 624, Австралияда 731, Ғарбий Европа мамлакатларида 563, Япония ва Жанубий Кореяда 539, Шарқий Европа ва Россияда 317, Марказий Осиё ва Яқин шарқ давлатларида 279, Жанубий Америка мамлакатлари 160, Шимолий Африка мамлакатларида 100, Хитойда 79, Ҳиндистонда 18 ва марказий Африка мамлакатларида эса ундан ҳам пастроқ кўрсаткичларга эга.

Шу билан биргаликда автомобилларнинг нафақат сони балки уларнинг такомиллашганлик даражаси, яъни конструктив ва эксплуатацион сифатини намоён этувчи кўрсаткичлари ҳам ортиб бормоқда. Бу тенденцияни автомобилларнинг ички ёнув двигателларида ҳам яққол кузатиш мумкин. Замонавий ички ёнув двигателлари конструкцияси жиҳатидан нисбатан ҳажми кичик, юқори қувват ва юқори фойдали иш коэффициентига эга, ёқилғи тежамкор, замонавий экологик талабларга жавоб берувчи мураккаб узелдир. Биз яхши биламизки двигателларнинг конструктив ва эксплуатацион хусусиятларини юқори даражада сақлаган ҳолда, унинг узоқ муддат ишончли хизматни таъминлаш учун уларда юқори сифатли мойлаш материаллари қўлланиши лозим. Шу билан биргаликда турли двигателларнинг конструкциялари ва ишлаш режимлари бир-биридан тубдан фарқ қилганидек, уларда қўлланилиши лозим бўлган мойлаш материаллар ҳам махсус белгиланган стандартларга кўра ўзига хос физик-кимёвий ва эксплуатацион талабларга жавоб бериши керак. Эътиборлиси шундаки транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи компаниялар ўзининг айнан ҳар бир маркадаги автомобилларга қўлланиши лозим бўлган мойлаш материаллари стандартларини белгилаб қўйган. Айни кунларга келиб жаҳон бозорида мойлаш материаллари юзлаб брендлар билан намоён этилган ва уларнинг ҳаммаси ҳам ўз маҳсулотини истеъмолчиларга тавсия этмоқда. Лекин қай услубда бу мураккаб танловларни ичида айнан махсус бир двигатель учун оптимал бўлган танловни амалга ошириш мумкин? Айнан шунинг учун ҳам мотор мойларини сифати бўйича халқаро классификация яратилган.

Ҳозирда мотор мойлари учун энг асосий бўлган иккита халқаро классификация мавжуд: API (American Petroleum Institute) Америка нефт институти классификацияси ва ACEA (Association des Constructeurs Europeens de L'Automobile) Европа автомобилсозлари ассоциацияси классификацияси.

ACEA классификацияси 1996 йилдан мавжуд. Ҳозирги кунда унинг таркибига жаҳоннинг етакчи автомобилсозлик фирмалари кирган. ACEA классификациясига кўра мойлар учун унификациялашган сифат талаблари белгиланган ва ACEAнинг ҳар бир аъзоси, автомобилсозлик компания ва заводлар ўз ишлаб чиқараётган двигателларига ушбу мойлар учун махсус қўшимча талабларни киритиши ёки ошириш ҳуқуқига эгадир. Шундай бўлсада, ACEA – бу мотор мойларининг универсал классификаторидир. Унга кўра мойлар учта асосий классга ажратилади: А – бензин двигателлари учун мойлар, В – енгил автомобилларнинг дизел двигателлари учун мойлар, Е – юк автомобиллари дизел двигателлари учун мойлар. Ҳар қайси классдаги мойларнинг категорияси араб рақамлари билан белгиланади, масалан А5, Е2, В4. Ҳарфдан кейинги рақам қийматининг юқорилиги мойнинг сифати яхшироқ эканидан далолат беради. Масалан: А3 дан А4 класс мойларининг сифати юқори. Кейинги рақам ушбу категориянинг киритилган йилини англатади, масалан А3-98. Бу ерда 98 А3 категориясини рақами 1998 –йилдан амал қалаётганини англатади.

ACEA редакциясига 2004 йилда киритилган ўзгаришларда А ва В категорияларини умумий битта гуруҳга бирлаштирилди ва куйидагича кўринишда ёзилади А/В. Ҳозирги кунда ушбу категориянинг тўртта классификацияси мавжуд: А1/В1-04, А3/В3-04, А3/В4-04, А5/В5-04.

API классификацияси 1969 йилдан мавжуд бўлиб, у ўзини халқаро масштабда қўллашниш соҳаси ва эксплуатацион хусусиятлар даражаси бўйича яхши намоиш эта олди. Бу классификация мойларни иккита турга ажратади: бензин двигателларига ва дизель двигателларига. Биринчи, яъни «S» Service категориясига енгил автомобилларнинг ички ёнув двигателлари учун мойлар,

1-жадвал.

БЕНЗИНЛИ ДВИГАТЕЛ	
API Индекси	Қўлланилиш
SA	Эски класс, қўндирмасиз мойлар
SB	Эски класс. 1930 йил автомобилларига.
SC	Эски класс. 1964-67 йил автомобилларига.
SD	Эски класс. 1969-71 йил автомобилларига.
SE	Эски класс. 1972-79 йил автомобилларига.

SF	Эски класс. 1980-88 йил автомобилларига.
SG	1989-91 йил автомобилларига.
SH	1992-95 йил автомобилларига.
SJ	1996-99 йил автомобилларига.
SL	2000-2003 йил автомобилларига.
SM	2004-2010 йил автомобилларига.
SN	2010- йилдан бошлаб ҳозирги кунда лойиҳаланиб, ишлаб чиқарилаётган автомобилларга.

иккинчи «С» Commercial категориясига юк автомобиллари дизель двигателлари учун мойлар белгиланади.

АСЕАда каби API классификациясида ҳам эксплуатацион категориялар мавжуд. Мотор мойнинг қадоғида уларни кўйидаги кўринишда учратиш мумкин: API SJ, API CF-4 ёки API SJ/CF-4 ва ҳоказо. API мойларнинг классларини логин алфавитининг ҳарфлари билан белгилайди ва улар ҳозирги кунга «S» категорияси учун A,B,C,D,E,F,G,H,I,J,L,M,N гача ва «C» да A,B,C,D,E,F,G,H,I ҳарфларигача белгиланади. Ҳарфдан алфавитда жойлашишига нисбатан бошидан охирига томон борилганда мойларнинг сифати ошаётганлиги тўғрисида фикр юритса бўлади. (1-жадвал) SJ, SL ва SN класслари асосан ярим синтетик ёки синтетик юқори сифатли мойлар бўлиб, улар энг замонавий двигателларда энг оғир эксплуатацион шароитларда ишлатишга мўлжалланган.

АСЕА ва Буюк Британия автомобилсозлик институтлари олиб борган илмий тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, транспорт воситаларига арзон мойлаш материалларга нисбатан таннархи қиммат лекин юқори сифатли бўлган маҳсулотларни қўллаш уларни эксплуатация қилиш давридаги умумий ҳаражатлар миқдорини 35% гача камайишига олиб келади.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, мойлаш маҳсулотларининг халқаро классификаторларини билиш ва махсус белгилар билан кодланган маҳсулотни тўғри танлай олиш транспорларни эксплуатацияси қилувчи, уларга техник ҳамда сервис хизмат кўрсатувчи корхоналар ва қолаверса автомобил эгаларининг транспорт воситаларини узоқ муддатда ишончли ишлаш орқали уларнинг даромадларини ортишига ёки сарф-ҳаражатларини кескин камайтириши мумкин.

ЭПИСТЕМОЛОГИЯ ТУШУНЧАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ – МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

*Худойқулов Й.А. ф.ф.н. Тошкент давлат шарқшунослик институти катта ўқитувчиси
Мамараҳимов Қ.Х. Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ўқитувчиси*

Фалсафий фанлар билан қизиқувчилар олдида “эпистемология” атамаси қандай маънони англатади ва унинг ўрганиш доираси нималардан ташкил топган деган саволларнинг пайдо бўлиши табиий ҳолдир.

Дастлаб бу термин Дж.Ф.Ферьер (1808-1864) томонидан қўлланилган. Erkenntnistheorie (Билиш назарияси) – немис тилидаги тушунча илк бор К.Л.Рейнхольд томонидан фанга киритилган.

Эпистемология (юн.episteme – билим, logos - таълимот) фалсафа бўлими бўлиб, билиш жараёнининг моҳияти, билимнинг воқеликка бўлган муносабати, билиш жараёнининг умумий асослари, унинг ҳақиқатлиги, шарт-шароитлари каби масалаларни тадқиқ этади[1]. Яна бир талқинга кўра, эпистемология – билим, унинг тузилиши, структураси, шаклланиши ва ривожланиши кабиларни тадқиқ этувчи фалсафий-методологик фандир[2]. Навбатдаги талқинга биноан эпистемология (грек.episteme - билим) анъанавий тадқиқот соҳаси ҳисобланиб, билишнинг табиати, эволюцияси ва илдизлари, воқеликка муносабати ва ҳақиқатлиги каби муаммолар унинг предметини ташкил этади[3].

“Гносеология” (юнонча γνῶσις — «билиш» ва логос — «таълимот, фан») атамаси илк мартаба немис мумтоз фалсафасида XVIII асрда қўлланилган бўлса, “эпистемология” (юнонча episteme - «билим» ва логос — “сўз”, “таълимот”) XX асрда англо–америка фалсафаси вакиллари томонидан илмий муомалага киритилган[4].

Адабиётларда эпистемология ва гносеологиянинг ўзаро муносабати хусусида турли ҳил фикрлар мавжуд бўлишига қарамадан, муаллифларнинг асосий қисми уларни синоним сифатида таҳлил этишади.

И.П.Меркуловнинг фикрича, эпистемология билиш назарияси билан айнан бир нарса ҳисобланиб, билиш назарияси тўғрисидаги фалсафий таълимот, концепциядир.

Бироқ ноқлассик фалсафада гносеология ва эпистемологиянинг фарқлари мавжуд дея таъкидланади.

Агар гносеология ўз тасаввурлари ва тушунчаларини “субъект-объект” зиддияти атрофида шакллантирса, эпистемология учун “объект-билим” муносабати асосий роль ўйнайди. Эпистемология билиш жараёнини амалга оширувчи “гносеологик субъект”га эмас, балки билимнинг объектив структурасини тадқиқ этишга асосий эътиборни қаратади[5].

Эпистемологиянинг тадқиқот доирасига кирган муммолар қуйидагилардан иборат: Билим қандай тузилишга эга? Билимнинг илмий-назарий ва амалий фаолиятда объективлашуви ва амалга ошишининг қандай механизмлари мавжуд? Билимнинг қандай турлари мавжуд? Билимнинг ўзгариши ва ривожланишида “ҳаёт”нинг қандай умумий қонунилари мавжуд?

Инсон билиши жараёни устида тадқиқотларнинг бошланғич нуқтаси Парменид, Сукрот ва Платонларнинг ижодидан бошланиб, мазкур муаммо икки минг йилдан бери фалсафанинг ўрганиш доираси ҳисобланса-да, билиш жараёнини маҳсус тадқиқ этувчи “билиш назарияси” атамасининг пайдо бўлганлигига кўп бўлмай, у 1854 йил шотланд файласуфи Дж.Феррьер томонидан фанга киритилган. Англия, АҚШ, Франция ва бошқа Европа давлатларининг файласуфлари “эпистемология” атамаси нафақат, билиш жараёнининг синоними, балки маҳсус йўналиш ва соҳага нисбатан (фан эпистемологияси, натуралистик эпистемология, ижтимоий эпистемология, эволюцион эпистемология, компьютер эпистемологияси, интернет эпистемологияси) ҳам қўллашади.

XX асрга келиб кўпгина фалсафий йўналишлар ўзларининг хусусий эпистемологик ғояларини илгари суришиб, уларга феноменология, мантикий эмпиризм, танқидий реализм ва аналитик фалсафа кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Эпистемологик бурилиш доирасида икки асосий йўл мавжуд эди. Улардан бири скептик эпистемология бўлса, иккинчиси танқидий эпистемология йўналиши эди. Скептик эпистемологияни вакиллари сифатида Декарт, Юмлар фаолият олиб боришган бўлса, танқидий эпистемологиянинг намояндалари И.Кант, Б.Расселлар ҳисобланишади.

Мумтоз эпистемологик фундаментализм ўз навбатида икки кўринишга эга бўлиб, улар рационализм ва эмпиризм кабилар эди.

ШАХС ЭСТЕТИК ОНГИ ШАКЛЛАНИШИДА СПОРТ ВА САНЪАТНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ

Самадов А. Р. СамДУ доценти, ф.ф.н

Мамарахимов Қ., Ҳаққулов Н -СамДАҚИ ассистентлари

Эстетик онг асрлар мобайнида санъат орқали англашилиб, санъат асарлари, бадиий адабиёт кишиларнинг эстетик онг оқимини йўналишини белгилаб берган. Гўёки эстетика фақат санъатнинг жабҳаларини, кирраларини акс эттиришда бир воситадир. Лекин инсоннинг эстетик фаолияти шакллари турли-тумандир. Эстетик фаолият жараёнида кишилар ўз дидлари, қарашлари, тасаввур ва идеалларини шакллантириб, бой эстетик қадриятларни яратадилар. Бундай эҳтиёжлар нафақат санъат орқали қондирилади, балки меҳнат фаолияти, турмуш тарзи, соғлом турмуш тарзи ва спортга бўлган муносабати, атроф-муҳитга бўлган муносабати ва инсон ҳаётининг бошқа фаолияти, турли соҳаларида бу эҳтиёжлар қондирилиши мумкин.

Спорт ўйинлари пайтида спортчиларга, томошабинларга ва бошқа фаолият кишиларига эстетик завқланиш учун жуда кенг имкониятлар очади. Спортда эстетик фаолият ҳодисалари жуда турлича учрайди. У ўзида биз билган эстетик қадриятларни ҳаммасини жамлайди. Спортнинг эстетик жиҳатлари инсон учун аҳамиятли томонини билдиради ва ушбу фаолиятлар инсонга эстетик ҳиссиётни, эҳтиёжни чақиради, эстетик баҳолаш жараёнини юзага келтиради. Юртимизда спортнинг санъат билан бирга ривожлантирилишини асосий сабабларидан бири бу – ёшларнинг жисмоний ва ақлий имкониятларини янада оширишдир. Шунинг учун “...Бугунги кунда Ўзбекистонда 2 миллионга яқин фарзандларимиз, шу жумладан, 840 мингдан ортиқ қиз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда”[1].

Спортнинг шахс онгига таъсири XXI асрда яққол сезила бошлади. Чунки, глобаллашув жараёнлари спорт, умуман ҳаракатли ўйинларни, жамоавий курашларни оммалаштириб юборди. Қадиги Римда ҳам халқни қизиқишлари ва бўш вақтини унумли ташкил қилиш учун, халқни онгини бошқариш учун гладиаторларни оммавий томошларини ташкил қилишган. Спорт ва уни институционаллашиши глобаллашув даврида қонуний тус олиб ер юзи аҳолисини жуда катта қисмини эҳтиёжларда бирлаштирди. Энди спорт бизнес субъекти, сиёсатга тегишли тушунча ва тадқиқот объекти сифатида майдонга чиқди. Спорт педагогика, социология, маданиятшунослик доирасидан чиқиб, фалсафий мушоҳадага муҳтожлик сезмоқда. Санъат дастлаб кишиларни дам олиш манбаи воситасини ўтаган бўлса, спорт эса худди ўша даврда инсон жисмий гўзалигини таминловчи

восита бўлган. Санъат ва спорт инсоннинг эстетик онгини шаклантиришда гоҳ параллел, гоҳ перпендикуляр аҳамият касб этиб келган. Спортнинг айнан эстетик жиҳатларини ўрганадиган илмий тадқиқот соҳалари пайдо бўла бошлади. Ўтган асрнинг 60 йилларида, Америка қитъасида “Спорт фалсафаси” деб номланган илмий изланиш олиб борилиб, бир талай мувоффақиятга эришилган. Спортнинг шахс эстетик онгига таъсири ва муаммоларини таҳлил қилиш, ўз навбатида, бизнинг мамлакатимизда “Спорт эстетикаси” илмий билиш куртаги сифатида намоён бўлмоқда. Спорт эстетикаси дунёқарашли муаммолардан биридир. Ўзида жисмоний маданият, спорт ва фалсафий қарашларни ўзида жамлайди. Шунинг учун спорт фалсафаси йўналиши пайдо бўлган. Кўплаб мамлакатларда спорт билан доимий шуғулланадиган кишилар кўпайиб бормоқда. Спорт соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётганлар ичида ижтимоий-гумантар фан сохиблари мавжуд. Улар спортни инсон тарбиясига, соғлиғига, антропологиясига ва эстетик онгига таъсирини кенг кўламда ўрганмоқдалар. Чунки спорт жуда кенг эстетик воқеликни акс эттиради ва бу фалсафий тадқиқотларга жуда кенг имкониятлар беради. Бизнинг фикримизча, спорт фаолияти инсон шахсини шаклланишига кучли таъсир ўтказади ва қуйидаги вазифаларни бажаради: булар, *билиш, ахборот алмашини, эстетиклик, бошқарувчилик, ижтимоийлаштирувчи, гедонистик, коммуникатив, тарбиявий, белгилловчи, соғлиқни тикловчи* вазифаларидир.

Қадимдаёқ санъатда инсон танасини ҳаракатли тасвирлаш асосий мавзу бўлган. Бадиий адабиёт намуналари, сопол буюмларда ва расмлардаги маълумотлар шунинг англатадики, ўтмишда усталар инсонларнинг жисмоний машқларини тасвирлашга бўлган интилишлари ва шу орқали ўз эстетик қарашларини акс эттиришга уринишган. Масалан, Мирон “Дискобол”ни яратишдан мақсади ҳайкалтарошликдаги атлетизимни кўрсатиш бўлган.

Бугунги кунда ҳам рақс ва спорт машқлари рассомлар ва ижодкорларни руҳлантириб келади. Рассомлардан Бракнинг “Теннис ўйинчилари”, Цитманнинг “Қиличбозлар”, ҳайкалтарошликда Робинсоннинг “Болға улоқтирувчи”, Данлопнинг “Регби” асарларида спортчиларни ҳаракати ва уларнинг гўзаллигини аниқ кўрсатган. Россияда, Сочи – 2014 XXII қишки Олимпиадасининг ўтказилишга қаратилган “Санъат биринчидир” деб номланган виртуал лойиҳаси доирасида тайёрланган, 59 та санъат музейидан олиб келтирилган 950 та асар коллекцияси намоёниш этилган эди. Бу кўргазмада рассомлар, ижодкорлар барча спорт турларидан завқланишлари, спортчиларнинг мустақил, мукамал таналари билан, пластик ҳаракатланишлари, руҳан тетикликлари ва ғалаба қозонишга тайёрликларидан руҳланишларини кўрсатдилар. Бундай санъат асарларини билан учрашганда инсон маънавий-эстетик озуқа олади. Телевиденияни яратилиши спорт соҳасидаги ҳар бир ноодатий ҳаракатни секинлаштириб кўрсатиш имкониятини берди.

Спорт фаоллиги санъатнинг мавзуси бўла оладими деган савол туғилиши табиийдир. Спорт санъатни бирорта соҳаси билан доимий алоқада бўлади. Айрим тадқиқотчиларни фикрича спортни асосий мақсади ғалаба бўлса санъатдан кўзланган мақсад гўзалликдир. Бу бир ёқлама қарашдир. Спортнинг бадиий гимнастика, фигурали учиш, синхрон сузиш ва бошқа турлари гўзалликни акс эттиришини ҳеч ким инкор қилмайди. Ушбу жиҳат юқоридаги саволга жавоб топишга ёрдам беради. “Санъат спортда эстетик руҳланишни манбаини кўради. Лекин инсон танасини ҳаракатини спортда ишлатиладиган категориялар билан ифодалаб бўлмайди, эстетикани эса санъат иборалари билан ўрганиб бўлмайди”[2].

Спорт ва санъат тўлиғича бир-бири билан боғлиқ эмас. Спорт ва санъатнинг бирлиги борасида илмий изланиш олиб бораётган барча тадқиқотчиларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: *биринчи гуруҳга* мансуб тадқиқотчиларнинг фикрича, спорт санъат билан узвий боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо қилади. Спорт-санъат, спортчи-артист; *иккинчи гуруҳ* спортни санъатнинг маълум турлари билан боғлаш мумкин деб ҳисоблайди; *учинчи гуруҳ* бу спорт ва санъат ўртасидаги алоқани умуман тан олмайдиган тадқиқотчилар.

Махсус адабиётларда охириги вақтларда спорт ва санъат феномени мавзуси тез-тез муҳокама этиладиган мавзуга айланган. Кўпгина авторлар бу ҳолатни ҳозирги замон спорти ривожланиши асосий тенденциялари сифатида баҳолайдилар. Спорт фаолиятида эстетик мазмунни аниқлаб спортни санъат билан таққослашга ҳаракат қилган Р.Е.Варонин, эстетикани таққослашдаги тушунчаларнинг мусобақа вақтида муҳлислар томонидан ҳис қилиниши бўйича тадқиқот олиб борган. Мазкур таркиб орқали спорт ва санъат таққосланган ва у қуйидаги хулосага келган: “спорт қоидалар билгиланган жараён бўлиб, томошабинга олдиндан маълум (мусобақалашаётган гуруҳларни интилиши ва мақсадга интилишининг руҳсат берилган йўллари), чунки мусобақа томошабин учун бир бутун мазмун каби қабул қилинади. Бу худди бадиий асарни ҳис қилиш хусусияти кабир”[3]. Мазкур хулоса спорт мусобақасининг томошабин томонидан қабул қилиниш кўникмасини тасдиқловчи санъат ва спорт табиатини ўхшашлигини ишончли аргументи бўлиб хизмат қилади. Агар спорт ва

санъатнинг бирлигини тан оладиган бўлсак, унда барча турли нуктаи назарларни, тадқиқот хулосаларини бирлаштириб қуйидагини айтиш мумкин: *биринчидан*, санъат ва спорт жозибадорлиги орқали эстетик аҳамият касб этади; *иккинчидан*, спортчилар ҳам рассомлар каби гўзаллик қонуни бўйича амал ҳаракат қиладилар; *учинчидан*, спорт ва санъатда одамнинг жисмоний, эмоционал ва интеллектуал кучлари намоён бўлади; *тўртинчидан*, спортчи ва артист учун индивидуаллик, услуб катта аҳамиятга эга, улар ҳар бирининг ижодий кўриниши ва натижасини аниқлайди; *бешинчидан*, спортчи ҳам, санъаткор ҳам ижод аҳлидирлар; *олтинчидан*, спортчи учун бир ритмли ҳаракатга кириш муҳим бўлса, артистнинг образга кириши муҳимроқдир; *еттинчидан*, спорт ва санъат орқали кишилар гўзаллик билан рўбарў келадилар, ҳар иккала жабҳада ҳам инсоннинг ҳиссиёти гўзаллик қонунлари орқали тарбияланади.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОМИЛЛАРИ

М.И.Насруллаев Самду Доценти

Инсоният мавжудки терроризм унга доимий ҳамроҳ ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар қадимги даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам, аксарият ҳолатларда стихияли тарзда вужудга келар эди. Ташкилий жиҳатдан уюшган терроризм илк маротаба Россияда вужудга келган эди. Унда XIX асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлаган терроризм асосан, сиёсий терроризм шаклида бўлган эди. Таъкидлаш лозимки XX асрнинг охирига қадар диний экстремизм ўзини деярли намоён қилмади. Айнан шу вақтга келиб диний экстремистик асосдаги терроризм бутун дунё хавфсизлигига таҳдид қилувчи асосий кучга айланди. Бундай хавфнинг вужудга келишини қуйидаги омиллар белгилаб берди.

XX аср давомида дунёдаги аксарият жараёнлар икки сиёсий куч АҚШ ва СССР назорати остида кечаётган эди. У ёки бу муаммонинг ечими кўп жиҳатдан шу икки мамлакат ўртасидаги келишувга боғлиқ эди. Курашаётган томонлар, террористлар ва экстремистлар шу икки мамлакат қаноти остига киришга ҳаракат қилар эди. Масалан, Фаластиндаги “ФАТХ” ҳаракати СССР, Афғонистондаги мужоҳид ва толибонлар эса АҚШ томонидан қўллаб қувватланган эди. Турли ҳаракат намоёндалари қайси кучни танлаб олганларига қараб, СССР ёки АҚШ га яқин бўлиш учун коммунизм ёки демократия ғояларига садоқатларини изҳор қилганлар. Масалан, 1960 йилгача коммунистларга яқин ҳам йўламаган Фидель Кастро Куба коммунистик партиясини ташкил этган бўлса, Никарагуа халқининг жаллоди Самоса ўзини демократ деб эълон қилган эди. АҚШ ва СССР раҳбарлари ўз таъсир доираларини кенгайтириш учун бундай ҳолатларга кўз юмганлар. Лекин 1991 йилдан кейин вазият кескин ўзгарди. Икки қутбли дунё ўрнига бир қутбли дунё шаклланди. Юқоридаги “ҳомий”ларга муҳтож кучлар энди янги хўжайин қидириб қолдилар. Пул топиш мақсадида нарқобизнес, қурол яроғ – савдоси, рекет билан шуғуллана бошладилар. Бундан ташқари, уларнинг аксарияти мусулмон динига мансуб бўлганлари сабабли, турли ислом мамлакатлари экстремистик кучлари буюртмаларини бажара бошладилар. Масалан, Ўзбекистон Ислоҳ ҳаракатининг бюджети 1999 йилда 20 миллион доллар бўлган. Ана шундан 15 млн. доллари Саудия Арабистони, Қатар каби мамлакатлар томонидан ажратилган. Шу ўринда айтиш жоизки, фақат Саудия Арабистони ўша вақтларда ўз бюджетининг 10 фоизини турли мамлакатлардаги ислом ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун ажратганлиги ҳеч кимга сир эмас. Молиявий маблағларнинг оқиб келиши террористик гуруҳларнинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилди. Диний экстремизм ва терроризм кучайишининг биринчи сабаби ана шундадир.

Иккинчи сабаб шундан иборатки, бир қутбли дунёда яқка ҳукмрон бўлган АҚШ воқеалар жараёнини тўла назорат қила олмай қолди. СССР нинг ўрнини эгаллаш учун кураш бошланди. Курашнинг асосий иштирокчилари ХХР, Россия Федерацияси, Европа Иттифоқи, Япония, Ҳиндистон, Бразилия каби мамлакатлар ҳисобланадилар. Улар ўртасидаги қарама қаршилиқнинг кучайиши натижасида, дунё миқёсида беқарорлик ҳукм сурган ҳудудлар миқдори кўпайди. Илгари мавжуд бўлган Яқин Шарқ, Афғонистондаги можаролар қаторига Югославия, Ливия, Жазоир, Сурия, Ироқ, Шимолий Кавказ, Украина, Молдова каби ҳудудлардаги можаролар ҳам қўшилди.

Ўз вақтида Вьетнам, Корея, Араб-Исроил можаролари кўп жиҳатдан СССР ва АҚШ келишуви асосида ҳал қилинган эди. Ҳозирги вақтга келиб эса Афғон муаммосини ҳал қилиш тобора қийинлашиб бормоқда. Чунки, илгари бу ҳудудда асосан СССР ва АҚШ манфаатлари тўқнашган бўлса, эндиликда, АҚШ, Россия, Ўрта Осиё республикалари, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони манфаатлари тўқнашапти. Манфаатдор томонлар миқдорининг кўпайиши масаланинг ҳал қилинишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳудудлардаги беқарорлик эса ўз навбатида террористик, экстремистик кучлар ривожланишига хизмат қилмоқда.

Терроризм ва экстремизм хавфи кучайишининг учинчи сабаби шундан иборатки, айрим етакчи мамлакатлар ўзларида мавжуд бўлган андозалар асосида учинчи дунё мамлакатларида ислохотлар жараёнини тезлаштиришга қаратилган тарихий жиҳатдан оқланмаган, ноўрин ҳаракатларни амалга ошира бошладилар. Маълумки, Ироқ, Сурия, Миср, Ливия каби мамлакатларда ҳарбий диктаторлар бошқаруви шаклланган эди. Улардаги бошқарув тизими демократиядан йироқ бўлсада, ҳар қалай дунёвийлик тамойиллари асосида давлатчилик шаклланган эди. АҚШ ва Европа мамлакатлари ана шу давлатларни демократик давлатларга айлантириш учун шу ҳудуддаги демократик кайфиятдаги намоёндалар ёрдамида бу давлатлардаги ҳукмдорларни (Суриядан ташқари) ҳокимиятдан четлатдилар. Натижада, бу мамлакатларда вазият кескин ёмонлашди. Қайтадан ҳарбийлар ҳокимияти ўрнатилган Мисрдан ташқари, ўзгаришлар содир бўлган барча мамлакатларда фуқаролар уруши бошланиб кетди. Ҳаёт шуни кўрсатдики, бу курашга энг тайёр қатлам ислом экстремизми экан. Уюшган куч бўлган ислом экстремистик гуруҳлари мамлакатлар ҳудудларида аксарият ҳолатларда ўз ҳукмронликларини ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Улар орасида айниқса, Ироқ ва Шом ислом давлати гуруҳи ўзининг мурасасизлиги билан ажралиб туради. Ислам давлати ташкилоти даставвал “Ал-Қоида”нинг таркибий қисми сифатида 2006 йилда шаклланган эди. Унга даставвал, Абу Умар Ал-Бағдодий раҳбарлик қилган. 2013 йилда унинг ўлимидан кейин раҳбарлик Абу Бакр Бағдодий кўлига ўтади. ИШИД нинг асосий мақсади Муҳаммад Алайҳуссалом давридаги “Ҳақиқий ислом”ни тиклаш, барча мусулмон давлатларини ягона ислом халифалигига бирлаштиришдан иборатдир. Бу ҳаракат дунёдаги барча мамлакатларнинг хавфсизлигига таҳдид қилмоқда. Унинг моҳиятини ва хавфини аҳолига тушунтириш, огоҳ бўлишга чақириш куннинг энг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА «ЖИНС» КОНЦЕПТИНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ГУРУҲЛАРИ

Кўчибоев М.А. (СамДАҚИ)

Ҳозирги замон немис ва ўзбек тилларидаги «*жинс*» концептини кирувчи лексик бирликларнинг мужской ва женский родга мансублигини қуйидаги семантик гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) Жинсий фарқларни ифодаловчи гендер белгили сўзлар *эркак, одам, инсон, аёл, хотин, рафиқа; қиз, ўғил*); инглизча: *man-эркак киши, woman, wife-аёл, хотин, girl-қиз, boy-ўғил.*);

2) Инсоннинг ёш-қариллигини ифодаловчи гендер белгили семантик гуруҳ: *little girl - ёш қиз, little boy - ёш ўғил бола, women - умуман аёл, man - эркак, old women - қари кампир, old man - қария, чол, бобой*; Ўзбек тилида род категориясининг мавжуд эмаслиги сабабли отлар олдидаги сифатлар ҳар икала жинсга мансуб кишилар учун бирдек қўлланилаверали.

3) Қардошлиликни ифодаловчи гендер белгили семантик гуруҳ: референтнинг аёл кишилигини ифодаловчи сўзлар *mother - она, sister- сунгил, aunt - хола, амма, daughter in law - келин, wife - қаллиқ; - рафиқа, sister in law - янга, sister in law - қайин сунгил, grand mother - буви, mother in law - қайнона*;

Бу ўринда қариндошликни ифодаловчи сўзларнинг семантик майдони ўзбек тилида немис тилидагидан кўра анча кенг эканлиги кўзга ташланади. Масалан, инглизлар *amma* ва *holani* биргина *aunt* сўзи билан, *тоға, амаки* сўзини ҳам биргина *uncle* сўзи билан ифодалайдилар. Ҳар икала тилда қариндошликни ифодаловчи женский родга мансуб сўзлар мужской роддагиларга кўра кўплиги ҳам эътиборини тортади.

4) оилавий аҳволни ифодаловчи гендер белгили семантик гуруҳ: *эрлик-аёл; - турмушга чиқмаган қиз-miss, widow - есир, single - бўйдоқ, unmarried - уйланмаган бўйдоқ йигит(турмушга чиқмаган қиз).*,

5) шахслараро яқинликни, меҳрибонликни ифодаловчи гендер белгили семантик гуруҳ одатда катталар томонидан кичикларга эркалатиш маъносида, ёки эркак кишининг аёлга прагматик муносабатини ифодалаш учун қўлланилади Бу ўринда одатда нарса ва тушунчаларнинг қиммат баҳолиги, гўзаллиги, ширинлиги, ёқимлилиги ассоциация қилинади:

Инглиз тилида: *dear - азизим, меҳрибоним*. Бу ўринда немис аёллари эркакларни қимматбаҳо нарсалар, қушлар ва ҳайвонлар номи билан эркалаб аташлари мумкин: *kitten - мушуккинам, dear - қимматлигим*. Бу ўринда ўзбек тилида аёлларга нисбатан эркалатиб айтиладиган сўзларнинг семантик майдони каттарок: *Азизим, дилбарим, гўзалим, асалим, кўзичоғим оппоғим, эркатойим. олтиним*.

6) референтнинг бирор бир ижтимоий гуруҳга мансублигини ифодаловчи гендер белгили семантик гуруҳ: *қирол-king, қиролича –queen, шаҳзода-prince, малика — princess, peasant - деҳқон, peasant woman - деҳқон аёл; котиб-secretary;*

7) бирор миллат ёки этник гуруҳга мансублигини ифодадовчи гендер белгили семантик гуруҳ: *negro woman,girl — негритянка, Ireland women- ирландиялик- ирландиялик аёл(ёки қиз),gipsy girl,women -лўли- лўли аёл;*

8) касбни, машулот турини ифодаловчи гендер белгили семантик гуруҳ: Бу гуруҳга одатда фақат аёллар касбини ифодайдиган сўзлар киради:*dressmaker–тикувчи, monarch women – монах аёл; witches - жодугар; ballerina – балерина,imperator woman-император аёл;*

9) сексуал мойилликни ифодаловчи гендер белгили семантик гуруҳ:

Whore woman- бузуқ аёл; womanizer - -хотинбоз;

10) кўринишни, хулқ- атворни характерловчи гендер белгили семантик гуруҳ: *blond – блондин,blonde-блондинка, soft women - кўнгли юмшоқ аёл, joker -хазилкаш,greeder –очкўз,warlike woman - урушқоқ, жанжалкаш аёл, witches - ялмоғиз, ёвуз аёл, kids – қақажон;*

11) келиб чиқишини, яшаш жойини ифодаловчи гендер белгили семантик гуруҳ : *aristocrate - асилзода, princess-малика, prince-шаҳзода ;*

Мисоллардан кўриниб турибтики, гендер белгили леесик-семантик майдонни ҳосил қилишда род белгиси, яъни женский, мужской родга мансуб лексик бирликлар орқали сўз ясаш катта ўринни эгаллайди.

У ёки бу семантик майдонга кирувчи сўзларнинг кўплиги экстралингвистик факторларга боғлиқ. Аёлларнинг хулқ-атворларидаги камчиликларни ифодаловчи гендер белгили сўзларнинг кўплиги - бу жамиятда эркакларнинг аёлларга паст назар билан қарашлари орқали изоҳланади (Бородин 2001: 129).

Аёл концептини ташкил қилувчи семантик гуруҳ тил тараққиёти жарараёнида доимо янгилашиб, янги сўзлар ҳисобига бойиб боради.

Аёл концептига кирувчи лексик-семантик майдон бошқа тиллардан кириб келувчи сўзлар орқали ҳам кенгайди : *termagant (инг) — захар аёл, , virago(афр) - амазонка, мижғов аёл brahma (ҳинд.) – мафтункор аёл.*

Шундай қилиб, «аёл» концептига кирувчи сўзларнинг лексик-семантик майдони – бу тилда бир хил тушунчаларни ифодаловчи, муайян семантик сферани ҳосил қилувчи сўзларнинг иерархик бирлашувидир (Абдуваҳובהва 2012 : 11-15).

Семантик майдоннинг ономасеологик моҳияти объектнинг муайян синфга мансублигини билдирувчи бошланғич сема, ёки *гиперсема*, мавжудлиги билан белгиланади. Майдоннинг семасеологик характеристикаси эса, бу майдонни таркиб топтирувчи лексик бирликларнинг бир-бирлари билан ўз маънолари билан интеграль-дифференциал белгилари орқали бирлашувида ўз аксини топади. (Воеводская 2001:112) Айнан мана шу белгилар уларни бир майдон доирасида бирлашувини ва фарқловчи белгиларини аниқлашга ёрдам беради.

КУЁШ ЭНЕРГЕТИКАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

¹Рахимов О.,²Эшбеков А.А., ²Кўлдошев С.1-СамДАҚИ, 2-СамДУ


Ўтган асрнинг охириги йилларида яримўтказгичли асбоблар ва ахборот технологиялари бутун жаҳонда сармоя киритиш учун энг истиқболли соҳалар ҳисобланарди. Ҳозирги пайтда эса куёш энергиясидан электр энергияси олиш қурилмалари ишлаб чиқариш ва фойдаланиш бу борада биринчи бўлиб турибди.

Ўзбекистон шароитида куёш, шамол ва биомасса энергиясидан фойдаланадиган қайта тикланадиган энергетика технологиялари, шунингдек, кичик гидроэлектростанциялар ва геотермал қурилмалар долзарб ҳисобланади.

Куёш энергиясидан иссиқлик ва электр энергия ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Биринчи ҳолатда ясси концентрациялашмаган куёш коллекторлари қўлланилади. Уларда иссиқлик ташувчи сифатида сув, ҳаво ёки антифризлар ишлатилиш мумкин. Иккинчи ҳолатда эса, ёруғлик оқими энергияси фотоэлектр ўзгартиргичларда бевосита электр энергиясига айланади ёки иссиқлик электр станцияларнинг аънавий схемалари ишлатилади.

Куёшдан қувват оладиган сув иситгич мосламалар куёш коллекторлари орқали сув ҳароратини ошириш учун куёш нурлари энергиясидан фойдаланади (1-расм). Шаффоф қопламали ҳаво ўтказмайдиган корпусли, қора рангга бўялган, сув ўтказгич найчаларга эга синдирувчан металл

пластина ва корпусининг орқа ҳамда ёнбош деворларида иссиқликни йўқотмаслик учун изоляцияланган ясси қуёш коллекторлари кенг тарқалган.



1-расм. Иссиқликни алмаштириб берадиган қурилма ўрнатилган ва музлашдан ҳимояланган қуёшдан қувват оладиган сув иситгич.

Қуёш коллекторлари орқали сув ҳароратини ошириш учун унга концентраторлар ҳам қўйилса, сувнинг ҳарорати анча юқори бўлишини олинган тажриба натижалар кўрсатмоқда. Бундан ташқари қуёш нуридан қувват оладиган сув иситгичлар қуёш радиацияси етарли бўлмаганида сувни иситиш учун етарли даражадаги иссиқлик билан таъминлаш мақсадида концентраторлар билан ҳам жиҳозлаш мумкин.

Қуёш нуридан қувват оладиган сув иситгич коллектори ва концентраторларни қуёш энергиясидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш учун қуёш ҳаракати траекториясига мувофиқ жойлаштирилиши лозим. Одатда коллекторлар уфқ бурчагига қараб жойлаштирилганда иш самарадорлиги юқори бўлади. Негаки бундай ҳолатда қуёш нурлари қуёш коллекторлари устига кўпроқ тушади. Қуёш коллекторларининг йўналиши ўрнатиладиган жойга қараб, олдиндан ҳисоб-ки-тоб қилинган ҳолда алоҳида аниқланади. Одатда қуёш коллектори қурилма жойлаштирилган жой кенглигига мувофиқ уфқ бурчаги остида ўрнатилганда максимал унумдорликка эришилади.

№1 Тажриба натижалари.

Конус типдаги маиший сув иситгичини кун давомийлигидаги ўлчашлар натижалари. Тажриба 2015 йил 25 июль куни Самарқанд шаҳрида ўтказилли.

Осмон булутсиз, очик ҳаво. Тизимдаги совуқ сув ҳарорати 19 °С.

№	Иситлган сувни ўртача ҳарорати $t, ^\circ\text{C}$	Иситлган сувни ҳажми $V, \text{ л}$	Иситилган сувни ҳароратини шартли равишда 37 °С га ўзгартириш	Атроф муҳит кўрсаткичлари ва қуёш радиацияси			
				Вақт, с	Юзага тушувчи радиация, $\text{Вт/м}^2, \text{ Е}$	Шамол тезлиги, В м/сек	Сув ҳарорати $t_0, ^\circ\text{C}$
1	68	10	27,2	9 ³⁰	950	0,0	34
2	65	10	25,5	12 ³⁰	1100	0,5	38
3	55	10	20,0	15 ³⁰	1050	0,0	39
4	45	10	14,4	18 ³⁰	820	0,3	38
Уфак=110л,				Ушарт=270,2 л.			

№2 Тажриба натижалари.

2015 йил 5 сентябрь. Осмон булутсиз, очик ҳаво. Тизимдаги совуқ сув ҳарорати 18 °С.

№	Иситлган сувни ўртача ҳарорати $t, ^\circ\text{C}$	Иситлган сувни ҳажми $V, \text{ л}$	Иситилган сувни ҳароратини шартли равишда 37 °С га ўзгартириш	Атроф муҳит кўрсаткичлари ва қуёш радиацияси			
				Вақт, с	Юзага тушувчи радиация, $\text{Вт/м}^2, \text{ Е}$	Шамол тезлиги, В м/сек	Сув ҳарорати $t_0, ^\circ\text{C}$
1	52	10	18,3	9 ³⁰	760	2,0	19
2	48	10	17,37	12 ³⁰	830	1,0	24
3	42	10	14	15 ³⁰	690	1,5	28
4	38	10	10,53	18 ³⁰	400	1,5	26
Уфак=110л,				Ушарт=160,0 л.			

**KICHIK MUTAXASSISLAR TAYYORLASHDA MILLIY
MA'NAVIYATIMIZALLOMALARIFIKRINING AHAMIYATI**

A.A.Eshbekov¹, O.Raximov², D.Irgasheva³, D.Odilova
1-SamDU, 2-SamDAQI, 3-Samarqand shaharmaishiyxizmat KHK

Hunarniasrabonnetgumduroxir,
Olibtuproqqamiketgumduroxir.

AlisherNavoiy

Barkamolavlodnitarbiyalashinsonniyatningengyorqinorzusibo'libkelgan.
Bundayorzudagiinsonlarazaliyma'rifatga, madaniyatgamansubbo'lganyurtlariningdonishmandlari —
engmo'tabarziyolilari, hukmdorlarihisoblanganlar. UlarningorasidaO'zbekistonda —
muazzamzaminimizdayashaganbobolarimizningo'zo'rnivahurmati bor. Bu
jahonhamjamiyatitomonidanqabulqilinganhaqiqatdir.
Barkamolavlodnitarbiyalashorzusigatariximizdanjudako'pdalillarkeltirishmumkin. Al-Forobiyning
«Fozilodamlarshahri» asaridagig'oyanioladiganbo'lsak, ungako'rajamiyatningharbifurqarosi — mansabi,
tutgano'rni, ya'nikimbo'lishidanqatiynazarfozilkishibo'lishidir. Fozilinsono'zdavlatiningbarchaqonun-
qoidalariniyaxshibiladi, ungaamalqiladi, fikrlaydi, o'zkasbiningustasi,
kerakbo'lgandaVatanuchuno'zjoninifidoqiladi. Bobolarimizningo'y-
fikrlarilitdantilgako'chgan,kitoblardaqolgan.Bundanxalq, ayniqsayurtboshilarxabardorbo'lishgan.
ChunonchiSoxibqiron Amir Temur ham buyukdavlatqurishda,
ishyuritishdao'tibketganbobolarimizningo'gitlari,
davrdonishlariningmaslahatlaribilanishlaganligitarixiymanalardabayonetilgan.
Butundunyogama'lumkio'shadavrdailm-fanrivojiuchunsharoityaratilgan.
Madaniyatrivejlangan,bugundunyoniuletayotganosmono'parminorayumasjidlarbunyodetilgan.
Budavlatnibarchadavlatlarengyuqorimadaniyato'chog'Isifatidatanolishgan,
o'zelchilarinijo'natishgan.Elchilarniyuborishmazkurdavlatnihurmatqilishvatanolishnatijasidir.

Testta'limtizimidagibiryangilikbo'lsa,
iqtidorlivaiste'dodlifarzandlarimizuchunyangiturdagio'quvmuassasalariningtashkiletilishihamo'zigaxosyangi
likbo'ldi. BuIslomKarimovning 1990-yildagiorzularidanbiri — «engiste'dodlibolalaruchunmaktablarochish»
g'oyasiningamalgaoshishiedi.Kadrlartayyorlashmilliydasturikuntartibigaqo'yilgungaqadaryurtimizdako'plab
yangiturdagio'quvmuassasalariochildi. Ayniksalitseylartilgatushib,ota-onalar «bolamlitseydao'qiydi»
deb'ururlanadiganbo'lishdi. CHunki, litseylarnitugatganlarningko'pchiligioliyo'quvyurtlarigakirishuchun
test imthonlaridanyuqori ball to'plab, talabalikbaxtigamusharraf bo'lishdi.

Hozirgi paytda zamonaviy ishlab chiqarishda inson mehnati vazifalarining o'zgarishi yosh mutaxassislarni tayyorlashda yangi yondashuvlarni talab qilmoqda. «Ta'lim to'g'risidagi qonun» va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning qabul qilinishi shular jumlasidandir, unda aytilishicha: «Barkamol avlod jamiyat taraqqiyotining poydevoridir». Yosh avlodni har tomonlama yetuk qilib tarbiyalash esa ta'lim jarayonini tubdan isloh qilishni taqozo etdi. Bunga yangi axborot va pedagogik texnologiyalarni joriy qilish orqali erishish mumkin. Shu sababli zamonaviy pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayonida qo'llanilmoqda.

Tahsil oluvchilar ongida kasb-hunar egallash, bunda ijtimoiy ahamiyati muhim bo'lgan kasb-hunar fazilatlariga ega bo'lish zarurligini shakllantirish o'ta murakkab va uzoq davom etuvchi jarayon hisoblanadi.

Ma'lumki, agar tahsil oluvchi kasbni to'g'ri tanlagan bo'lsa, inson uchun mehnat quvonch, ijodiy ilhom manbaiga aylanadi, bu esa shaxs uchun ham, jamiyat uchun ham foydali bo'ladi.

Ongli kasb tanlash uchun o'smirlar yetarli darajadagi umumiy vapolitexnik tayyorgarlikka ega bo'lishi lozim. O'quvchini u yoki bu kasbga maqsadli yo'naltirishdan avval uning shaxsini o'rganish kerak. Buning uchun uni kuzatish, o'quvchining maktabdagi, jamoat joylaridagi, oila va mehnatdagi amaliy harakatlarini tahlil qilish, so'rovnoma o'tkazish, suhbat, test, intervyu olish zarur bo'ladi. Kasbga yo'naltirishda turli kasblar, ularga qo'yiladigan talablar, bu kasbni qayerda egallashlari mumkinligi to'g'risida o'quvchilarga ma'lumot berish katta ahamiyatga ega.

Kasbtanlash— jiddiyvamas'uliyatliishdir. O'zhayoty'olinijiddiysuratdabelgilabolishosonishemas. Buninguchunuzoqvaqtmaxsustayyorgarlikko'rishtalabetiladi.

O'quvchilarningkasb—hunargalayoqatinio'rganishuchunularningaqliy, jismoniyqobiliyatlarinibilish, malakavako'nikmalarinio'rganishlozim.

Ishchimusaxassislaritayyorlashhammavaqtjiddiy masala bo'libkelgan, chunkiishlabchiqarishningmuvaaffaqiyatlariularningmalakadarajasigabog'liqhisoblanadi. Barcharivojlangandavlatlaruchunishlabchiqarishninghammatarmoqlaridajismoniyemehnatningsolishtirmaog'irligibarqarorkamayibborishtendensiyasio'rintutadi.

Ko'pchilikrivojlangandavlatlardahavflivazararliishlabchiqarish, monotonvabirxildagiishbilanbog'liqbo'lgankammalakatalabqilinadiganishlarmashinavarobotlarbajarishiyo'lg aqo'yilmoqda.

Mehnatfunksiyalariningo'zgarishiyoshlaruchunturlixildagiishlarningo'zigatortishmezoninianiqaqratibberdi. Bajarishjarayoniqiziqarlivaijodiykuch-g'ayrattalabqiladiganfaoliyatasosiyoringaqo'yilmoqda.

Bu mehnatfaoliyatiningturliyo'nalishlari – sanoatvaqishloqxo'jaligidantortib to xizmatko'rsatishsohalarigachategishlidir.

Dunyoolimlariningta'dqiqotlarigako'rayangitexnologiyalarningishlabchiqarishgashiddatbilankiribkelishtendensiyasitezoradabarchajoylarniqamrabolishimalumbo'lmoqda.

Odatbo'libqolganko'pginaishlabchiqarishjarayonlarior'atmishgaaylanmoqdayokitubdano'zgarimoqda.

Zamonaviykichikmutaxassisqadimgihunarmand

ishchilarningengyaxshisifatlarinisatlabqolganholdayangitexnologiyalargamoslashishivaunieqallashgatayyorb o'lishizarur.

Shundayqilib,

mamlakatsanoativaxalqxo'jaligiuchunmalakalimutaxassislartayyorlashvazifasiyoshlargaqasbsirlarinio'rgatis hdayangiyondashuvlarnianglashdaniboratdir.

Bu

qadimdano'quvchilaruchunhardoimzarurbo'lganvaishlabchiqarishningistiqbollitalablarinihisobgaoladiganqat orsifatlarinishakllantirishdanvozkeshishnibildirmaydi. Ularquyidagilaredi:

• Ishlabchiqarishvatexnologikintizomnitarbiyalash;

- Jihozvaasboblarniasrab-avaylashnisingdirish;
- Olingannazariybilimlarniamaliyotdaqo'llayolish;
- Ishlabchiqarish texnikavateknologiyasi,

mehnatnitashkilqilishto'g'risida,

kasbnieqallashvaishlabchiqarishmalakasiningkeyingirivojlanishiuchunzarurbo'lganhammdachuqurvamustahk ambilimlarnishakllantirish.

Tajribalarshuniko'rsatadiki, kollejbitoruvchilarigatanlagankasblaribilanbirga, mexnatsevarlik, fidoiylilik, sabr-taqotlilikvaboshqainsoniyxususiyatlarnisingdiribborishkattaahamiyatgaegaekanliginiko'rsatdi, ya'nikollejda 2012-2013 o'quvyilidabitiruvchilarning 78 %isho'rinlaridamuqimqolganbo'lsa, 2013-2014 o'quvyilibitoruvchilarining 83 %va 2014-2015 o'quvyilibitoruvchilarining 85 % ishjoylaridadoimiyqolishlarigaerishildi.

Tizimdagikichikmutaxassislartayyorlashningmurakkabligigaqarab,

ta'limjarayoniningdavomiyligigae'tiborberishkerakvaXXI asrta'limbo'yicha YUNESKO tomonidantaqdimetilganXalqarokomissiyama'ruzasidako'ribchiqilganta'limningquyidagitorrttaasosiytamoyil inio'rganishzarurhisoblanadi:

1) bilimolishnio'rganish

shaxsningshakllanishivakeyingirivojlanishiyangiliklarniuzluksizkuzatibborishvamustaqilorganishnikozdatu tadi;

2) ishlashnio'rganish

ishnioddidiyginabajarishemas,

balkiharqandaybuyurilganishgafaoliyatliyondashuvtushuniladi

(harbirbosqichdagiishnatijalariva'zfaoliyatini baholashvatahrirlashnibilish);

3) yashashnio'rganish

–

tezo'zgarayotganzamonsharoitlarigamoslashaolish,

o'zinishaxsiyvaoilaviyhayotga, kelajakdagikasbiyfaoliyatgajodiysafarbarqilaolish;

4) birgalikdayashashnio'rganish – dunyoga, insonlarga, o'ziganisbatanqadr-qimmatninishakllantirish.

ОЛМА ВА УЗУМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ

ТАҚИ кат.ўқ. Инагамова М.М.

Республикамиз мустақилликга эришганидан сўнг, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очилиши муносабати билан мамлакат миллий даромади сезиларли даражада ортди. Боғдорчилик ва узумзорларни ўзлаштиришнинг кенг йўлга қўйган фермер хўжаликлари, бозорларни ўзининг махсулотлари билан тўлдираётган ва халқимизнинг эътиборини қозонаётган ишбилармонлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Биринчи навбатда энг керакли манбаи бўлиш мўл-кўл

олма ва узум ҳосилини йиғиб олиш ва уларни қайта ишлаш натижасида ўз она ватанимизда етиштирилаётган хўл мевалардан тайёрлаб, ўз эл юртимизга тайёр маҳсулот чиқаришга жалб этиш лозим. Шунинг учун бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш муоммосини ҳал этишда, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги олма ва узум шарбатлари ишлаб чиқариш кичик (цехларни) корхоналарни қуриш долзарб масалаларидан биридир.

Инсонни эркин ва фаровон яшашни таъминлашда иқтисодиётни ривожлантириш муҳим ўрин тутати. Бу муаммонинг ечими кўп омиллар билан боғлиқ. Ана шундай омиллар жумласига етарли даражада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни хорижга кўпроқ экспорт қилиш, чет эл валютаси тушумини кўпайтириш сингари масалалар киради. Ушбу масалаларни ҳал қилишда эса саноат қурилишни ривожлантириш, янгидан – янги саноат биноларини барпо этиш, мавжуд саноат корхоналарини замон талаблари асосида қайта тиклаш каби вазифалар муҳим ўрин тутати.

Замонавий шарбат цехи аҳолини шарбатга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва қишлоқларда яшаётган одамларни ишчи ўринлари билан банд қилиш мақсадида қурилади. Бундай иншоотлар барча турдаги зарурий коммунал қулайликлар (сув, композиция, иситиш қурилмалари ва ҳ.к.) билан жиҳозлаш, ишчи – ходимларга қулай шароитлар яратиш ва дам олиш зоналари билан таъминланган бўлиши зарур. Янги қурилаётган олма ва узум маҳсулотларини шарбат ичимлигига айлантириш цехи аҳоли ҳудудларига яқин жойлаштирилади. Корхона бош режаси ҳудудини минимал қисмини эгаллаган ҳолди ечилади. Ҳамма ишлаб чиқариш, хўжалик, ёрдамчи хоналар ва омборхоналар қоидага кўра битта корпусга жойлаштирилади, бу корпус саноат майдони қаерда жойлашишини белгилайди.


Шарбат ишлаб чиқариш жараёнларини функционаллашуви асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларига бўлинади. Цех фаолиятининг асосини ишлаб чиқариш жараёни ташкил этиб, бу жараёнлар натижасида асосий хўл – мевалар тайёр маҳсулот шарбатга айланади. Шарбат ишлаб чиқариш цехида технологик жараён қуйидаги тартибдан оборат. Цехга келтирилган маҳсулот омборхонага киритилади, қайта ишлаш учун уларни цехга узатилади. Биринчи саралаш қилинади, ювилади механизациялаш йўлак орқали мевалар эзиб чиқаргичга тушади. Сўнгра бир – қанча жараёнлар орқали идишларга қуйилади ва тайёр маҳсулот омборга топширилади.

Шарбат ишлаб чиқариш цехларининг ҳажмий – фазовий композицияси икки асосий қисмдан иборатдир: ишлаб чиқариш ва маъмурий – маиший қисм. Замонавий шарбат ишлаб чиқариш корхоналарида маъмурий – маиший ва ишлаб чиқариш қисмлари ўзаро боғланган бўлиб, цехлар ва хоналардаги бир – бирига ўтиш йўлларини тўғри лойиҳалаш лозим.



ТАҚИ, Архитектура факультети, “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедрасида “Саноат биноларини лойиҳалаш” фанида талабалар томонидан “Олма ва узум ишлаб чиқариш цехи” мавзусида курс ишини бажарадилар, бу ўз навбатида келажакда бўлажак архитекторлар олган билимларини ўз иши


фаолиятига тадбиқ этадилар.



2-qavat tahriri M 1:150

Qaydnom


- | | |
|---------------------------|----------------------------|
| 1. Vestibul | 15. Teratar turish joyi |
| 2. Yozgi maydon | 16. Kompressor |
| 3. Bufel (tuzatish joyi) | 17. Markaziy |
| 4. Miqozlar yemak xonasi | 18. Laboratoriya |
| 5. Ishchilar yemak xonasi | 19. Omborxonasi |
| 6. Xom ashyo qabul qilish | 20. Ayollar kiyinish joyi |
| 7. Yuvish xonasi | 21. Erkaklar kiyinish joyi |
| 8. Siqib savini chiqarish | 22. Buzgallariya |
| 9. Filtrdan o'tkazish | 23. Direktor |
| 10. Sistemalarga quyish | 24. Direktor yordamchisi |
| 11. Sireni zalisiya | 25. Kuchalar bo'limi |
| 12. Bankalariga quyish | 26. Tibbiy punkt |
| 13. Pardoziqlash | 27. Xodimlar yozgi maydoni |
| 14. Tayyor mahsulot | |




Tahriri M 1:200





Тарз М 1:200




1-Қават тархи М 1:200



Қирқим М 1:200



2-Қават тархи М 1:200



Бош тарх М 1:1000

Экспликация

№	Хоналар	м²	№	Ошхона, омак хонаси	32
1	Хом шай оғибори	200	10	Бош муҳандис	13
2	Кўчи эшик	134	11	Резерв хонаси	13
3	Мақддлаш - преслаш цехи	272	18	Бош техниклар бўлими	12
4	Вент. эшик	10	19	Цех бошқити хонаси	12
5	Компрессор	10	20	Табдил хонаси	12
6	Тара қонид хонаси	27	21	Дам олиш хонаси	12
7	Тара оғибори	36	22	Дам олиш хонаси	15
8	Тайёр ахсулот оғибори	74	23	Эл-қит	9
9	Стерилизация ёғири	32	24	Буғалатирма	31
10	Кабул зона	22	28	Қадрилар бўлими	31
11	Вестибюль	42	29	СУУ	24
12	Асбоблар гардароби	24	21	Микроблар хонаси	100
13	Эрканлар гардароби	24	28	Директор хонаси	31
14	СУУ	24	29	Директор муовини хонаси	31

Juice factory

Гуруҳ : 1-11 Ау
Талаба : Хусанов А.
Раҳбар :

Асосий адабиётлар

1. Проф. Убайдуллаев Х.М., доц. Холмирзаев К.М., арх. Сетмаматов М.Б. /Саноат корхоналари типологияси/Ўқув қўлланма, ТАҚИ, Тошкент – 2002 й. 12-14 б.
2. Н.Н. Ким /Архитектура промышленных предприятий, зданий и сооружений/. Москва, “Стройиздат” 1990 г. Стр. 466-496.
3. СНиП 2.09.02.85 /Производственные здания/ Нормы проектирования. Стр.1.
4. ШНК 2.08.02-09 /Общественные здания и сооружения/. Стр.65-66.

СЧЕТНЫЕ СЛОВА СО ЗНАЧЕНИЕМ ПАРНОСТИ И ЧАСТЬ ЦЕЛОГО В АНГЛИЙСКОМ И В РУССКОМ ЯЗЫКАХ

Доц. Маматкулова Ш. Дж. - СамГАСИ

Изучение счётных слов данного значения имеет особую ценность, так как разделение пополам отождествление двух объектов по какому-либо количественному признаку являются первым шагом во всяком квантификационном процессе. В языковой реализации этого явления различаются, как известно, два способа: синтетический, состоящий в начале особых граммем двойственного числа, и аналитический, заключающийся в использовании числительных со значением «два» и различных счётных слов. Как английский, так и русский язык, двойственным не располагают, ввиду же аналитических средств в обоих сопоставляемых языках весьма разнообразны.

Обратимся сперва к русским средствам выражения всевозможных парных предметов. Отмечены следующие случаи его употребления:

А) Слово «пара» выступает при счёте различного рода предметов, одежды, обуви и изделий, предназначенных для человека и в частности для обозначения его парных органов-рук, ног, ушей и т.д. Например:

Он из доставшихся богатств выбрал и оставил для себя одну пару золотых серег, украшенных драгоценными камнями.

Каждый из них за эту неделю изготовил от четырёх пар до шести пар обуви.

Б) Слово «пара» употребляются также при счете предметов, которые не представляют собой естественной пары. Лишь в результате реального применения тех или иных предметов в виде пары (с целью удобств и целесообразности) они стали рассматриваться как некая пара одинаковых, хотя и совершенно отдельных предметов. Например, «пара волов» являлось раньше наиболее распространённым видом тяговой силы при вспашке земли дехканами, также слова и выражение «пахать на волах, пахать, «пахота», «вспашка земли», «пахарь, погонщик волов».

Точно также «пара» может применяется по отношению к предметам, употребление которых в виде пары стало обычаем. Например:

«Снизу от этого котла на расстоянии четырех пальцев установили три небольших пары широких котлов из которых вторая пара была меньше первой пары, а третья пара была меньше второй.

В) Слово «пара» применяется также в переносном значении меры площади земли которую можно обработать одной парой волов в течении одного сезона в XVI-XIX вв «один джуфт т.е. «одна пара» имеет разные величины от 8,5 до 14,2га.

Например:

«Урожай с половины джуфта земли и такого же количество сада не хватало для пропитания даже до середины зимы».

Как и другие подобные слова «пара» может употребляться в инверсированной конструкции.

Например:

В 1976 году было произведено в месяц (ежемесячно) 1598 миллионов метров жилплощади, кожаной обуви 725 миллионов пар.

Иногда в разговорном языке употребляется слово «пара чего-либо, вдвоенная упряжка волов и т.д.

Английские обозначения парности также не особенно разнообразны.

Pair- пара, in pairs – парами, a cartiaged pair – карета запряженная парой, состоящая из двух частей парные предметы a pair of socks – пара носков.

Couple – два пара. For example: Lend me a couple of pencils – дай мне пару карандашей, пара (супруги), жених и невеста, пара танцоров.

Из этих примеров нетрудно увидеть, что между английскими нумеративами pair и couple имеется семантическое различие (ближе к степени близости исчисляемых объектов). В русском языке подобные различия тем же способом выразить невозможно. «Стадо коров, стая птиц, вереница, группа отряд и другие. Например: Там в глубине ямы я увидел груды человеческих костей. Вскочив, я посмотрел, это была толпа зрителей. Бортрадист полуслушливым, полусерьёзным тоном рассказал ещё уйму (целую кучу) всяких чудес.

Как видно из выше приведенных примеров «куча» может применяться по отношению к любым предметам, к людям, а также по отношению к абстрактным понятиям выступая в обобщенном значении множество уйма. «Куча» в основном служит для определения множества однородных предметов (куча камней), но иногда употребляется и по отношению к людям.

Квантификация целого может приводиться различными средствами, целесообразно выделить следующие подразряды.

а) Слова, обозначающие тем или иным способом «часть», «кусок» ср. русск. и англ. *piece* и т.д.

б) Слова, приближающиеся к терминам ср. русск. «процент» англ. *percent* и т.д.

в) Дробные числительные ср. русск. «одна треть», англ. *third* - наиболее точные обозначения части. Ниже, сперва приводится анализ данных русского языка. Достаточно определенным выражением какой-либо части целого является широко употребительное слово «процент». Наряду со словом «процент» употребляются (в основном в разговорном языке), также такие слова, как, «половина», «часть, составная часть», «кусок», «ломоть», «кусочек», (например, арбуза) и т.д.

Например: «Одним из таких искусственных спутников для пассивной связи был пластмассовый шар радиусом 120 метров, который был покрыт слоем алюминия» «На других массивах и в микрорайонах города Самарканда поднимаются здания высотой в 10-12 этажей».

«Самарканд был крупнейшим городом, окруженный двумя рядами высоких стен, и на каждом ряду стены на определенном расстоянии были сооружены в шахматном порядке укрепленные башни».

Слово «группа», «подразделение», «ряд» означает в русском языке что-то общее. «Один ряд стариков привлекал внимание посетителей».

Таким образом, в ходе анализа было ясно, что в каждом из сопоставляемых языков, квантифицирующие средства обрезают своего рода систему, самым тесным образом соотнесенную – даже включающую квантифицируемые реалии. Общим для сопоставляемых квантифицирующих систем является, в целом, то, что диктуется общими условиями жизни.

В английском языке тоже употребляются точно такие же квантификационные слова, некоторые из них имеют достаточно многие значения.

Degree – a step or stage; a high degree of ability; a measure of heat; a title given to a university, usually for passing an examination.

Например:

«The weather was ten degrees of frost night».

« An angle of ninety degrees».

Calorie - малая калория», a measure of heat – 4,187 joules, the amount of any food that produces 1000 calories assented.

Candle-power – the brightness of a light – сила света (в свечах); a burner of 25 – лампочка из 25 свечей.

Таким образом, из приведенного анализа сделаны выводы, что как и в других случаях, современной измерительной терминологии между английским и русским языками отмечается естественное однозначное соответствие.

FRANSUZ YOZMA VA OG'ZAKI NUTQIDA ROD KATEGORIYASINING IFODALANISH YO'LLARI.

SamDAQI "Chet tillar" kafedrasida o'qituvchisi A.A.G'afforov

Fransuz tilida grammatik rod kategoriyasi, so'z turkumlarining asosiy kategoriyalaridan biri sifatida, ikki planli hodisadir, unda mazmun va ifoda uzviy ravishda bir-biri bilan bo'lgan ketgan. Shu sababdan bo'lsa kerak, rod kategoriyasining umumiy ma'nosini aniqlash juda qiyin kechmoqda va bu masalaga bag'ishlangan turli davrlardagi ilmiy adabiyotlarda turlicha fikrlar va qarashlar yuzaga kelgan. Ulardan ayrimlarini ko'rib chiqamiz.

Fransuz tilshunoslari J.Damuret va E.Pishon grammatik rod va biologik jins o'rtasiga tenglik belgisini qo'yganlar. Boz ustiga, go'yoki o'tmishda barcha predmetlar ayol va erkak jinsi bo'yicha afsonaviy taqsimlanganmish degan g'oyani aks ettirgan kategoriya sifatidagi rod kategoriyasining talqinini ham ular qabul qilganlar va hatto "rod" (genre) atamasi falsafa va biologiyada chuqur o'rnashib qolgan deb, bu atamani qabul qilishdan ham bosh tortganlar. Shunday bo'lsada, ular, baribir, grammatik rod tushunchasini tirik zotlarning jinsi bilan qandaydir bir aloqa bog'lab turishiga ishonganlar. Shu boisdan bo'lsa kerak, ular fanga hatto yangi "jins bo'yicha o'xshatish" (sexuiseemblance) atamasini ham kiritganlar. Bu atama ular nazarda tutgan mazmuni to'liq qamrab olgan edi. J.Damuret va E.Pishon uchun, rod bo'yicha tasniflash "narsa yoki hayvonlarni odam xususiyatiga molik qilib ifodalash usuli" dan, ya'ni jins kategoriyasini metaforik aks ettirishdan boshqa narsa emas edi¹.

Rod grammatik kategoriyasini biologik jinsga o'xshatish, hayvon va jonsiz predmetlar nomlarining rodga mansubligini odamga tenglashtirish, ularni "odamlashtirish" orqali tushuntirib berish asosli emasligi

haqidagi fikrlarni bir qator taniqli fransuz tilshunslarining ishlarida uchratish mumkin². Bu olimlarning fikrlariga ko'ra, ko'pgina fransuz tilidagi otlar uchun ularning u yoki bu rodga mansubligi sababini topish juda qiyin masaladir, shuning uchun ham, ularning nazdida rod mantiqqa aloqasi eng kam bo'lgan grammatik kategoriyalardan biriga aylanib qoladi. Natijada otlarning rodi bir qator olimlar tomonidan sof formal, hech qanaqa ma'no mazmuniga ega bo'lmagan va faqat til ichki yuklamasiga ega bo'lgan tasniflovchi kategoriya sifatida ko'rila boshlandi.

V.Kurilovitch³ fikri bo'yicha, jins bo'yicha qarama-qarshi qo'yishni ifodalash sifatida rodni talqin qilish – bu “tillarning yitarli bo'lmagan tahlilidan kelib chiqqan noto'g'ri sharxdir”. Hatto ayrim olimlar tomonidan biologik jinsni ifodalash vositasi sifatida qaraladigan instituteur/institutrice juftligida ham ma'noni inkor qilish rodning sof formal kategoriya bo'lishiga olib keladi. K.Mok⁴ masalan, hozirgi fransuz tilida rod va son kategoriyalarining talqiniga bag'ishlangan monografiyasida shunday deydi: “otga bu kategoriya umuman begona, chunki bu sinfda mavjud korrelatsiya rod, jins bo'yicha qarama-qarshi qo'yishni ifodalamasdan, semantik farqni yitkazib berish uchun xizmat qiladi”.

Demak, biz tomondan rod kategoriyasining tadqiqot ob'ekti uchun tanlab olinishi tasodif emas. *Birinchi*dan, rod kategoriyasi, sodda ko'rinishiga qaramasdan, o'zlashtirilishi eng qiyin va, ayni paytda, tilni amaliy egallash uchun juda muhim bo'lgan mavzulardan biridir. Ot rodini aniqlashdagi xato eng ko'zga tashlanadigan va ayniqsa ta'limning boshlang'ich davrida eng keng tarqalgan xatolardan biri hisoblanadi. Bu mavzuning murakkabligi shundan iboratki, bir tomondan, uni amalda mantiqiy anglab olishning iloji yo'q, ikkinchi tomondan esa, fransuz tilini o'rganuvchilar fransuz va o'zbek otlari o'rtasida rodning bor-yo'qligiga doimo to'qnash keladilar. *Ikkinchi*dan, rod kategoriyasi to'g'risidagi masala fransuz tilida tez-tez olimlar o'rtasidagi bahslarning predmetiga aylanmoqda. Masalan, so'nggi Larousse Grammatikasining mualliflari shuni tasdiqlaydilar, alohida ko'rinishda, so'zlarning qurshovudan tashqarida olingan otning mujskiy yoki jenskiy rodga mansubligini aniqlab berish imkoniga ega emas, masalan: *blé, citron, lièvre* mujskiy rodga, *clé, maison, lèvre* esa jenskiy rodga mansubligini otlarning tashqi ko'rinishidagi hech narsa aytolmaydi.

Fransuz otlarida rod kategoriyasining voqelanishini anglab olishni murakkablashtiruvchi omillar qatoriga yana yozma va og'zaki nutq oppozitsiyasini ham kiritish mumkin. Ma'lumki, hozirgi fransuz tilida rod kategoriyasini ifodalovchi vositalar, ayniqsa og'zaki nutqda, ma'lum darajada siyqasi chiqqan. Masalan, gapdan tashqarida talaffuz qilingan [*livr*] so'zi o'zining rodini va sonini ko'rsatmaydi (bu bo'lishi mumkin *un livre, une livre, des livres*). Hatto yasama so'zlardagi suffikslar ham otning qaysi rodga mansubligini aniqlik bilan ko'rsatib berolmaydi. Masalan, *-oire* suffiksli otlarning ko'pchiligi jenskiy rodga mansubdir (*une bouilloire, une passoire*), ammo aynan shu suffiksga ega *laboratoire, observatoire, territoire* otlari mujskiy rodga mansub. Boz ustiga *-oire* suffiksi asosan mujskiy rod otlarida uchraydigan *-oir* suffiksdek talaffuz qilinadi (*le couloir, un arrosoir*). Bunday holat otlar mazkur otlarning mujskiy yoki jenskiy rodga mansubligini aniqlash masalasini yanada qiyinlashtiradi.

Rodni ifodalash usullari fransuz tilining yozma va og'zaki shakllarida ko'p jihatlari bilan bir-biridan farq qiladilar. Buni inobatga olgan holda, ularni alohida-alohida ko'rib chiqishni ma'qul topdik.

Fransuz yozma nutqida rodning ifodalanishi. Bu borada miqdor va sifat jihatdan farqlar ko'zga tashlanadi. Eng avvalo, miqdor jihatdan farqlar: yozma nutqda rodni ifodalashning maxsus shakllariga ega bo'lgan ko'pchilik otlar, og'zaki nutqda bu shakllarni yo'qotadilar: *ami- amie* [*ami*]. Sifat jihatdan farqlar bundanda muhimroqdir. Yozma nutqda rod nisbatan umumlashgan ifoda shakliga egadir: jenskiy roddagi otlarning ko'pchiligi, agar ot o'zaro bog'langan mujskiy rod shakliga ega bo'lsa, orfografiyada majburiy bo'lgan *e* bilan tugaydilar. Bu erda jenskiy rod hosil qilishning quyidagi vositalaridan foydalanadilar:

a) etakchi usul–agglyutinatsiya (*e* qo'shish): *assassin - assassine, employé - employée*. Orfografik murakkablashishlar uni davom ettirishi mumkin: oxirgi undoshning juftlashishi (*chat - chatte*), accentning qo'yilishi (*étranger - étrangère*). Agglyutinatsiyaga suffikslardan-esse,-ine: *poète - poétesse; tsar-tсарine* foydalanishni ham, *dindon - dinde* tipidagi qisqartirishni ham kiritish mumkin;

b) fleksiya: suffikslar shaklining (*acteur - actrice*) yoki o'zakshaklining (*roux - rousse; fou - folle*) o'zgarishi;

d) analitik usul–rod ot bilan bog'langan so'zlarning, eng avvalo artiklning shaklida berilgan paytda, otning o'zgarishligi: *le/la secrétaire; un/une élève*. Bunday otlar noms *épiciens* (ikki rodli) deb ataladilar;

e) suppletivizm (har xil o'zakli otlardan foydalanish): *garçon- fille; taureau - vache*.

Og'zaki nutqda rodni ifodalash. Og'zaki nutqda ko'rsatib o'tilgan usullarning solishtirma og'irligi va konkret otlarning u yoki bu tipga mansubligi o'zgaradi. Masalan, *ami - amie* og'zaki shaklda etakchi bo'lgan “*d*” (analitizm) tipiga mansub. *Partisane* shakli *e* agglyutinatsiyasi yo'li bilan yozma nutqdagi partisan shaklidan hosil bo'lgan? Og'zaki nutqda uni ichki fleksiyaga qo'shish kerak (o'zak sadosini o'zgartirish).

Tilning og'zaki shaklida rod ko'rsatgichlari ikkita katta guruhga ajraladi:

I. Rodning ko'rsatgichi, alohida morfemani – rod suffuksini hosil qilgan holda, o'ning o'zagiga kirmaydi. Bu erda uchta tip bo'lishi mumkin: 1) écolier - écolière; 2) poète - poétesse; 3) mulet - mule.

II. Rod ko'rsatgichi alohida suffiksni hosil qilmayda, ammo o'zakning bir qismi yoki fleksiy sifatida qaralishi mumkin (tip chat - chatte). Bu erda uchta holat bir-biridan farq qiladi:

1) mujskiy rod otlari nol tovushda, jenskiy rod otlari esa undosh tovush bilan tugaydi. Fransuz tilida 10 ta undosh tovush jenskiy rod ko'rsatgichi sifatida qatnashadi: [t] avocat- avocate; [d] butor - butorde; [z] époux- épouse; [s] gros - grosse; [□] blanc - blanche; [k] franc - franque; [g] long - longue; [l] soul -soule; [j] gentil - gentille; [v] loup - louve, bailli - baillive.

Bu undoshlarning solishtirma og'irligi bir xil emas. Birinchi uchtasi qo'llaniladigan suffikslar tarkibiga kirgani sababli, ulardan ko'p foydalanadilar, qolganlari faqat bitta juftlik bilan berilgan.

2) Mujskiy va jenskiy rod otlari har xil unlilar bilan tugaydilar. Jenskiy rodga undosh tovushni qo'shish mujskiy rod shaklidagi [e] unlisini o'zgartirish bilan amalga oshiriladi [e] - [er] berger- bergère; [a] - [an] faisan - faisane; [x] - [on] patron - patronne; [m] - [en] musicien - musicienne; [m] - [in] voisin- voisine; [m] -[in] malin - maligne; [o] - [el] jumeau - jumelle; [u] - [ol] fou - folle; [ø] - [ej] vieux - vieille.

3) Mujskiy va jenskiy rod otlari har xil undoshlar bilan tugaydilar. Unlini o'zgartirmasdan oxirgi undoshni o'zgartirish: [f] - [v] veuf- veuve, captif - captive; [k] - [J] sec -sèche; [s] - [j] fils - fille. Ikkala holatda (I va II) ham so'zning undoshli, oxiri jenskiy rod belgisi bo'lmoqda; mujskiy rod ko'pincha unli bilan tugaydi.

Demak, rod kategoriyasini ifodalash usullari fransuz yozma va og'zaki shakllarida miqdor va sifat jihatlari bilan bir-biridan farq qiladi. Yozma nutda rodni ifodalashga ixtisoslashgan ko'pgina maxsus shakllar og'zaki nutqda yo'q bo'lib ketadi va shu bilan birga, sifat o'zgarishlari rang-barang ko'rinishlarda yuzaga chiqadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Damourette J., Pichon. E. Op.cit., t.I, p.368.
2. Bally Ch. Le langage et la vie., 1936;
3. Meillet A. Aspects du français.-P, 1950; Linguistique générale.-P., 1921.
4. Kurylowich J. L'évolution des catégories gram-maticales.- « Diogène » , 1965 , №51, p.62.
5. Mok Q.J.M. Contribution à l'étude de catégories morphologiques du genre et du nombre dans le français parlé actuel.-P., 1968

FIZIK JARAYONLARNI MODELLASHTIRISHGA YANGICHA YONDOSHISH

Aliyeva Maxsuda, Samarqand davlat universiteti, Mexanika-matematika fakulteti.

XXI asr olimlarimizning bashoratiga qaraganda yangi texnologiyalar asri bo'lishi ko'p marotaba aytilmoqda. XX asrda biotexnologiya, yadro energetikasi, lazer texnologiyasi va tranzistorlar kashf qilingan bo'lsa, jahon hamjamiyatimizdagi tub uzgarishlar fan, texnika va ishlab chiqarishning entegratsiyasi tufayli misli ko'rilmagan o'zgarishlar ro'y bermoqda. Ayniqsa, fizika va matematika uslublarini barcha fanlar bilan chambarchas bog'lanib ketayotga bir paytda axborot texnologiyalari jamiyatning jadal revojlantirishiga ta'sir etuvchi eng muhim omildir. XXI asrda butunlay yangi tipdagi texnologiyalar: gen muhandisligi – biotexnologiya, nanotexnologiya va informatsion texnologiya, robototexnologiya va fizik vaakum prinsipiga asoslantirilgan torsion texnologiyalar yanada chuqur o'rganilib takomillashtiriladi.

Hozirgi zamon fan va texnika tuzilishi, tarmoqlanishi va sodir bo'layotgan innavatsion o'zgarishlar jihatdan murakkab ijtimoiy, ruhiy-ma'naviy va texnologik ishlab chiqarishda qaysi jabhani olmaylik, uning revojlantirishiga albatta axborot texnologiyalari ta'sir qiladi. Xususan, o'quv jarayonida axborot texnologiyalarining qullanishi juda yaxshi samara beradi. Bu o'z navbatida talabalar o'rganayotgan jarayonni be'malol ko'rish va tasavur qilish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Barcha texnik va fizik jarayonlarni komp'yuter ekranida tasvirlash uhun uning modelini tuzish kerak bo'ladi, undan keyin dasturli ta'minotda tasvirlash mumkin.

Model so'zi lotincha so'z bo'lib, **moduls** ya'ni o'lchov, me'yor degan ma'noni bildirib, biror ob'ektning namunasidir. Masalan, xarita - erning modeli, rasm-tabi'atning modeli. Tuzilgan model taqribiy ko'rinishda bajariladi. Chunki tajriba o'tkazishda olinadigan natija ishlatilayotgan asbobning aniqligiga ham bolliqdir. Shunday qilib, model bir obe'ktlar sistemasining xususiyatlari, o'lchovlari, me'yorlarini o'zida mujassamlashtiradi.

Fizik hodisa va jarayonlarni o'rganishda, ularda mavjud predmet va hodisalarning modellarini yasash va o'rganish **modellash** deyiladi.

Fizik model bu - Olinayotgan jarayonning geometrik tuzilishi va tabiati asl nusxasidek, ammo uning miqdori (o'lchami, tezligi) jihatidan farq qiladigan modeldir

Matematik model o'rganilayotgan hodisalarning tuzilishi, ob'ektlarining o'zaro aloqasi, bajarish vazifasiga oid qonunlar matematik va mantiqiy-matematik tavsiflar asosida, tajriba natijasiga ko'ra tuzilgan modelga aytiladi.

Fizik jarayonlarni matematik modellari tuzilib, tuzilgan model komp'yuterda o'rganish fizik jarayonning xarakterini oldindan aytib berish mumkin bo'ladi. Shuni takidlash kerakki jarayonni tajriba yo'li bilan tashkil qilish va o'tkazish ba'zan ancha qiyinchilik tug'diradi. Jarayonning matematik model' yordamida o'rganish ancha engillik yaratadi. Aniq fanlardagi turli amaliy masalalarni echishda matematik modellashtirishdan foydalanish ancha qo'l keladi. Tekshirilayotgan masalani xarakterlaydigan kattaliklarni miqdor jihatdan ifodalash, so'ngra bog'liqligini o'rganish imkoniyatini matematik modellashtirish metodi beradi. Masalaning modelni tuzilib so'ngra dasturli ta'minotda dasturni tuziladi.

Masalalarni komp'yuterda echish bir necha bosqichdan iborat buladi.


1. Masalaning qo'yilish va maqsadning aniqlanishi (fizik model').
2. Masalani matematik ifodalash (matematik model').
3. Masalaning echish uslubini ishlab chiqish. Sonli usullarni tanlash.
4. Masalani echish algoritmini ishlab chiqish.
5. Dasturlash va sozlash
6. Olingan natijalarni tahlil qilish va izohlash.

Biz bir o'lchamli harakat masalalar matematik modellashtirib dastur va echimlarini eng zamonaviy komp'yuterlarda asosiy ish matematik modellashtirishga qaratdik. Unda fizik masalalarni modellashtirish masalasi qaraldi.

Fizik jarayonlarni modellashtirish.

Axborot texnologiyalari axborotni yig'ish, yig'ilganlarini saqlash, biror joyga o'zatis kerak bo'lsa, kodlash vazifalarini bajaradi. Kodlanib jo'natilgan ma'lumotlar qayta ishlanib amaliyotga taqbiq qilinadi. Bu jarayonlarni bajarishda axborot texnologiyalari texnik vositaga, dastur muhitiga va algoritmlar muhitiga ega bo'ladi.

Agar biror jarayoni sxematik komp'yuterda tasvirlaydigan bo'lsak, u holda quyidagicha bo'ladi:



Ta'lim sifatini yaxshilashda axborot texnologiyasining ro'li muhimdir. O'tilayotgan darsda axborot texnologiyasidan foydalanish ancha samarali, foydali va tushunarli bo'ladi.

Masalan: fizika yoki ximiya fanlaridan laboratoriya darslarini olib qaraylik. Diffuziya hodisasini qaraylik, bunda bir moddaning ikkinchi moddaga aralashirishi vaqtida kuzatayotgan talaba vaqtdan yutqazadi. O'sha ketgan vaqtda qancha kitob sahifalarini o'qishi mumkin edi.

Ikkinchi bir tomondan qaraydigan bo'lsak, jarayonni tekshirishda ketgan issiqlik energiyasi, to'k, moddalar hammasi hozirgi bozor iqtisodiyoti sharoitida katta baholanadi. Yana bir tomondan olib qaraydigan bo'lsak, talaba jarayonni shuncha vaqt sarflab bir marta ko'radi.

Agar bu ko'rilayotgan jarayoni modellashtirib, komp'yuterda elektron versiyasi yaratilsa talaba bu jarayonni qayta ko'raverishi mumkin. Jarayonni tekshirishda vaqt, energiya sarflamaydi. Bu esa talaba jarayonni tushunishi va tasavvur qilishi ancha tez bo'ladi. Shuning uchun darslarni avtomatlashtirish katta ijobiy natijalar beradi.

O'qitishda axborot texnologiyalaridan foydalanishda quyidagilarni e'tiborga olish kerak bo'ladi:

- Sohada bilim berishda axborotlashtirishni rivojlantirish, loyihalash va yaratish.
- loyihalash va rivojlantirishda axborot bazasini yaratish.
- Komp'yuter, axborot texnologiyalarining boshqa qurilmalari, ularga xizmat ko'rsatish uchun kerakli axborotlar to'plash.
- Dasturiy ta'limotlar kerak.

Axborot texnologiyalarida muayyan jarayonni modellashtirish va modellashtirish yordamida tuzilgan algoritmlarni amalga oshirish uchun quyidagilar kerak bo'ladi:

- komp'yuter va uning tashqi qurilmalari (printer, modem, mikrofon, ovoz eshitish qurilmasi. Skaner. Mulptimedia proektor, raqamli videokamera va boshqalar).
- Dasturiy ta'minot (matnlarni taxrirlash dasturi, grafikli dasturlar, Math CAD, Rlus 6.0, mul'tmedia dasturlari va hokozolar).
- Axborotlar to'plami (virtual muzeylar, virtual entsiklopediyalar va boshqalar).

Axborot texnologiyasida axborotlashtirish jarayoni iqtisodning o'sishiga va fan texnika taraqqiyotining jadallashiga xizmat qiladi.

Axborot texnologiyalar borgan sari turmushning har bir sohasiga kirib bormoqda, ya'ni hozirgi vaqtda axborotlarni doimo saqlab turadi, bu esa agar axborotlar to'plashidan foydalanilmoqchi bo'lsa, vaqtni tejab yana qayta yig'masdan foydalanaverish mumkin.

Axborot texnologiyalari ratsionallashtiruvchi, ma'lumotlar almashinish avtomatlashtirilgan. Masalan, poezdlarga chipta buyurtma berish, mehmonxona, hisob-kitob tizimlarida axborot texnologiyalaridan foydalanish tushuniladi.

Axborot texnologiyalari yaratuvchi, ya'ni axborot texnologiyalaridan foydalanish ishlab chiqarishning asosiy negizi bo'lib qolmoqda. Shu bilan axborot texnologiyalari ta'lim-tarbiya jarayonida ham keng qo'llanilmoqda. Bu esa komp'yuterdan ko'rgazmali qurol sifatida foydalanilmoqda, talablarning ilmiy izlanishlarini tashkillashtirmoqda, talablar bo'sh vaqtlaridan to'g'ri foydalanishga keng yo'l ochib berilmoqda.

Bizning Samarqand davlat universitetimizda xam fizika fakultetida o'qitishni yangicha usullari uslubiyatlari chuqur o'rganilib, talabalarni barcha coxalarda bilimlarini mustaxkamlashda juda yaxshi va qulay dasturlar va uslublar ishlab chiqilayapdi.

Kelajakda bu yondoshishlar O'zbekiston respublikasining mavqeini oshirishga xizmat qiladi deb umid qilaman.

SO'Z YASALISHI

SamDAQI O'qituvchisi S.S. Bo'riyeva

So'z yasalishi tilda bor bo'lgan materiallar va imkoniyatlar asosida yangi so'zlar hosil qilishi lug'at sostavining boishida asosiy yo'llardandir.

Ma'lum konkret tilining lug'at sostavining boytishning asosiy ichki usullaridan biri so'z yasalishidir.

O'zbek tilshunosligida ayniqsa so'ngi 30-40 yil ichida so'z yasalishi sohasida juda ko'p ishlar qilindi. Ma'lumki til faktlari o'rganilganda tarixiy faktlar bilan hozirgi tilga oid faktlar farqlanadi. O'z-o'zidan so'z yasalishi bahsida ham xuddi shunday qilinadi bu ish ana shunday so'z yasalishiga – hozirgi ingliz va o'zbek tillirida so'z yasalishiga bag'ishlangan.

So'z yasalishi tilshunoslikning diyarli hamma yuristlariga aloqadorligini aytib o'tish kerak. Masalan ma'nolarini kengaytirish konversiya, abbrivatura masalalari ko'proq leksikologiyada chuquroq o'rganilsa, kompozisiya, reduplikatsiya, forma yamovchi morfimalarga o'tishi, so'z yasashning so'z turkumlari bilan aloqalari masalalari ko'proq grammatikada o'rganiladi. Affikatsiya ham grammatika, ham liksikologiyaga teng aloqadordir. So'zlarning urg'usini o'zgartirish yo'li bilan yangi so'z yasash yarim tovushlarni o'zgartirib so'z yasash esa ko'proq fonetika bilan bog'liq.

Tilshunoslikning turli yaruslari bilan aloqasiga tayanib soʻz yasalishi usullarini belgilash taxminan quyidagicha boʻlishi mumkin:

1. Leksik – morfologik usul (affiksatsiya, konversiya) ;
2. Leksik – sintaktik usuli(kompozitsiya, reduplikatsiya);
3. Leksik usul(abbreviatura, maʼnolarini kengaytirish , koʻchma maʼno berish orqali soʻz yasalishi);
4. Leksik – fonetik usul(urgʻularni oʻzgartirish, ayrim tovushlarni oʻzgartirish va boshqalar).

Soʻz yasalishi, u bilan bogʻliq boʻlgan hodisalar shuningdek soʻz yasalishi bahsining predmeti aniq boʻlsada, lekin bu sohaning boshqa sohaga tilshunoslikning boshqa boʻlimlarga munosabati, uning tilshunoslikdagi oʻrni masalasida hanuz bir fikrga kelgan emas.Koʻpchilik ishlarda soʻz yasalishi grammatikaning bir qismi sifatida talqin etilgan holda, ayrim ishlarda leksikologiyada beriladi, hatto soʻz yasalishining mutlaqo leksikologiyaga mansubligi taʼkidlanadi.

Soʻnggi yillarga qadar rus tilshunosligida, shuningdek, turkologiyada ham soʻz yasalishi va u bilan bogʻliq boʻlgan barcha hodisalar grammatikaning morfologiya bahsida oʻrganib kelinar edi, yaʼni soʻz yasalishi morfologik hodisa sifatida qaralib, grammatikaning shu boʻlimiga kiritiladi, shu boʻlimda oʻrganilar edi. Aniqrogʻi yasama soʻzlarning asosiy qismi affiksalar yordamida yasalgan soʻzlar boʻlgani , soʻz yasalishining asosiy usuli affiksatsiya usuli(affiksalar morfema yordamida soʻz yasalishi) boʻlganidan soʻz yasalishi hodisasi morfologik hodisa deb qaralardi va u morfologiyada oʻrganilar edi. Soʻnggi yillarda esa, hodisalarning mohiyati chuqurroq yoritilishi munosabati bilan, soʻz yasalishi tilshunoslikning (fonetika, leksikologiya va boshqa sohalar kabi) oʻziga xos alohida tekshirish obʼektiga ega boʻlgan mustaqil sohasi ekanligini isbot etildi va u deyarli koʻpchilik mutaxassislar tomonidan eʼtirof etildi. Buning oqibatida morfologiya va soʻz yasalishi bahsiga oid koʻpgina tortishuvli masalalarning toʻgʻri hal etilishiga, notoʻgʻri nuqtai nazarlarning bartaraf etilishiga imkon tugʻildi.Biroq shunga qaramay, soʻz yasalishi va uning tilshunoslikning boshqa sohalariga boʻlgan munosabati masalasida hanuz qatʼiy bir fikrga kelingan emas. Bu haqida gap borganda, avvalo, soʻz yasalishining grammatika va leksikologiya bilan munosabati masalasiga qisqa toʻxtab oʻtishga toʻgʻri keladi.

Tilshunoslikning soʻnggi yutuqlari asosida yaratilgan”Russkaya grammatika” asarida soʻz yasalishi tilshunoslikning alohida sohasi ekani qayd etiladi va mustaqil soha sifatida beriladi. Biroq shu bilan birga, u grammatikaning (morfologiya, sintaksis kabi) bir qismi deb koʻrsatiladi. Bu asarning “Kirish” qismida, jumladan, quyidagilarni oʻqiyviz:”Grammatik qurilish(til grammatikasi) har biri oʻzida Grammatik vositalarni birlashtirgan bir qator sistemalarning birligidan iborat boʻladi, soʻz yasalishi, morfologiya va sintaksis grammatikaning ana shunday sistemalari hisoblanadi”.

Bunday fikr, yaʼni soʻz yasalishi grammatikaning morfologiya va sintaksis kabi mustaqil boʻlimi ekani A.Shaxmatov tomonidan ham aytilgan edi. Biroq akademik V.Vinogradovning koʻrsatishicha, A.Shaxmatov soʻz yasalishini grammatika yoki leksikologiyaga kiritish masalasida ikkilangan, aniq bir fikrga kelmagan.Soʻz yasalishi baʼzan unga tilshunoslikning grammatika va leksikologiya bilan uzviy aloqada boʻlgan alohida soha boʻlib tuyulgan.

Soʻz yasalishining leksikologiya yaqinligi va uning leksikologiya bahsiga mansubligi haqida gapirganda, soʻz yasalishi natijasida hosil boʻladigan birlikning leksik birlik, leksema boʻlishi va bu birlik leksikologiyaning oʻrganish obʼekti ekani nazarda tutiladi. Lekin bu fakt soʻz yasalishining leksikologiyaga yaqinligiga ham asos boʻla olmaydi. Shu sababli soʻnggi yillarda yaratilgan ishlarda soʻz yasalishi leksikologiya bahsiga mansub degan qarash uchramaydi. Soz yasalishini morfologiyaga yaqinlashtirish, morfologiyaga bogʻlash, uni morfologiya bahsiga kiritishning sababi soʻz yasalishining asosiy usuli affiksatsiya usuli boʻlib, bunda yasovchi material sifatida morfema qoʻllanishi morfemani esa morfologik birlik deb qarashdadir.

Soʻz yasalishining morfemalar bilan ish koʻrishi sababli morfologiyaga aloqadorligi, lekin bundan qatʼiy nazar, ularning har biri oʻz vazifasi, tekshirish obʼekti, metodiga ega boʻlgan sohalar ekani ayrim ishlarda aniq qayd etilgan.

“Soʻz yasalishi grammatika bilan, aniqrogʻi, soʻzning morfem sostavi muammolari bilan bogʻlangan boʻlsa-da, oʻrganish obʼekti jihatdan ham, tadqiq etish metodi jihatdan ham morfologiyadan farq qiladi .Vazifasining har xilligi soʻzlarning morfem va soʻz yasalishining tahlil etish yoʻllarining printsipal farqini belgilaydi. Shunga koʻra , morfem va soʻz yasalishining tahlilini asosiy birliklari ham boshqa – boshqa boʻladi”. Bu qarashda, garchi soʻzning morfologik va morfem analizi bir xil deb tushunilsa ham, lekin morfologiya bilan soʻz yasalishining oʻzicha mustaqil soha ekanligi toʻgʻri koʻrsatilgan.

Soʻz yasalishini morfologiyaga kiritmaslikka, undan alohida soha sifatida ajratishga hech qanday eʼtiroz boʻlishi mumkin emas. Chunki morfologiya soʻz turkumlari, bu turkumlarga xos Grammatik

kategoriyalar va Grammatik formalarni o'rganuvchi soha deb tan olinar ekan, so'z yasashini bu bo'limga kiritish mumkin emas.

Demak, so'z yasashini o'ziga mustaqil soha deb tan olgan holda, uni yana grammatikaga kiritish – grammatikaning morfologiya, sintaksis kabi alohida sistemasi deb ta'riflashga kelganda shuni aytish kerakki, bunda ham so'z yasashini asosiy usuli affiksatsiya usuli ekani, bu usulda morfemalar material bo'lib xizmat qilishi, so'z yasash vositalari Grammatik vositalar ekani nazarda tutiladi. Buni V.Lopatinning quyidagi tarifidan ham ko'rish mumkin: "Rus lingvistik an'alariga ko'ra, so'z yasashiga Grammatik jihatdan yondashish harakterli; bunda so'z yasashi grammatikaning bir qismi deb so'z yasash vositalari esa grammatik vositalar deb qaraladi".

Hozirgi o'zbek adabiy tilida ot yasovchi affiksatsiya anchagina. Lekin ularning hozirgi so'z yasashidagi ishtiroki bir xil emas. Ayrim affikslar yordamida ko'plab otlar yasalayotgan bo'lsa, ba'zilari esa sanoqli miqdordagi otlarni yasaydi.

Hozirgi zamon ingliz tilida so'z va so'zning tuzilishi bir xil ifodalanadi. Boshqacha qilib aytganda, ingliz tilida so'zlar o'zak(root) va negizdan(stem) tashkil topsada, aslida negiz va so'z bir-biri bilan moslashadi.

Demak, so'z yasashi nafaqat morfologiya bahsida balki boshqa (fonetika, leksikologiya) sohalarida ham o'rganilar ekan. So'z yasashi jamiyat o'zgarishi, taraqqiy etishi bilan o'zgarib yangilanib boradi va tilimizga yangi so'zlar kirib kelishida muhim rol o'ynaydi.

TALABALARNI TA'LIM OLISHGA MOTIVLASH

Fatxullaev F., SamDAQI

Insonning ixtiyoriy xatti-harakatini o'z motivi bordir. Har birimiz har xil maqsadlarga har xil usullar bilan intilamiz, lekin faol fe'l-atvorimizni shakllantiruvchi mexanizmimiz o'xshashdir. Shuning uchun, oliy o'quv yurtiga kirgan yoki kirmoqchi bo'lgan shaxs, ongli yoki ongsiz (ya'ni intuitiv –sezgiga asoslangan) ravishda o'zining motivlariga ega bo'ladi. Endi talabalar uchun motivlash qanday bo'lishligini aniqlash maqsadida "Motivlash nima?"-savoliga javob axtaramiz. Psixologiyada bu terminga quyidagicha ta'rif berilgan: Motivlash –bu xohish bo'lib, shaxsni faolikka undovchi va uning yo'nalishini aniqlab beradi. Bu ta'rif quyidagi 3 turdagi mustaqil psixologik voqelikni o'zida birlashtiradi:

- 1) paydo bo'lgan ehtiyojlarni qondiruvchi shaxs sifatida;
- 2) fe'l-atvorning tayin yo'nalishini tanlash sababchisi sifatida;
- 3) shaxsni o'z faoliyati ustidan nazorat qiladigan vosita sifatida bo'lgan.

Yuqoridagilardan, anglaymizki motivlash bilan bog'langan eng asosiy tushunchalardan birinchisi, bu ehtiyojlardir, ya'ni biror narsaga ehtiyoj sezish holati. Ixtiyoriy motivlash shaxsning ehtiyojlaridan kelib chiqadi va ularni qondirishga yo'nalgan bo'ladi. Barcha ehtiyojlarni 2 kategoriyaga (toifaga) ajratish mumkin: birlamchi va ikkilamchi. Birlamchi toifaga organik ehtiyojlar kiradi: ozuqa, uyqu va h.k., ikkilamchi toifaga esa: moddiy, ijtimoiy va ruhiy (o'zini anglashlik, o'z g'oyasini ifodalashlik va h.k). Motivlashning keyingi bo'g'ini xohishdir, ya'ni o'zining ehtiyojlarini qondirish istagida axloqiy faollikning namoyon bo'lishi. Axloqiy faollik o'ziga xos yo'nalishga ega va bu yo'nalish bir maqsadni ko'zlaydi, ya'ni fahmlangan natija, yo to'lig'icha, yo qisman qondiriladi, yo umuman qondirilmaydi.

Aytilganlarga asosan xulosa qiladigan bo'lsak, motivlar ularda joylashgan ehtiyojlarning turiga qarab bir- biridan farq qilar ekan va bu ehtiyojlarni biror shakldan iborat desak, ular kengayadi yoki torayadi, shuningdek ular faoliyatning muayyan mazmuni holda amalga oshadi. Faoliyatning murakkab turida bir emas, balkim bir nechta motivlar bir vaqtda harakatlanishi va o'zaro bog'langan holda bo'lishi kuzatilib, ular inson faoliyati va xatti-harakatlari uchun motivlashning tarmoqlangan sistemasini tashkil etadi. O'quv jarayoni ham murakkab faoliyatlar turiga kiradi. Shuning uchun unda motivlar juda ko'p kutiladi va ular alohida har bir shaxsda namoyon bo'lishi, yoki murakkab motivli sistemalarni tashkil etib, yaxlit birikkan holda ham bo'lishi mumkin. Uzoq vaqt talabalarni motivlashga yetarlicha e'tibor qaratilmagan edi. Vaholanki, motivlash ta'lim jarayonini va ko'p yillik ma'ruza, amaliyot darslari natijalarini yaxshilaydigan eng samarali usullardan biridir. Motivlar ta'lim jarayonida va materiallarni (ma'lumotlarni) o'zlashtirishda harakatlantiruvchi kuch holda namoyon bo'ladi.

Yuqorida aytib o'tilganlardan xulosa shuki, matematika darslarini yangi pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etishda o'qituvchidan bu fanning o'ziga xos jihatlarini e'tiborga olishni ta'lab etadi.

Ma'lumki, ta'lim maqsadlari ta'limiy, rivojlantiruvchi va tarbiyaviy maqsadlardan tashkil topgan bo'lib, ulardan ta'limiy maqsadlarda talabalarda bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish nazarda tutiladi. Yuqorida aytilgan maqsadga erishishda ta'lim mazmunini tanlash, uni o'quvchilarga o'rgatish vositalari,

shakli va usullari muhim ahamiyatga ega. Bunda o'qitishning asosiy maqsadiga erishish, o'rganish uchun sarflanadigan vaqtni tejash, iqtisod qilish albatta ko'zda tutilishi lozim [1].

Bugungi kunda qurilish sohalarining barcha yo'nalishlarida algoritmlash asoslaridan keng foydalanish mumkin va buni talabalarga amaliy ish va laboratoriya topshiriqlarini bajarishda, ularni hisoblash usullarini dasturlash turlarini o'rgatish mumkin. Ushbu dasturlardan biri bo'lgan Microsoft Excel dasturidan foydalangan holda qurilish materiallari va materiallar qarshiligi sohalarida, materialning laboratoriya jarayonida o'tkaziladigan sinovi ishlari bo'yicha, tayyorlangan balka materiali namunalarning egilishga, siqilishga, cho'zilishga bo'lgan mustahkamlik chegaralarini hisoblash va dasturda uning ko'rsatkichlarini dekart koordinatalari sistemasida grafik ko'rinishda tasvirlash amallari bajariladi. Ekstremumga oid masalalar va funksiyani to'liq tekshirish, grafigini yasashda ham Microsoft Excel dasturidan unumli foydalanish mumkin bo'ladi [2]. Bu dasturning barcha zamonaviy kompyuterlar (noutbuklar)da mavjudligi, ulardan foydalanishda muammolar tug'dirmaydi hamda iqtisodiy tomondan samaralidir.

HUDUDLAR VA AHOLINI EPIZOOTIK VA EPIFITOTIK VAZIYATLARDAN MUHOFAZA QILISHNI TASHKIL ETISH

SamDChTI o'qituvchisi: I.N. Xolmurodov

Hayvonlar yuqumli kasalliklarining tarqalishi epizootiya, panzootiya va enzootiya shaklida yuz beradi.

Epizootiya- aniq bir hududda bir yoki ko'p turdagi qishloq xo'jalik hayvonlari o'rtasida kasallikning odatda ushbu hududda qayd qilinadigan darajasidan anchagina katta bo'lgan darajada vaqt va fazoda bir vaqtda rivojlanadigan yuqumli kasallikning tarqalishi.

Panzootiya- qishloq xo'jaligi hayvonlari yuqumli kasalligining katta hududda butun bir mintaqada, bir necha mamlakat va materiklarni qamrab olgan holda bir vaqtda ommaviy tarqalishi.

Enzootiya- tabiiy va xo'jalik iqtisodiy sharoitlari kasallikning hamma yoqqa tarqalishiga yo'l qo'ymaydigan aniq bir joy, xo'jalik yoki aholi yashash joylarida qishloq xo'jalik hayvonlari o'rtasida bir vaqtda tarqalishi.

Hayvonlarning barcha yuqumli kasalliklari 5 guruhga bo'linadi:

1. Alimantar infeksiyalar. Tuproq, yem, suv orqali o'tadi. Ovqat hazm qilish tizimi zararlanadi. Bunday infeksiyalarga kuydirgi, oqsim, manqan, bruselles kiradi.
2. Resperator infeksiyalar. Nafas olish yo'llari shilliq pardalari va o'pkaning zararlanishi. Infeksiya asosan havo-tomchi yo'li bilan yuqadi. Ushbu kasalliklarga paragrip, ekzotik zotiljam, qo'y va echki chechagi, go'shtxo'r hayvonlar vabosi kiradi.
3. Transmissiv infeksiyalar. Qon so'ruvchi bo'g'imoyoqlar yordamida o'tadi. Qo'zg'atuvchilari doimo yoki alohida davrlarda qonda bo'ladi. Bu kasalliklarga insifalomilit, tuliaremiya otlarning yuqumli animiyasi taaluqlidir.

Qo'zg'atuvchilari teri orqali vositachilar ishtirokisiz o'tadigan infeksiyalar. Qoqshol, quturish, sigir chechagi ushbu kasalliklar sirasiga kiradi.

4. Aniqlanmagan yo'l bilan zararlaydigan infeksiyalar. O'ta xavfli infeksiyalar epozateyasining shakllanish manbaalari sel oqimlari, suv toshqinlari, davlat veterinariya xizmati bilan kelishmay turib ishlarni olib borish, chetdan olib kiriladigan hayvonlar, oziq-ovqat mahsulotlari, yem va boshqa vositalar, chetdan uchib keluvchi yovvoyi parrandalar to'planadigan joylar, o'ta xavfli kasalliklar o'choqlari mavjud joylarda kemiruvchilar va hasharotlar sonining ortishi va biologik terrorizm bo'lishi mumkin.

Hayvonlarning xavfli yuqumli kasalliklariga misollar:

Oqsim- juft tuyoqli uy va yovvoyi hayvonlarning virusli kasalligi. Kasallik hayvonlar orasida enzootiya, epizootiya, panzootiya holda tarqalib, qisqa muddat ichida bir necha hududlarga tarqalish xususiyatiga ega.

Cho'chqalarning klassik vabosi- virusli kasallik. U bilan faqat uy va yovvoyi cho'chqalar kasallanadi. Infeksiya manbalari- kasallangan va kasal bo'lib o'tgan cho'chqalar. Vabo yilning ixtiyoriy vaqtida, ko'proq kuzda uchraydi. Davolash usullari ishlab chiqilmagan. shu sababli kasallangan hayvon zudlik bilan o'ldirilib yoqib yuboriladi.

Qushlarning psevdovabosi- tog'simonlar oilasiga mansub qushlarning virusli kasalligi. Nafas olish ovqat hazm qilish organlari, markaziy nerv sistemasining zararlanishi bilan namoyon bo'ladi. Kasallik manbai-viruslarning barcha ajratmalari, tuxumi va nafasi bilan ajratuvchi kasal yoki kasal bo'lib o'tgan qushlar. Inkubatsiya davri 24 s. zararlanish ko'proq yem, suv, havo orqali, odatda kuz, yoz davrlarida yuz beradi. O'lim ko'rsatgichi 60-90% ni tashkil etadi. Odatda qushlarni davolanmay o'ldiriladi va yoqib yuboriladi.

Yuqumli gepatit- it va boshqa go'shtxo'r (tulki , bo'ri)larning virusli kasalligi. Bezgak , shilliq pardalarning shamollashi va jigarning zararlanishi bilan tavsiflanadi.

Qora oqsoq (brusselles)- uy va ayrim yovvoyi hayvonlarning yuqumli kasalligi. Odam uchun xavfli. It va mushuklar brussella (melitinez,abortus,ovis va b.) ning ixtiyoriy turidan zararlanishi mumkin. Hayvonlar kasal sigir , qo'y , cho'chqalarning go'shti va sutini iste'mol qilganda yuz beradi.

Qoqshol- hayvonlarning ko'plab turlari va odamda uchraydigan yarali bakteriyai kasallik. Mushaklarning sapazmatik qisqarishi bilan namoyon bo'ladi.

Manqa kasalligi (sap) – ushbu zoonoz kasallikni manqa tayoqchasi qo'zg'atadi. Manqaning o'tkir va surunkali xillari bor. U eshak, tuya,zebra va yirtqich hayvonlarda uchraydi.

Qutirish-hayvonlarning ko'plab turlari, ayniqsa it, tulki va boshqalarning o'tkir virusli kasalligi. Markaziy nerv tizimining og'ir zararlanishi bilan tavsiflanadi va inson uchun o'ta xavfli hisoblanadi. Hayvon tishlab olganda, hayvon so'lagining boshqa hayvonlar va odam organizmiga tushishidan yuqadi. Odamlarda qutirish kasalligi itlarning tishlashi natijasida kelib chiqishini birinchi marta Aristotel aniqlagan.

Bundan tashqari hayvonlar sil , salmonellez , kalibakterioz, kalmara (parsha) va boshqa kasalliklar bilan og'riydi. Hayvonlarda bit, burga kabi parazit hasharotlar ham uchraydi.

O'simliklar kasalligi- fitopatogen yoki muhitning noxush sharoitlari ta'sirida o'simliklar hosildorligining pasayishiga yoki nobud bo'lishiga olib keluvchi hujayralar, o'simlik organlari va butun o'simlikdagi me'yordagi moddalar almashinuvining buzilishi.

Zararkunanda – qishloq xo'jaligi o'simliklariga va ularning hosiliga zarar yetkazadigan jonivorlar va hasharotlar.

Fitopatogen –o'simlik kasalligi qo'zg'atuvchisi. Moddalar almashinuviga halokatli ta'sir qiluvchi biologik faol modda ajratib, ildiz tizimini zararlaydi, to'yimli moddalar kirishiga xalaqit beradi. O'simliklarning fitopatogenga ta'sirchanligi navlarning barqarorligi, zararlanish vaqti va ob-havoga bog'liq. O'simliklar kasalliklari va zararkunandalarning tarqalishi epifitotiya , infitotiya va panfitotiya tarzida yuz beradi.

Efipitotiya- qishloq xo'jaligi ekinlarining ommaviy nobud bo'lishi va hosildorlikning pasayishi bilan kechuvchi vaqt va fazoda rivojlanuvchi ommaviy kasallik va o'simlik zararkunandalari sonining keskin ko'payishi.

Infitotiya-tabiiy va xo'jalik iqtisodiy sharoitlari ushbu kasallikning har tomonga tarqalishiga yo'l qo'ymaydigan aniq joy,xo'jalik, aholi yashash joyida qishloq xo'jaligi o'simliklari o'rtasida yuqumli kasallikning bir vaqtda tarqalishi.

Panfitotiya- bir necha mamlakat yoki qit'a hududida o'simliklarning ommaviy kasallanishi va qishloq xo'jaligi o'simliklari zararkunandalarning keskin ko'payishi .

Kartoshka fitoftorosi- zararli kasallik. Tugunaklar hosil bo'lishi davrida ko'chatlarning bevaqt nobud bo'lishi va ommaviy chirib ketishi tufayli hosil miqdori kamayib ketadi. Gullash davrida butalarda to'q qora jigarrang yoki kulrangsimon yog'li dog'lar paydo bo'ladi. Zararlangan barglarning orqa tomoni oq rangli karash hosil bo'ladi. Yomg'irli havoda kasallik tez tarqaladi va bir necha kun ichida barcha ko'chatlarni shikastlaydi. Kasallik odatda yozning ikkinchi qismida kuzatiladi. Hosildorlik 15-20 % va undan ko'proq yo'qotilishi mumkin.

Kolorado qo'ng'izi- zararkunanda. Uning o'lchami 9-11 mm bahorda tuproq ostidan chiqadi. Urg'ochisi zarg'aldoq – og'alsimon uzunligi 2-4 mm li tuxum qo'yadi. Tuxumlarni kartoshka bargining orqa tomoniga 18-20 qadam birlashtiradi. G'umbaklar 24 kun rivojlanadi. Bir yil davomida 1 tadan 4 tagacha avlod qoldiradi. Natijada, hosildorlik keskin kamayib ketadi.

Kartoshka parvonasi-yoygan qanotlari 28-40 mm ga yetadigan kapalak . nam maydonlarda tarqaladi. Kapalak o'simlik poyasida tuxum qo'yishidan o'simlik nobud bo'ladi. Meva bog'larida olma qurti , shira, qalqandorlar uchraydi. Olma qurti urug'i mevali daraxtlarga jiddiy zarar yetkazadi. Unga qarshi kurashish uchun kuzda va bahorda daraxtlarning qurigan po'stloqlari shohlari qirqilib shaklga keladi. Qator oralarga ishlov berib begona o'tlar va o'simlik qoldiqlaridan olinadi.

Bahor oylarida bog'larida kalmaraz (parsha), un-shudring kabi kasalliklar rivojlanib zarar keltirishi uchun qulay sharoit yuzaga keladi. Danakli meva daraxtlarida esa klyasteriosporioz (teshikli dog'lanish) va barg buralishi kasalliklari hosilga jiddiy zarar yetkazadi.

Polizchilikda qovun pashshasi xorazm va qoraqalpoqda uchraydi. U Koson, Afg'oniston, Pokiston , Eron , Hindiston va Kavkazda ko'proq uchraydi, qovun , tarvuz , bodring va oshqovoqlarni zararlaydi.

Hayvonlar va o'simliklarning ommaviy kasallanish hollari boshqa favqulotda vaziyatlarda son jihati bilan ajralib turadi. Keyingi paytlarda Respublikamizda ushbu favqulotda vaziyatlarning yuz berish ehtimolligi oshib ketayotganligi ulardan muhofazalanish tadbirlariga jiddiy e'tibor qaratish lozimligini ko'rsatadi.

INNOVATIVE METHODS IN TEACHING ENGLISH TO STUDENTS OF HIGHER EDUCATION

Шарунов Ф. А. (ЖДПИИ)

English has become the most commonly learned second language in the world, and due to increasing globalization there is a large need for people who can communicate in multiple languages. Areas such as politics, trade, tourism, international relations, technology, mass media, and science use common language to communicate. Knowledge of foreign languages is one of the most important requirements for the level and quality of any specialist and the professional field. In recent years, more issues are dedicated to the use of new information technologies in teaching foreign languages. It is not only desktop computers, but also overhead projects, interactive whiteboards and wireless internet can be fully used to support the process of English language learning. Indeed, cognitive research has shown that the human brain processes words, and images are more likely than text to remain in our long time memory (Levie and Lentz 1982).

In the 21 century the range of technologies are available for use in language learning, and teaching has become very diverse. The intensification and modernization of education requires the introduction of innovative technologies that aim to educate a person in the creative intellectual and emotional way. In the past, technology has been used to source and consume information, whereas today's learners have become particularly adept at creating and collaboratively developing content for a wide variety of purposes. Nowadays most of the English language learners are becoming increasingly interested in the concept of 'content creation' - the process of gathering information relevant to a particular topic or area of interest and sharing it with peers.

Since one of the effective ways to activate students in learning foreign languages is the design (project method) where students independently plan, create and protect their projects, and they are actively involved in the process of communication. Project work in the classroom, is related to a Task Based Learning (TBL), which evolved from Communicative Language Teaching (CLT), and is encourages learners to work cooperatively in groups to solve a dilemma or problem. The focus on delivering a solution will inspire learners to use English when focusing on the 'task' at hand.

Students love sharing their knowledge about a favorite life experience or their hobbies. They also enjoy playing around with traditional or familiar stories as well as inventing their own. It can be very motivating for learners to be responsible for creating and publishing their own digital texts, as this requires them to use language for specific purpose and audience: for example authoring for peers or younger children. For language learners effective classroom strategies have traditionally involved use of songs, rhymes and traditional stories with repeated language structures. The internet can be a rich source of authentic oral models via recorded talking electronic books, podcasts and video clips that can help students with pronunciation as well as acquisition and reinforcement of new vocabulary. Technology also affords learners the opportunity to record themselves and present them to peers. The recordings will be available for playback at any time.

The main objectives of the project methodology are:

- self-expression and self-improvement of students, increasing the motivation of learning, the formation of cognitive interest;
- autonomous learning is promoted as learners become more responsible for their own learning.
- all four skills, reading, writing, listening and speaking are integrated.

PUL MUOMALASINI BARQARORLASHTIRISH.

Ismailov Najmiddin Ilhamovich – SamDAQI Assistenti

Inflation in each country entered into bilateral economic contradictions occur. Therefore, to prevent inflation, to develop measures to stabilize the circulation of money. The main forms of the struggle against inflation: inflation and monetary reform. Each country are regulated by the money on the basis of certain rules. Former centrally planned economic system based on money management planning by others.

Inflyatsiyaning har tomonlama avj olib ketishi **mamlakatda** iqtisodiy jihatdan qarama-qarshiliklar yuzaga kelishiga olib keladi. Shuning uchun davlat inflyatsiyaning oldini olish, pul muomalasini barqarorlashtirish chora – tadbirlari ishlab chiqadi. Inflyatsiyaga qarshi kurashning asosiy shakllari: inflyatsiyaga qarshi siyosat va pul islohoti hisoblanadi. Har bir davlatda pul muomalasi ma'lum qonun-qoidalar asosida tartibga solib turiladi. Oldingi markazlashgan, rejali boshqaruvga asoslangan iqtisodiy tizimda pul muomalasi rejalashtirish asosida boshqarib kelingan. Aholining daromadi va harajatlarini davlat

tomonidan muvofiqlashtirib turilgan. Tovar ishlab chiqarishni kengaytirish, aholiga kreditga tovar berish, baholar tizimini o'zgartirib turish va hakazolar. Barcha jarayonlar davlat tomonidan boshqarilgani uchun pul muomalasi qonuni buzilganda davlat o'z vakolati doirasida narxlarini o'zgartirish yo'li bilan, pul reformasi bilan pul muomalasini tartibga solib kelgan. Bozor iqtisodiyoti sharoitida pul muomalasi ma'lum usullar yordamida tartibga solib turiladi. Bizning davlatimizda pul muomalasini tartibga solishda O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki qo'yidagi usullardan foydalanadi.

1. Majburiy rezerv stavkasi normasini belgilash.
2. Tijorat banklarini ochiq bozorda qatnashishi.
3. Markazlashgan kreditlar uchun qayta moliyalashtirish stavkasini o'rnatish.

«O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki to'g'risida»gi qonunga ko'ra Markaziy bank tijorat banklariga minimal majburiy rezerv bo'yicha mablag'larni maxsus schyotda saqlab turish majburiyatini yuklash huquqiga ega. Bunday rezervlar normalari bankning majburiyatlari turiga, omonat va muddatiga qarab belgilanadi. Bu mexanizm asosan tijorat banklarining likvid mablag'lari hajmini muvofiqlashtirish uchun foydalanadi. Bu bilan Markaziy bank tijorat banklarining kredit berish qobiliyatiga ta'sir etadi. Kredit, ma'lumki o'z navbatida pul massasining ko'payishiga, baholarning o'zgarishiga olib keladi. Shuning uchun majburiy norma tez-tez o'zgartirilmaydi, chunki u muomalada pul massasini tebranib turishiga va oxiri iqtisodiy beqarorlikka olib kelishi mumkin.

Markaziy bank tijorat banklarga kreditlar bo'yicha qayta moliyalashtirish stavkasini belgilab beradi. Bu stavka tijorat banklari beradigan kreditning bahosini aniqlash asos bo'lib xizmat qiladi. Qayta moliyalashtirish siyosati tijorat banklarining boshqa manbalaridan mablag'lar jalb qilishiga ta'sir etmaydi. Markaziy bank oqilona qayta moliyalashtirish stavkalarini o'rnatib tijorat banklarini likvidlik darajasini muvofiqlashtirib turadi.

Hozir ko'pgina davlatlarda pul muomalasini tartibga solishda ochiq bozorda operatsiyalar o'tkazish usulidan foydalanilmoqda. Bu hozirgi ko'p qo'llanadigan monetar siyosatning bir usuli hisoblanadi. Bu usul tijorat banklarining likvidlik darajasiga tezda ta'sir o'tkaza oladigan eshiluvchan (moslanuvchan), amaliy va operativ usul hisoblanadi. Bu usulni boshqalaridan farqi shundaki, uni zaruriyatga qarab va xohlagan miqdorda o'tkazish mumkin. Bu mexanizm bozorni rivojlanish tendentsiyasiga qarab pul muomalasini barqarorlashtira olishi mumkin. Markaziy bankning ochiq bozorda operatsiyalar o'tkazish huquqi qonunda belgilangan. Bunda oldi - sotdi ob'ekti bo'lib davlat qimmatbaho qog'ozlari va Markaziy bank o'zi chiqargan qarz majburiyatlari bo'lishi mumkin.

Markaziy bank pul muomalasini barqarorlashtirish uni tartibga solish borasida barcha vakolat va huquqiy normalarga ega. Yuqorida ko'rsatib o'tilgan usullar ko'pgina davlatlarda qo'llaniladi. Davlatning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib boshqa selektiv usullardan ham foydalanishi mumkin. Bu usullarni maqsadi kreditlash hajmiga va umumiy pul massasiga ta'sir o'tkazib borishdir. Bu usullarni har davlat o'zini rivojlanishi darajasiga qarab qo'llashi mumkin. Masalan, rivojlangan davlatlarda asosan ochiq bozorda operatsiyalar o'tkazish usulidan foydalaniladi. Yuqoridagilarni tahlil qilsak, har usul u yoki bu yo'l bilan (bevosita yoki bilvosita) muomaladagi pul massasini kamayishiga yoki ko'payishiga ta'sir qiladi. Iqtisodiyotdagi ahvolga qarab Markaziy bank o'zining pul- kredit sohasidagi strategiyasini aniqlaydi. Bundan tashqari mamlakatdagi pul muomalasi hukumat tomonidan chiqarilgan qaror va buyruqlar bilan ham boshqariladi. Bunga misol qilib korxonalar tashkilotlarini kassa tushum rejasini bajarishi ustidan qattiq tazorat o'rnatish, barcha savdo shohobchalarini inkassatsiyaga tortish, aholini o'z daromadini davlat banklarida saqlashga targ'ib qilish va ishontirish, qimmatli qog'ozlar bozorini kengaytirish, hisob cheklaridan keng foydalanish, bank tizimini takomillashtirish, ya'ni elektron kartochkalarini joriy qilish va boshqalar bularning hammasi muomaladagi pul massasining kamayishiga, emissiya miqdorining qisqarishiga olib kelishi mumkin.

Pul islohotlari va uni pul muomalasini barqarorlashtirishdagi o'rni. Pul islohoti deb pul muomalasini barqarorlashtirish maqsadida davlat tomonidan pul tizimini o'zgartirishga aytiladi. Pul islohoti metall pul muomalasi davrida, ikkinchi jahon urushidan keyin - oltin deviz, oltin dollar muomalasi davrida o'tkazildi. Sobiq SSSRda pul islohoti 1922 - 24 yillarda, 1947 yillarda o'tkazildi. O'zbekistonda pul islohoti 1994 yilda o'tkazildi va respublika mustaqil davlat sifatida o'zining milliy pul birligiga ega bo'ldi. Pul muomalasini barqarorlashtirishga pul islohotini o'tkazmasdan ham erishish mumkin. Pul muomalasini barqarorlashtirishning quyidagi usullari mavjud: revalvatsiya, devalvatsiya, denominatsiya. Mamlakatning iqtisodiy rivojlanish darajasiga, iqtisodiyotning holatiga, pulning qadrsizlanish darajasiga, davlat siyosatiga qarab davlat pul islohotini o'tkazishi, pulni revalvatsiya, denominatsiya qilishi mumkin. Pul kuchli qadrsizlangan sharoitida faqat pul islohotini o'tkazish yo'li bilan pul tizimini barqarorlashtirish mumkin. Pul islohoti, ya'ni nullifikatsiyada kuchli qadrsizlangan pul birligi bekor qilinadi va o'rniga yangi pul birligi kiritiladi. Masalan, Sobiq SSSRda 1922-24 yillarda sozvnaklarning kuchli qadrsizlanishi natijasida 1 rubl 50

mlrd. sovnakga almashtirilgan. Urushdan keyingi Germaniyada giperinflyatsiya natijasida 1924 yilda muomalaga yangi nemis markalari kiritilgan. Eski reyxsmarkalar kuchli qadrsizlanishi natijasida muomalaga chiqarilgan yangi markalar 1 marka : 1 trillion eski reyxsmarka nisbatida almashtirildi. Reyxsmarkalar muomalasi bekor qilindi. Revalvatsiya - bu pul birligining oltin qiymatini tiklashdan iborat. Masalan, birinchi jahon urushidan keyin 1925-1928 yillar- da o'tkazilgan pul islohoti tufayli funt sterlingning urushgacha bo'lgan oltin qiymati belgilandi. Ikkinchi jahon urushidan keyin revalvatsiya natijasida dollarning valyuta kursi ko'tarildi. Germaniya Federativ Respublikasida 1961, 1969, 1971 yillarda revalvatsiya o'tkazilgan. Devalvatsiya - bu milliy valyuta kursining chet el vayutasiga nisbatan tushishidir. Pul birligining oltin miqdori belgilangan sharoitda devalvatsiya pulning oltin miqdorining tushib ketishini anglatgan. Masalan, 1971 yilda AQSh dollarining oltin miqdori 7,89 % ga, 1973 yil fevralda 10% ga kamaytirilgan. Suzuvchi valyuta kurslariga o'tgandan keyin devalvatsiya boshqariladigan valyuta kurslari asosida olib boriladi. Denominatsiya - baholar masshtabini yiriklashtirish, yani pul birligidagi «0» larni qisqartirishdan, pul birligida ko'rsatilgan nominalni kamaytirishdan iborat. Sovet pul tizimi qaror topa boshlagan davr - 1921 -1922 yillarda ikki marta denominatsiya o'tkazilgan. Birinchi denominatsiyada muomalaga «1922 yil pul birliklari» chiqarilgan va ular oldingi pul birliklariga 1000 : 1 nisbatda almashtirilgan. Ikkinchi denominatsiyada muomalaga «1923 yil pul birligi» chiqarilgan va 1922 yil pul birligiga» 100 : 1 nisbatda almashtirilgan. Pul denominatsiyasi inflyatsiya suratlari past bo'lgan sharoitda qulay bo'lishi mumkin. Agar inflyatsiya suratlari yuqori bo'lsa, denominatsiya o'tkazish hech qanday samara bermasligi mumkin. Faqat pul islohotini o'tkazish yo'li bilan pul tizimini barqarorlashtirish mumkin bo'ladi.

Pul islohotini o'tkazish quyidagi yo'llar bilan amalga oshirilishi mumkin.:

- muomaladagi pul massasini kamaytirish maqsadida, deflyatsiya kursi bo'yicha eski pullarni yangi pullarga almashtirish:

- aholi va korxonalarining banklardagi jamg'armalarini vaqtincha (to'liq yoki qisman) harakatsiz ushlab turish (qotirib qo'yish):

- ikkala usulni birgalikda qo'llash yo'li orqali pul islohotini o'tkazish:

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш айниқса катта аҳамиятга эга, чунки суғориладиган ерларда лалмикор ерлардагига нисбатан 3-4, айрим ҳолларда эса 5-10 баравар кўпроқ ҳосил олинади. Суғорма деҳқончилик шароитларида табиатдан оқилона фойдаланишнинг хусусиятларидан бири ер-сув ресурсларидан узвий боғлиқ равишда тўғри фойдалана билишдир, чунки сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш суғориладиган ерларда экологик-иқтисодий нуқтаи назардан номақбул жараёнларнинг кучайишига ва натижада ерларнинг маҳсулдорлигини камайишига олиб келади. Суғориладиган ерларнинг табиий имкониятларидан фойдаланиш табиий-ҳудудий комплексларнинг тубдан ўзгаришига, табиат комплекслари орасидаги мувозанатни бузилишига олиб келади.

Бугунги кунда мавжуд ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, камайиб бораётган қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириб бориш билан бирга маҳсулот етиштириш ҳажмини, ер майдони бирлигидан энг кўп фойда олиш мақсадига бўйсундириш масаласи долзарб муаммага айланмоқда.

Тажриба таҳлилларга асосланиб Қашқадарё вилояти ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ерлари мелиоратив ҳолати яхшилаш учун қуйидаги чора тадбирларни қўллаш мумкин:

- ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда юзага келаётган асосий тўсиқлардан бири ерлар шўрланиш даражаси ортишидир. Бундай сувли майдонларда коллектор зовурлар тармоғини тўлиқ қайта қуриш, бошқа майдонларда эса коллектор зовурлар тармоғини таъмирлаш ишларини амалга ошириш орқалигина ер майдонларига сарф қилинган маблағлар қайтишига эга бўлиш мумкин;
- фермер хўжалиқларига тегишли бўлган ички хўжалиқ зовурлари ва шунингдек хўжалиқларда зовур тармоқларини тозалаш ишларини бажариш мумкин;
- эрозияга қарши тадбирларни амалга ошириш;
- шамол эрозиясига моил бўлган майдонларда ихота дарахтлари барпо қилиш лозим.
- экинларни суғоришда янги технологияларни қўллаш хўжалиқларга иқтисодий жихатдан самара келтириши билан биргаликда, сув эрозиясига қарши курашда ҳам катта самара беради;

Юқорида айтилган чора тадбирларни амалиётга тадбиқ этилиши ўйлаймизки, келажакда вилоятда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини яратади.

THE PROBLEM OF THE FUNCTIONAL ASPECT OF THE LANGUAGE UNITS

Muminova D. B. and Normatova D. I. teachers of TACI

For many years language was approached as just a system, outside the processes of its acquisition and use. Nowadays it has become quite popular to study language in action, taking into account the human factor. There has been a great interest in the analysis of different parameters of the communicative speech situation, like time place and social environment. It is evident that when we speak, we are influenced by everything around us as well as by our own inner selves. It would be very easy to analyze texts, if people spoke like computers, following the principle of formal logic and that of economy. Luckily, it is not so. If we were absolutely logical, trying to relate to others, our speech would be very dull and lifeless.

Psycholinguistics is one of several linguistic disciplines which focus on the relationship between language structures and the one who uses them it stands on the borderline between Psychology and Linguistics. The subject matter of **Psychology** is the nature and function of the human soul. The term itself is derived from the two Greek words "psyche" which means "soul" and "logos" which stands for "science". There are three aspects in the human soul: "mind", "will" and "emotions", and all of them are studied by Psychology. The subject matter of Psycho linguistics is, of course, narrower. It is not concerned with human soul as it is. Its scope of interest is human ability to use language.

On the other hand, Psycholinguistics is not a completely independent discipline, it is a branch of **General Linguistics**. Psycholinguistics can be briefly defined as a branch of language science studying speech behavior of man. *B.Skinner*, a famous American psychologist, suggests that language is a part of a more encompassing human behavior.

Psycho linguistics was officially recognized as a discipline, as a branch of linguistics in 1953, in the city of Bloomington, USA. It was based on the principles of the "theory of information". The key terms that were used were "*sender*", "*channel*" and "*recipient*". The importance of using the channel effectively was underlined. The channel is described in terms of "effectiveness" and "reliability". The **effectiveness** of the channel is related to the number of the bites of information that can be conveyed for a certain time unit. It

means that the more information is conveyed for, let us say, an hour or a minute the more effective the channel is.

The reliability of the channel can be defined as the answer to the question "Is there any difference between what was sent and what was received?" To increase the reliability the speaker may want to speak slower, repeating the same over and over again, which, of course, will decrease the effectiveness of the channel. It has been proved for example that the study material covered by an average half-an-hour lecture could be successfully presented for just twenty minutes, if the teacher were after the efficiency of the channel only. However, it would be extremely difficult, if not impossible, for the students to receive pure semi logical (or logical) information, not dissolved by any flashbacks or jokes. Normal speech is half-reliable and half-effective.

In 1954 a book by *Ch. Osgood* and *L. Sebeok* was published. The title of it was "Psycholinguistics: A study of Theory and Research Problems" and it gave birth to psycholinguistics as an independent discipline. Psycholinguistics is defined as "a science which provides for the use of linguistic analysis of grammar to identify the mental and behavioral processes which underlie language acquisition and development". *Ch. Osgood* suggested a three-level model of the derivation of the utterance. The speaker (sender) realizes his communicative intention step by step, level by level, choosing one of the possible phonetic, lexical and morphological variants. According to *P.L. Newcomer* and *D.D. Hanllill*, psycholinguistics is the study of the mental processes which underlie the acquisition and use of language.

A.A.Leontyev, defines the subject matter of psycholinguistics as the relationship between language system and linguistic competence. What is meant, scholars no longer focus on language as a system, but they also analyze the person's ability to use the linguistic units and structures more effectively.

Psycholinguistics focuses on the speaking individual. Therefore, **I. The human factor** is extremely important in defining psycholinguistics as an independent discipline. It is not the product of speaking, that is of greatest importance, it is also the speaking person, with all of its strengths, weaknesses, creative abilities and disturbances. It is interesting to study the differences between women's and men's speech, for example. Men and women are sure to speak differently, because their personalities are not the same. Children's speech is something to be studied too. It can hardly be denied that teenagers speak somewhat differently from senior adults. The speaker's personality type as well as his current emotional state can't but affect the choice of language structures. **II. Another thing is the situation factor.** If we look at any text more or less carefully, we will see that all the parameters of the communicative speech situations are somehow reflected in it. We can basically determine where and when this or that conversation takes place. **III. Experimental factor** is important too. The experiment is generally recognized as the leading method of psychology. The experiment helps to create an artificial situation, allowing the speaker to resort to special linguistic devices, those that are of special interest to the scholar. On the other hand, the experimental situation may cause the speaker to exercise certain linguistic abilities, so that the scholar may determine whether the latter are well developed, underdeveloped or impaired. Tests are extremely popular in psycholinguistic studies. **IV. The abnormal factor.** Linguistics has always been a norm centric discipline. It means that linguists have analyzed "correct" texts only. It has never been clear what is to be done with "wrong" texts. Stories derived by illiterate people, foreigners or mentally sick individuals were merely defined as "incorrect" and, therefore, not considered worth studying at all. However, those texts do exist, so something must be done with them. The term "wrong" is not a very lucky one, because it adds nothing to the understanding of what those texts are actually like and what are the mechanisms that bring them into being. It was the Russian academician *L.V. Scherba* that suggested the term "negative speech material", including everything that does not meet the existing norms and standards. Here are some genres or types of the text that *L.V. Scherba* considers negative:

1. Children's speech;
2. Mistakes in adults' speech;
3. Foreigners' speech;
4. Speech in stress situations;
5. Speech disturbances.

Without any doubt all those phenomena are worth studying too.

SO'Z YASALISHI

SamDAQI O'qituvchisi S.S.Bo'riyeva

Сўз ясалиши тилда бор бўлган материаллар ва имкониятлар асосида янги сўзлар ҳосил қилиши луғат составининг боишида асосий йўллардандир.

Маълум конкрет тилининг луғат составининг бойтишининг асосий ички усуллари билан бири сўз ясашидир.

Ўзбек тилшунослигида айниқса сўнги 30-40 йил ичида сўз ясаши соҳасида жуда кўп ишлар қилинди. Маълумки тил фактлари ўрганилганда тарихий фактлар билан ҳозирги тилга оид фактлар фарқланади. Ўз- ўзидан сўз ясаши баҳсида ҳам худди шундай қилинади бу иш ана шундай сўз ясашига – ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларида сўз ясашига бағишланган.

Сўз ясаши тилшуносликнинг диярли ҳамма юристларига алоқадорлигини айтиб ўтиш керак. Масалан маъноларини кенгайтириш конверсия, аббревиатура масалалари кўпроқ лексикологияда чуқурак ўрганилса, композиция, редупликация, форма ямовчи морфималарга ўтиши, сўз яшанин сўз туркумлари билан алоқалари масалалари кўпроқ грамматикада ўрганилади. Аффикация ҳам грамматика, ҳам лексикологияга тенг алоқадордир. Сўзларнинг урғусини ўзгартириш йўли билан янги сўз яшарим товушларни ўзгартириб сўз яшарим эса кўпроқ фонетика билан боғлиқ.

Tilshunoslikning turli yaruslari bilan aloqasiga tayanib soʻz yasalishi usullarini belgilash taxminan quyidagicha boʻlishi mumkin:

5. Leksik – morfologik usul (affiksatsiya, konversiya) ;
6. Leksik – sintaktik usuli(kompozitsiya, reduplikatsiya);
7. Leksik usul(abbreviatura, maʼnolarini kengaytirish , koʻchma maʼno berish orqali soʻz yasalishi);
8. Leksik – fonetik usul(urgʻularni oʻzgartirish, ayrim tovushlarni oʻzgartirish va boshqalar).

Soʻz yasalishi, u bilan bogʻliq boʻlgan hodisalar shuningdek soʻz yasalishi bahsining predmeti aniq boʻlsada, lekin bu sohaning boshqa sohaga tilshunoslikning boshqa boʻlimlarga munosabati, uning tilshunoslikdagi oʻrni masalasida hanuz bir fikrga kelgan emas.Koʻpchilik ishlarda soʻz yasalishi grammatikaning bir qismi sifatida talqin etilgan holda, ayrim ishlarda leksikologiyada beriladi, hatto soʻz yasalishining mutlaqo leksikologiyaga mansubligi taʼkidlanadi.

Soʻnggi yillarga qadar rus tilshunosligida, shuningdek, turkologiyada ham soʻz yasalishi va u bilan bogʻliq boʻlgan barcha hodisalar grammatikaning morfologiya bahsida oʻrganib kelinar edi, yaʼni soʻz yasalishi morfologik hodisa sifatida qaralib, grammatikaning shu boʻlimiga kiritiladi, shu boʻlimda oʻrganilar edi. Aniqrogʻi yasama soʻzlarning asosiy qismi affiksalar yordamida yasalgan soʻzlar boʻlgani , soʻz yasalishining asosiy usuli affiksatsiya usuli(affiksalar morfema yordamida soʻz yasalishi) boʻlganidan soʻz yasalishi hodisasi morfologik hodisa deb qaralardi va u morfologiyada oʻrganilar edi. Soʻnggi yillarda esa, hodisalarning mohiyati chuqurroq yoritilishi munosabati bilan, soʻz yasalishi tilshunoslikning (fonetika, leksikologiya va boshqa sohalar kabi) oʻziga xos alohida tekshirish obʼektiga ega boʻlgan mustaqil sohasi ekanligini isbot etildi va u deyarli koʻpchilik mutaxassislar tomonidan eʼtirof etildi. Buning oqibatida morfologiya va soʻz yasalishi bahsiga oid koʻpgina tortishuvli masalalarning toʻgʻri hal etilishiga, notoʻgʻri nuqtai nazarlarning bartaraf etilishiga imkon tugʻildi.Biroq shunga qaramay, soʻz yasalishi va uning tilshunoslikning boshqa sohalariga boʻlgan munosabati masalasida hanuz qatʼiy bir fikrga kelingan emas. Bu haqida gap borganda, avvalo, soʻz yasalishining grammatika va leksikologiya bilan munosabati masalasiga qisqa toʻxtab oʻtishga toʻgʻri keladi.

Tilshunoslikning soʻnggi yutuqlari asosida yaratilgan”Russkaya grammatika” asarida soʻz yasalishi tilshunoslikning alohida sohasi ekani qayd etiladi va mustaqil soha sifatida beriladi. Biroq shu bilan birga, u grammatikaning (morfologiya, sintaksis kabi) bir qismi deb koʻrsatiladi. Bu asarning “Kirish” qismida, jumladan, quyidagilarni oʻqiyimiz:”Grammatik qurilish(til grammatikasi) har biri oʻzida Grammatik vositalarni birlashtirgan bir qator sistemalarning birligidan iborat boʻladi, soʻz yasalishi, morfologiya va sintaksis grammatikaning ana shunday sistemalari hisoblanadi”.

Bunday fikr, yaʼni soʻz yasalishi grammatikaning morfologiya va sintaksis kabi mustaqil boʻlimi ekani A.Shaxmatov tomonidan ham aytilgan edi. Biroq akademik V.Vinogradovning koʻrsatishicha, A.Shaxmatov soʻz yasalishini grammatika yoki leksikologiyaga kiritish masalasida ikkilangan, aniq bir fikrga kelmagan.Soʻz yasalishi baʼzan unga tilshunoslikning grammatika va leksikologiya bilan uzviy aloqada boʻlgan alohida soha boʻlib tuyulgan.

Soʻz yasalishining leksikologiya yaqinligi va uning leksikologiya bahsiga mansubligi haqida gapirganda, soʻz yasalishi natijasida hosil boʻladigan birlikning leksik birlik, leksema boʻlishi va bu birlik leksikologiyaning oʻrganish obʼekti ekani nazarda tutiladi. Lekin bu fakt soʻz yasalishining leksikologiyaga yaqinligiga ham asos boʻla olmaydi. Shu sababli soʻnggi yillarda yaratilgan ishlarda soʻz yasalishi leksikologiya bahsiga mansub degan qarash uchramaydi. Soz yasalishini morfologiyaga yaqinlashtirish , morfologiyaga bogʻlash, uni morfologiya bahsiga kiritishning sababi soʻz yasalishining asosiy usuli affiksatsiya usuli boʻlib, bunda yasovchi material sifatida morfema qoʻllanishi morfemani esa morfologik birlik deb qarashdadir.

So'z yasalishining morfemalar bilan ish ko'rish sababli morfologiyaga aloqadorligi, lekin bundan qat'iy nazar, ularning har biri o'z vazifasi, tekshirish ob'ekti, metodiga ega bo'lgan sohalar ekani ayrim ishlarda aniq qayd etilgan.

“So'z yasalishi grammatika bilan, aniqrog'I, so'zning morfem sostavi muammolari bilan bog'langan bo'lsa-da, o'rganish ob'ekti jihatdan ham, tadqiq etish metodi jihatdan ham morfologiyadan farq qiladi. Vazifasining har xilligi so'zlarning morfem va so'z yasalishining tahlil etish yo'llarining printsiplari farqini belgilaydi. Shunga ko'ra, morfem va so'z yasalishining tahlilini asosiy birliklari ham boshqa – boshqa bo'ladi”. Bu qarashda, garchi so'zning morfologik va morfem analizi bir xil deb tushunilsa ham, lekin morfologiya bilan so'z yasalishining o'zicha mustaqil soha ekanligi to'g'ri ko'rsatilgan.

So'z yasalishini morfologiyaga kiritmaslikka, undan alohida soha sifatida ajratishga hech qanday e'tiroz bo'lishi mumkin emas. Chunki morfologiya so'z turkumlari, bu turkumlarga xos Grammatik kategoriyalar va Grammatik formalarni o'rganuvchi soha deb tan olinar ekan, so'z yasalishini bu bo'limga kiritish mumkin emas.

Demak, so'z yasalishini o'ziga mustaqil soha deb tan olgan holda, uni yana grammatikaga kiritish – grammatikaning morfologiya, sintaksis kabi alohida sistemasi deb ta'riflashga kelganda shuni aytish kerakki, bunda ham so'z yasalishini asosiy usuli affiksasiya usuli ekani, bu usulda morfemalar material bo'lib xizmat qilishi, so'z yasash vositalari Grammatik vositalar ekani nazarda tutiladi. Buni V.Lopatinning quyidagi tarifidan ham ko'rish mumkin: “Rus lingvistik an'alariga ko'ra, so'z yasalishiga Grammatik jihatdan yondashish harakterli; bunda so'z yasalishi grammatikaning bir qismi deb so'z yasash vositalari esa grammatik vositalar deb qaraladi”.

Demak, so'z yasalishi nafaqat morfologiya bahsida balki boshqa (fonetika, leksikologiya) sohalorida ham o'rganilar ekan. So'z yasalishi jamiyat o'zgarishi, taraqqiy etishi bilan o'zgarib yangilanib boradi va tilimizga yangi so'zlar kirib kelishida muhim rol o'ynaydi.

ШАХСДА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ.

*СамҚХИ..Амирова Г.Б катта ўқитувчи. Холиқов Ж.С.Самарқанд таянч тиббиёт коллежи.
Ўқитувчи.*

“Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми катъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”

Амир Темур

Аннотация. Шахс у ёки бу хулқдаги ҳаёт тарзини танлаш имкониятига эга бўлган онгли ва фаол инсондир. Ташқи таъсирларнинг ҳажми ортиб бориши, ҳар бир давлатнинг асосий бойлиги бўлган, тараққиётни ҳаракатга келтирувчи шахсни ўзини англаши ва шу аснода ўзини руҳан, жисмонан, маънан бошқара олиши бугун ҳар бир мамлакатнинг олдида турган муаммоларнинг ечимидир.

Резюме: Человек сможет выбрать путь жизни того или иного поведения сознательно и активно растущий объем взаимодействий личностей. Внешней, который является главным богатством страны, развития движения, обучения, и в то же время человек, умственно, физически и духовно, чтобы управлять сегодня решение проблем, стоящих перед страной.

Summary: The person can choose a life of this or that behaviour meaningfully and actively growing volume of interactions of persons. External which is the main riches of the country, developments of movement, training, and at the same time the person, intellectually, physically and spiritually to operate today the decision of the problems facing the country.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин тарихан қисқа вақт ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу ютуқлар Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуришнинг ўзида ифода этирувчи бозор муносабатларига асосланган концепсиянинг ҳаётийлиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда бу концепциянинг тўғрилигини жаҳондаги йирик сиёсий арбоблар томонидан эътироф этилиши Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширмоқда.[3]

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният ғоят мураккаб ва зиддиятли жараёнларни гувоҳи бўлмоқда. Бу биринчидан, дунё харитасида янги давлатларнинг вужудга келиши, инсониятнинг тинч-тотув яшаши ва тараққиётнинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қиладиган янги имкониятларнинг пайдо бўлиши, иккинчидан, дунёвий тараққиётга тўсиқ бўладиган, демократик ривожланишни издан чиқарадиган ва инсоният бирлигига раҳна соладиган ғоявий йўналишларнинг вужудга келиши, учинчидан, глобаллашув жараёнини жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб келаётгани билан белгиланади.[4]

Ташқи таъсирларнинг ҳажми ортиб бориши, ҳар бир давлатнинг асосий бойлиги бўлган, тараққиётни ҳаракатга келтирувчи шахсни ўзини англаши ва шу аснода ўзини руҳан, жисмонан, маънан бошқара олиши бугун ҳар бир мамлакатнинг олдида турган муаммоларнинг ечимидир.

“Бугунги дунё мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда.”(3) Бундай улкан ўзгаришлар ва янгиликлар натижасида инсон омилини тушуниш, идрок этиш ва унга муносабат ҳам ўзгарганлигини гувоҳи бўляпмиз. Ана шундай янгиликлар ва ўзгаришлар туфайли бугун одамларнинг онгу-тафаккури, уларнинг Ватан тақдирига, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати тубдан ўзгармоқда. Тараққиёт жараёнида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар чуқурлашиб, давлатимиз дунё харитасидан муносиб ўрин эгаллаб бораётган бир пайтда, инсонларда маъсулият, ўзини-ўзи бошқаришни шакллантириш масаласи долзарб бўлиб бормоқда. Маъсулиятни ҳис қилиш, ўзини англаш ва бошқариш давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқдир. Шундай экан, Ватан хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда уни куч-қудратини янада оширишда инсон омилининг ўрни бекиёсдир. Бугунги давр инсон дунёқараши ва фаолиятида сифат жиҳатдан ўзгариш рўй беришини, ўзлигини англаб етишини тақозо қилмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, инсон омилидан самарали фойдаланиш мамлакат тараққиётини гуллаб яшнашига олиб келади. Маълумки, дунёда ўз Ватанига фойдаси тегадиган, наф келтирадиган ишлар қилиш, унинг келажагига дахлдор бўлиш ҳам инсон учун катта бахт ҳисобланади. Чунки ўзини юрт ва халқ тақдирига бевосита дахлдор деб билиш инсонга куч-қудрат ва ғайрат бағишлайди, чексиз илҳом беради.

Хўш шахс, инсон тушунчаларига психологияда қандай таъриф берилган. “Ижтимоий психология” ўқув кўлланимларида “Шахс у ёки бу хулқдаги ҳаёт тарзини танлаш имкониятига эга бўлган онгли ва фаол инсондир. Шахс бу конкрет инсон, маълум бир давлатнинг, жамиятнинг, гуруҳнинг вакили, ўз атрофидагилар билан онгли муносабат ўрната оладиган, онгли равишда фаолият юрита оладиган, барча муносабатларда ўзига хос инсоний қиёфани намоён қила оладиган, шунингдек, ўзига хос индивидуал ва ижтимоий хусусиятларга эга бўлган кишидир” дея таъриф берилган.[8]

Инсонни пайдо бўлиши диний нуқтаи назардан эса шундай тушунтирилади. Тангри таоло одамни 6 кунда яратган.Якшанба-осмонни яратди. Душанба-ой, куёш, юлдузларни яратиб, фалак ичига жойлаштирди. Сешанба-қушлар, қурт-қумурсқалар,фаришталарни яратди. Чоршанба- сувни яратди, еллар, булутларни чиқарди, дарахтлар, ўт-ўланларни яратди, ҳаммага ризқ-рўз улашди. Пайшанба-жаннат ва дўзахни, раҳмат ва азоб фаришталарини ҳамда ҳурларни яратди. Жума-Ҳазрат Одам Атони яратди, ва унинг чап қовурғасидан Момо Ҳавони дунёга келтирди. Уларни ердаги ўзининг халифаси деб атади. Инсон бўлиш эса-бу катта илм. Ҳа, инсон қудратли, шу билан бирга, у ожиз, инсон олийжаноб, инсон мараз, инсон заковатли, инсон худобехабар. Хуллас, ҳамма сифат унда бор. [5]

Бу ҳақда Блез Паскаль шундай дейди: “Одам фаришта ҳам, ҳайвон ҳам эмас ва унинг фожеаси шуки, фариштага ўхшашга ҳаракат қилгани сайин кўпроқ ҳайвонга ўхшаб боради.” Ўтмиш донишмандларининг таъбири билан айтганда одамзод ҳаётининг бош фожеаси шундан иборатки, кўл оёғи айни кучга тўлишган пайт, ақли хали кўп нарсани англаш учун етилмаган бўладию, пишиб етилган деганда энди кўл -оёғида аввалги кучдан асар ҳам қолмаган бўлади.[6]

Инсон индивид сифатида дунёга келиб, кишилиқ жамияти ва ижтимоий муҳит таъсирида унда шахслиқ белгилари шаклланади. Шахс ривожланишига оид биогенетик, социогенетик ва психогенетик назарияларга кўра, одамни шахс сифатида шаклланишига ирсият, ижтимоий муҳит ва ўзининг руҳий фаоллиги таъсир қилади. Уларнинг ҳар бири инсоннинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳаммага турлича таъсир кўрсатади. Ташқи таъсир қай даражада бўлмасин, агар шахс ўз “Мен” ини англаб, ўзини бошқара олса уни хавфини сезмайди.

Зеро Президентимиз И.А.Каримов айтганидек: “Киши маънавий, ботиний ўнганмасдан туриб, у сиёсий, иқтисодий ўнганмайди.”[2] Ҳозиргидек инсон онги учун кураш кетаётган мураккаб шароитда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган, мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган, ўзини англаган ва бошқара оладиган инсонни тарбиялаш ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Кавказлик олим Г.Гуржиев инсон психологияси ва ўзлик “қатлам” ларини текшириб, кескин хулосаларни илгари суради. Унинг фикрича: “Одам-бу машина. Машинадан эса механик ҳаракатдан бўлак ҳеч нарса кутиб бўлмайди. Машиналарни ҳам, одамларни ҳам ташқи таъсир ҳаракатга солади ва ишлатади.”[7]Аммо, инсонда ақл, руҳ, фикр салоҳияти, эркинлик туйғуси борку? Бу туйғулар ташқи таъсирлар натижасида бошқа тассуротга айланади. Бундан фойдаланиб, турли нияти бузуқ,

дунёга эгалик қилишни истаётган гуруҳлар ва оқимлар инсонни ўз давлатига, оиласига қарши қўйиб, қўлига қурол тутмазмоқда. Инсон боласи табиатнинг бир бўлагидир. У ўзига қарши чиқмаслиги учун аввало ўзини англаши, ўзини бошқалар қўлида қаерга бураса бураладиган ўйинчоқ эмас балки, ўзини ва атрофдагиларни бошқаришни ўрганиши керак.

Муҳтарам Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишида сўзлаган нутқида жамиятнинг фаол шахси образини тушунтириб берган. Шу боис фаол шахс портретининг объектив жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- мустақил фикрлаш салоҳиятига эгалик, халқ ва давлат манфаатлари билан уйғунлаша олиш;
- мамлакатнинг стратегик йўлига садоқат, замон билан ҳамнафас бўлиш;
- маъсулиятли ва чуқур билимга эга бўлиш;
- Ватанни чин дилдан севишини намоён этиб туриши;
- жадал ўзгараётган дунёнинг ҳаракатлантирувчи кучларини теран англаши, ижтимоий воқелик жараёнларини олдиндан кўра билиши.

Ижтимоий фаолликнинг субъектив жиҳатлари эса ижтимоий фаол шахснинг жамият олдидаги бурч ҳамда вазифаларини дилдан ҳис этиш, ўз-ўзини ижтимоий-маънавий англаши, буюк мақсадлар, бунёдкорлик ишларига қалбан тайёргарликдаражаларини ифода этади.[3]

Хулоса ўрнида маърифатпарвар олим Абдурауф Фитрат чуқур таассуф ва умид оҳангида эътироф этган сўзларини келтириб ўтмоқчиман: “Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир”. [7] Ҳар бир инсоннинг жисмини соғлом, ақлини бутун, ахлоқини юксак даражада сақлаш, ўзини англаш ва ўзини бошқаришга асос бўлади.

ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

Ашурова О.Ю. Абдуқодиров Х.Ю.-Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тараққиётида устувор соҳа деб эълон қилинган. Таълимнинг, ўқитишнинг вазифаси фуқаролар, ёшларнинг энг асосий Конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ақлий амалий имкониятларини рўйбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, интеллектуал жиҳатидан ривожини таъминлаш, ўзи хоҳлаган касбини танлаш белгилаб қўйилган. Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий ўрин эгаллайди. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятларидир.

Таълим олувчининг яратувчилик қобилияти, унинг мулоқот қила олиш қобилиятини, таълим олиш маданиятини, таълим жараёнининг барча босқичларида самарадорлик ва сифатни оширишда ахборотлашган жамият куриш орқали ижтимоий жамият буюртмасини бажаришни ва шу каби жараёнларни ривожлантиришдаги оптимал вариантларни танлашда истиқболли натижаларни қўлга киритишни кафолатлайди. Бунинг учун таълимда инновацион технологияларни кенг жорий этишга тўғри келади ва унинг натижасида фаол таълим жараёнини амалга ошириш мумкин.

Фаол таълим – таълим жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчининг онгли ва фаол иштироки, мустақиллиги ҳамда ижодий қобилиятларини таъминловчи тизимий-педагогик жараёндан иборатдир.

Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва ҳаракат усуллари мазмунан мукамал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда асосан қуйидаги таълим методларидан фойдаланилади: баҳс-мунозара, фикрлашга жалб қилиш, доскада мустаҳкамлаш, турли таълимий – касбий ўйинларни амалиётга жорий этиш ва ҳ.к.

Таълим олувчиларда фаол ўрганиш қобилияти, яъни таълим олувчиларнинг тадқиқ қилиш ва ўрганишга кизиқишини юзага чиқарувчи фаолиятли ёндашув таълим методларини фаоллаштиришга асосий дидактик асос бўла олади. Таълим методларини фаоллаштириш қуйидаги таълим қонунларига эътиборни кучайтиришни тақозо этади.

-Таълимда интеллектуал соҳани ривожлантириш қонуни. Бу қонун бўйича таълим олувчининг фикрлашини, хотирасини, диққатини, ақл сифатларини, фикрлаш кўникмаларини, билишини, ўрганишини ривожлантириш, предметга оид билим, ўқув ва кўникмаларни ташкиллаштиришнинг истиқболли усуллари ишлаб чиқилади ва улардан амалиётда фойдаланиш шакллари яратилади;

-Таълимда ирода соҳасини ривожлантириш қонуни. Бу қонун бўйича таълим олувчидаги мақсадга интилишни шакллантириш жараёни эътиборга олинади. Унда асосан асаб ва мускулларнинг зўриқишини енга олиш, ташаббускорлик, ўз кучига ишониш, ўзини бошқара олишни ривожлантириш, билимларни ўқитиш, фаолиятни ривожлантириш, уни қандай амалга ошириш ва назоратни ташқи кўникмасиз олиб бориш каби қобилиятлар ҳисобга олинади;

-Таълимда эмационал алоқани ривожлантириш қонуни. Бу қонун таълим олувчига ўз хиссиётини ва рухий ҳолатини бошқариш бўйича зарурий кўникмаларни шакллантириш жараёнидан иборат бўлиб, унда ортиқча ҳавотирни енгил ва ўзини ҳолисона баҳолаш кўникмасига эга бўлишликни тарбиялаш муҳим ҳисобланади;

-Таълимни ахборотлаштириш қонуни. Бу қонун бўйича ахборотлаштирилган жамият шароитида таълим олувчиларнинг жамоатчилик ва касбий фаолиятида тўлақонлироқ самарали қатнашишига тайёрлаш мақсадида таълим тизимининг барча компонентлари компьютерли ва ахборотли технологиялар ёрдамида яхшиланади. Таълимни ахборотлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ўқув – услубий ишларни қайта ташкил қилиш;
2. Таълим берувчи ва унинг ролини ўзгартиришга талабларни орттириш;
3. Таълим олувчи шахсининг ва уни индивидуаллаштириш хусусияти ролининг ортиши;
4. Таълим муассасаси ролининг замонавийлашуви, ўзгариши ва унинг таълим олувчилар таркиби жойлашган жойларга таъсирини эътиборга олиш;
5. Ахборот ресурсларининг мумкин бўлган ҳажмининг тўсатдан ортишини ҳисобга олиш;
6. Замонавий ахборот хизмати кўрсатишга бўлган талабнинг мунтазам равишда ортиб бориши асосидаги ахборотлаштиришнинг аҳамиятини ўсиши, башоратли, таълимий ва илмий характердаги йўналишнинг ривожланишини ҳисобга олиш;
7. Таълим сифатини ошириш, таълим жараёнини қулай шароитга келтириш асосида таълим олишни енгиллаштириш, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ўсишини таъминлаш, миллий таълимнинг жаҳон таълими тизимига интеграциялашувини таъминлаш.

-Таълимда мустақиллик қонуни. Бу қонун бўйича таълим олувчиларнинг билимларини ҳаётга қўллай олиш учун таълим бериш жараёнини фаол фикрлаш жараёнига айлантириш асосида уларда ижодий ташаббускорлик ва мустақил тафаккур, нутқ, маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқодни таркиб топтиришнинг оптимал вариантлари ишлаб чиқилади.

Юқорида қайд этилган таълим методларини фаоллаштиришга имкон берувчи таълим қонунлари мустақил ва намунали таълимдан амалиётда фойдаланишга кенг имконият яратади. Бу айниқса, таълим олувчилар билан уюштирилаётган мустақил таълимда яққол сезилади.

СИНГУЛЯРНЫЕ ИНТЕГРАЛЬНЫЕ ОПЕРАТОРЫ С НЕКАРЛЕМАНОВСКИМ СДВИГОМ

Б.М.Турсункулов (ТУИТ СФ)

Пусть Γ – ориентированная замкнутая жорданова спрямляемая кривая, d – диаметр Γ , $\theta(\delta)$ – введенная в [1] характеристика контура Γ . Положим, что $\sup_{0 < \delta \leq d} [\delta^{-1} \theta(\delta)] < \infty$. Пусть

$$\omega_f(\delta) = \delta \sup_{\delta \leq \xi \leq d} \frac{1}{\xi} \sup_{|t-\tau| \leq \xi} |f(t) - f(\tau)|, \quad \delta \in (0, d].$$

модуль непрерывности функции $f(t)$, $t \in \Gamma$. Обозначим через Φ класс функций $\omega(\delta) \not\equiv 0$ заданных в промежутке $(0, d]$ [2].

Рассмотрим обобщенное пространство Гельдера $H_\omega(\Gamma)$ с нормой

$$\|f\|_{H_\omega} = \max_{t \in \Gamma} |f(t)| + \sup_{0 < \delta \leq d} \frac{\omega_f(\delta)}{\omega(\delta)}$$

Пусть $\alpha(t)$ – сохраняющий ориентацию гомеоморфизм контура Γ на себя, имеющий непустое множество Λ периодических точек и удовлетворяющий условиям: функция $\frac{\alpha(t) - \alpha(x)}{t - x} \in H_\omega(\Gamma \times \Gamma)$ и отделена на $\Gamma \times \Gamma$ от нуля.

В пространстве $H_\omega(\Gamma)$, $\omega \in \Phi$ рассмотрим оператор $T = A_+ P_+ + A_- P_-$, где $A_\pm = a_\pm(t)I - b_\pm W$; функции $a_\pm(t), b_\pm(t) \in H_\omega(\Gamma)$, I – единичный оператор, $(Wf)(t) = f[\alpha(t)]$ – оператор сдвига, $P_\pm = \frac{1}{2}(I \pm S)$,

$$(Sf)(t) = \frac{1}{\pi i} \int_\Gamma \frac{f(t) - f(\tau)}{t - \tau} dt + f(t), \quad t \in \Gamma.$$

Операторы S и W ограничены в пространстве $H_\omega(\Gamma)$. Пусть

$$\Phi_0 = \left\{ \omega(\delta) \in \Phi: \lim_{\delta \rightarrow 0} \frac{\omega(k\delta)}{\omega(\delta)} \text{ существует } \forall k = \text{const} > 0 \right\},$$

$$\lim_{t,x \rightarrow \tau, t < x} \frac{|t-\tau|+|x-\tau|}{|t-x|} < \infty, \quad \tau \in \Lambda, t \in \Gamma.$$

В этом случае контур Γ может быть гладким, пилообразным, спиралевидным и т.д.

Теорема 1. Оператор $WS - SW$ компактен в пространстве $H_\omega(\Gamma)$.

Теорема 2. Оператор $aS - SaI$ компактен в пространстве $H_\omega(\Gamma)$, где $a(t) \in H_\omega(\Gamma)$.

В пространстве $H_\omega(\Gamma)$, $\omega \in \Phi$, рассмотрим оператор

$$T_1 = aP_+ + bP_-, \quad a(t), b(t) \in H_\omega(\Gamma).$$

Теорема 3. Оператор T_1 нетеров в пространстве $H_\omega(\Gamma)$, $\omega \in \Phi$, тогда и только тогда, когда $a(t)b(t) \neq 0$ для тех всех $t \in \Gamma$. При условии нетеровости

$$\text{ind} T = \frac{1}{2\pi} \{ \arg a^{-1}(t)b(t) \}_\Gamma.$$

Замечание 1. Из теоремы 3 вытекает, что оператор T_1 обратим в пространстве $H_\omega(\Gamma)$ слева (справа) и $\dim \text{ker} T = x$ ($\dim \text{ker} T = -x$), если

$x = -\frac{1}{2\pi} \{ \arg a^{-1}(t)b(t) \}_\Gamma \geq 0$ (≤ 0). При этом соответствующий обратный оператор имеет вид

$$T_1^{-1} = (t^{-1}P_+ + P_-)[(g^+)^{-1}P_+ + g^-P_-](g^-)^{-1}b^{-1}I,$$

где $g(t) = b^{-1}(t)a(t)$, $x = -\frac{1}{2\pi} \{ \arg a^{-1}(t)b(t) \}_\Gamma$, $g_0(t) = t^{-x}g(t)$,

$$g^\pm(t) = \exp[(P_\pm \ln g_0)(t)].$$

В пространстве $H_\omega^n(\Gamma)$ n -мерных векторов с компонентами из $H_\omega(\Gamma)$ рассмотрим оператор вида T_1 , коэффициенты $a(t)$ и $b(t)$ которого – квадратные матрицы порядка n с элементами из пространства $H_\omega(\Gamma)$.

Следствие 1. Оператор T_1 нетеров в пространстве $H_\omega^n(\Gamma)$, $\omega \in \Phi$, тогда и только тогда, когда $\det[a(t)b(t)] \neq 0$ для всех $t \in \Gamma$.

В пространстве $H_\omega(\Gamma)$ рассмотрим оператор $WP_+ + P_-$ и соответствующий ему задачу Газемана по скачку

$$\Phi^+[\alpha(t)] - \Phi^-(t) = g(t), \quad g(t) \in H_\omega(\Gamma) \quad (1).$$

В классе кусочно аналитических функций с линией скачков Γ , исчезающих на бесконечности и имеющих на Γ предельных значения класса $H_\omega(\Gamma)$.

Из теоремы 1 вытекает, что

$$(WP_+ + P_-)(P_+W^{-1} + P_-) \approx (P_+W^{-1} + P_-)(WP_+ + P_-) \approx I,$$

Где выражение $D_1 \approx D_2$ означает, что оператор $D_1 - D_2$ компактен.

Следовательно, операторы $WP_+ + P_-$ и $P_+W^{-1} + P_-$ нетеровы в $H_\omega(\Gamma)$.

Из соответствующего аналога теоремы 10.2.[3] вытекает, что

$$\text{ker}(WP_+ + P_-) = \{0\}, \quad \text{Im}(WP_+ + P_-) = H_\omega(\Gamma).$$

И оператор $L = I + \frac{1}{2}(WSW^{-1} - S)$ обратим в пространстве $H_\omega(\Gamma)$.

Поэтому оператор $(WP_+ + P_-)$ обратим в $H_\omega(\Gamma)$ и, так как

$$(WP_+ + P_-)(P_+W^{-1} + P_-) = L,$$

то обратный справа к $WP_+ + P_-$ оператор $(WP_+ + P_-)L^{-1}$ является и левым обратным. В итоге справедлива

Теорема 4. Оператор $WP_+ + P_-$ обратим в пространстве $H_\omega(\Gamma)$ и его обратный имеет вид

$$(WP_+ + P_-)^{-1} = (P_+W^{-1} + P_-)[I + \frac{1}{2}(WSW^{-1} - S)]L^{-1}.$$

РОЛЬ КАДРОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТУРИСТСКОЙ ФИРМЫ.

Бахриева Зарина Насимовна, Преподаватель кафедры общественных наук СамГИИЯ.

Переход к рыночным отношениям, приоритетность вопросов качества и обеспечение конкурентоспособности туристского продукта изменили требования к административно-управленческим работникам, повысили значимость творческого их отношения к труду и высокого профессионализма. Это привело к существенным изменениям в принципах, методах и социально-психологических вопросах управления персоналом, повысило их роль в организации.

Без высококвалифицированных, культурных, знающих свое дело управленческих кадров немислимы глубокие качественные изменения в области менеджмента. Это связано с тем, что из чистого администратора, слепо выполнявшего команды «сверху», менеджер туристской фирмы превращается в творческую личность, деятельность которой направлена на реализацию политики мотивации, приобретающей в переходный к рыночным отношениям период решающее значение.

Политика мотивации в условиях развития коллективной организации труда (арендные коллективы, акционерные общества и т.п.) и привлечения всех сотрудников к управлению нацелена на развитие сотрудничества персонала с администрацией для достижения общих целей. Это побуждает управленческих работников искать новые формы управления, развивать потенциальные способности, эффективно трудиться, творчески относиться к трудовому процессу. Требование творческого отношения менеджеров к управлению обусловило повышение их самостоятельности и ответственности за выполняемую работу, активное участие их в принятии управленческих решений и непосредственную заинтересованность в результатах коллективного труда.

Сегодня наиболее приоритетными являются вопросы качества и обеспечение конкурентоспособности туристского продукта. В связи с этим, необходимо повышение требований к административно-управленческому персоналу и увеличение значимости творческого отношения к труду и высокого профессионализма работников сферы туризма. Это существенно повысило роль социально-психологических вопросов в управлении персоналом. Чтобы повысить качество в области туристского менеджмента, необходимо наличие в организации высококвалифицированного и культурного управленческого персонала. Это связано с тем, что из простого администратора, выполняющего рядовые команды высшего руководства, менеджер туристской фирмы должен вырасти в творческую личность, деятельность которой направлена на реализацию политики достижения поставленных целей фирмы. В современной организации должен быть высоко развит командный дух, и все сотрудники должны быть вовлечены в решение поставленных задач совместно с высшим руководством для достижения общих целей. Данная политика помогает менеджерам развивать потенциальные способности, эффективно трудиться, творчески относиться к трудовому процессу. Творческое отношение менеджеров к управлению обусловило повышение их самостоятельности и ответственности за выполняемую работу, активное участие их в принятии управленческих решений и непосредственную заинтересованность в результатах коллективного труда. Сейчас актуальным требованием становится использование инструментов маркетинга в управлении персоналом, позволяющих сформировать системный подход к изучению рынка труда, методам современной модернизации системы управления человеческими ресурсами в сфере туризма и самое главное - удовлетворить потребность организации в компетентных работниках.

Маркетинг персонала означает содержательное расширение функции производственного маркетинга в область управления человеческими ресурсами. Он включает следующие понятийные элементы:

- маркетинг как основной принцип управления, ориентированного на рынок;
 - маркетинг как метод систематизированного поиска решений; на основе современных методов исследования рынка формируется база данных, как для стратегических, так и для оперативных решений;
 - маркетинг как средство достижения конкурентных преимуществ;
- Основными практическими задачами маркетинга персонала в организации сферы туризма, в первую очередь, должны стать:
- исследование внешней и внутренней среды туристской организации;
 - изучение и сегментирование рынка труда;
 - изучение имиджа туристской организации.

Предмет изучения имиджа организации - представление о ней на внутреннем и внешнем рынках труда. Цель такого изучения - обеспечение отправных точек мероприятий по улучшению имиджа работодателя, направленных на то, чтобы и потенциальные работники, и сотрудники туристской организации предпочли его конкурентам. К инструментарию исследования имиджа можно отнести:

- опросы работников туристской организации, ее партнеров, потребителей и других групп людей;
- анализ найма, особенно неудачных мероприятий по подбору кандидатов на вакантные должности, а также мероприятий по подбору персонала из близкого окружения сотрудников;
- изучение претензий, высказываемых работниками в процессе деловой оценки, адаптации или в рамках специально организованной системы рассмотрения претензий;
- целенаправленный анализ данных исследования рынка труда.

Таким образом, современная бизнес-среда функционирования туристских организаций требует решения принципиально новых задач, важнейшая из которых является максимально эффективное использование своего кадрового потенциала. Причем это актуально не только для общества в целом, но еще в большей степени для каждой туристской организации. Развитие подходов к управлению персоналом в туристских организациях - это важнейшее направление, которое должно вывести отечественную туристскую индустрию на новый путь стабильного развития.

Основная цель предприятия сферы туризма — это снизить текучесть кадров, путем формирования стабильного коллектива и увеличения производительности труда и обеспечить возможности для профессионального развития персонала и повышения квалификации с целью оставаться конкурентоспособным на рынке труда. Возможности профессионального развития внутри собственной фирмы высоко ценятся ее сотрудниками, повышает мотивацию сотрудников к хорошей работе, создает благоприятный психологический климат в организации и повышает преданность сотрудников данной организации.

ТУРКИСТОНДАГИ ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Б.Э.Рахимов (СамДУ катта ўқитувчиси)

XIX асрнинг иккинчи ярми- XX аср боши Туркистон халқлари тақдирида кескин ва фожиали бурилиш ясаган давр бўлди.

Чоризм ҳукумати томонидан махсус кўчиртирилганлар, ундан ташқари ўзбошимчалик билан Туркистонга келганларни ер билан таъминлашда туб аҳолига тегишли ер мулкларни тортиб олиш ҳолатлари бутун ўлка бўйлаб кузатилган.¹ Стратегик муҳим районларга метрополия фуқароларини жойлаштириш мақсадида айрим вилоятлар маълум муддатга Туркистон таркибидан чиқарилган. Масалан, Каспийорти вилояти Кавказ ноиблигига ўтқазиб юборилган(1874й). XIX асрнинг 90-йиллар охиридагина, яъни Россиядан кўчиб келган элатлар ҳамда бошқа хорижий фуқаролар билан етарли даражада тўлдирилгачгина яна Туркистон генерал-губернаторлигига қайтариб берилди (1898й).

Каспийорти вилоятига нафақат рус фуқаролари (руслар, украинлар, рус немислари), балки бошқа хорижликлар ҳам келишган. Фикримизни қуйидаги архив маълумоти ҳам тасдиқлайди. 1894 йил Туркиядан Каспийорти вилоятига 3 минг арман қочиб ўтган.²

XIX аср охири- XX аср бошида Каспийорти вилоятидаги хорижий фуқаролар сони 8146 нафар кишини ташкил қилган.³

XIX аср охири - XX аср бошида хорижликлар оқими кучайганини қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин. Инглиз “саёҳатчиларидан” капитан Марш, Антон Дильке, доктор Вольф, яхудийлардан бўлган инглиз миссионерлари Герберт Вид, Непир, полковник Макгрегор, Ботлер, О'Донованлар Ўрта Осиёни “илмий” ўрганиб чиққан асосий тадқиқотчилардан бўлишган. Айниқса 1872-йил бундай саёҳатлар тез-тез амалга оширилади.

Айнан О'Донован “Dayli News” саҳифаларига Каспийортидаги воқеаларга доир янгилик, хабарларни етказишда жонбозлик кўрсатган. Натижада Европа олами бу тадқиқотчи орқали XIX аср охиридаги Каспийорти вилояти, Марв ва туркманлар ҳақида ўша давр нуқтаи назаридан ҳам ўта қимматли маълумотларга эга бўлган. Ихтиёримиздаги ҳужжатлар О'Донованнинг туркманлар юртига уюштирган сафари осон кечмаганлигидан далолат беради⁴. Мухбир анча вақт текинликларнинг (текинликлар-туркман уруғларидан бири) асири бўлади. Даставвал туркманлар уни рус айғоқчисига чиқариб, ортидан Генерал Скобелев қўшинлари кириб келади деб гумон қилишган. Бу инглиз фуқаросини Марв текинлари бошлиғи Кожархоннинг қароргоҳи бўлмиш Коушитхон қалъасига олиб келишади. О'Донованнинг маълумотларига қараганда, унинг тақдири туркманлар томонидан қақирилган умумий мажлисда ҳал қилинади. О'Донованнинг тасвирлашича, туркманлар мажлиси қуйидаги кўринишга эга бўлган: икки юз кишига яқин туркман оқсоқоллари кенг далада доирасимон шаклда жойлашишади. Уларнинг ортидан бутун омма мажлисни кузатиб туришади. О'Донованнинг ёзишича, Марв аҳолиси жинси ва ёшидан қатъий назар оқсоқоллар кенгашининг энг муҳим мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланган. Оқсоқоллардан бирининг : “Кимсиз ва нега келдингиз бу ерга?”- дея ташлаган саволига жавобан О'Донован ўзини Англиялик эканлигини, рус қўшинларининг муваффақиятлари ҳақида хабар беришини, шу мақсадда Генерал Скобелевдан олдин Марвга етиб келганлигини айтади. Қуни билан инглизни саволларга тутган мажлис Машҳаддаги инглиз Агенти Аббосхонга мурожаат қилишга қарор қилади. Ниҳоят инглиз агенти О'Донованнинг шахсини тасдиқлагач, туркманлар уни озод этишади. Марвда у текинликлардан ташқари курд ва яхудийлар билан танишади.

¹ Исхаков Ф. , Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917гг),Т. 1997,98-99 бетлар

² ЎзМДА, Ф.И-16, оп.2, 1905-иш, 3-бет

³ ЎзМДА, Ф.И-1, оп.4, 466 -иш, 28-бет

⁴ «Туркестанский сборник» . Т.298, 27-33 бетлар

О'Донован Марвда яхудий фуқаролар барчага текин бўлган бозорда савдо қилиш ҳуқуқи учун пул тўлашга мажбур бўлганликларини қайд этади, аммо ўз динига ҳеч қандай тўсиқсиз сиғиниши мумкин бўлган.¹ Эронга қилган сафари давомида кўплаб шаҳарларда яхудий савдогарларни таёқ билан мачитга ҳайдаб боришганига гувоҳ бўлган мухбир шу жиҳатдан Марвда яхудийларнинг аҳволи Эрон шаҳарларига нисбатан таққослаб бўлмас даражада яхши эканлигини таъкидлайди. О'Донованнинг гувоҳлик беришича, XIX аср охири - XX аср бошларидаги Каспийорти вилоятида нафақат яхудий, балки бошқа хорижий фуқароларга ҳам диний эркинликлар берилган.²

Бу тадқиқотчи туркманларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид яна бошқа кўплаб маълумотларни келтиради. О'Донован Каспийорти вилоятидан ташқари бошқа шарқ ўлкаларида ҳам бўлиб, қимматли фактларни тўплайди. Россел, Арчибалд, Макгахан уни мухбир сифатида юқори баҳолашган. О'Донован Суданда Гякса-паша кўшинини тор-мор этиш вақтида халок бўлган.

Юқорида номлари келтирилган хорижликларнинг фаолияти сиёсий тусга эга бўлиб, мақсадлари ҳудудларни инглиз таъсир доирасига кирғизиш эди. Яна бир тоифа хорижликлар бўлганки, улар насронийликни тарғиб қилиш мақсадида юрт кезишган. Шундай миссионерлардан бири бўлган Генри Лансдельнинг “Throughli Siberia” (“Сибир бўйлаб”) китоби 5 марта нашр этилган, немис, швед ва дания тилига таржима қилинган. Генри Лансдель рус империясининг энг чекка ўлкаларини бориб ўрганишга қарор қилади. Ўзининг 1,5 минг бетлик “Russian Central Asia, uncluding Kuldja, Bokhara, Khiva and Merw”³ номли 2 жилдлик асарида рус Ўрта Осиёси, шу жумладан, Кулджа, Бухоро, Хивага доир маълумотларни келтириб Марв ҳақида ҳам қимматли фактларни тақдим этади. Муаллиф Ўрта Осиё ҳақида ёзилган 667 асар номини келтиради, бироқ Лансдельгача Европада ушбу мавзуга оид мукамал асар бўлмаган. Асардан нафақат тарихчи ё давлат арбоби, балки иқтисодчи-ю географ, табиатшунос-у археолог ҳамда этнограф ҳам ўзига керакли барча маълумотларни олишлари мумкин. XIX - аср охиридаги Каспийорти, хусусан Марвга алоқадор кўплаб саволларга Лансдельнинг китоби тўлиқ ва қониқарли жавоб беради.

Каспийортида маълум пайт яшаб ижод қилган яна бошқа бирхорижлик фуқаро бу келиб чиқиши асли швейцариялик бўлган Генри Мозердир. У Ўрта Осиё ичкарасига, Оренбургдан тортиб Тошкент, Бухоро, Хива ва Асхобод орқали Эронга ўтган. Ўлка бўйлаб уюштирган саёҳати давомида Г.Мозерни Туркистон генерал-губернатори М.Г.Черняев тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Натижада Г.Мозер қаламига мансуб генерал М.Г.Черняевга бағишланган “A travers L'Asie Centrale” асари дунё юзини кўради. Ушбу асарда Асхободҳақида маълумотлар келтирилади.⁴

Шундай қилиб, Туркистондаги хорижий фуқаролар тарихига оид асосий манбалар Ўзбекистон Марказий Давлат Архивида мужассамлашган. Унинг тарихий жамғармасида Туркистон ўлкасидаги барча иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий воқеаларга оид катта ва кенг далилий материаллар ўрин олган. Шу қаторда Туркистон ўлкасининг таркибий қисми бўлмиш Каспийорти вилояти тарихига доир маълумотлар ҳам анчагина, хусусан XIX аср охири- XX аср бошида Каспийортига келиб жойлашган хорижликларнинг миллий таркиби ҳақида етарлича материал топамиз. Масалан, шу даврда вилоятда Россия, Австрия, Германия фуқароларидан ташқари поляклар, чех, серб, румин, мадьяр, венгр, афғон, яхудий, форс фуқаролари яшаб турли фаолият юргизган.⁵

Хуллас ушбу мавзуга доир манбаларни ўрганиш, улардаги маълумотларни қиёслаш ва таҳлил қилиш натижасида Туркистондаги хорижий фуқароларнинг XIX аср охири - XX аср бошида Каспийорти вилоятидаги фаолиятининг айрим жиҳатлари очиқ берилади.

¹ “Туркестанский сборник”, Т. 298, 32-бет

² “Туркестанский сборник”, Т.298, 32-бет

³ «Туркестанский сборник». Т.389, 001-009 бетлар

⁴ “Туркестанский сборник”, Т.398, 069-073бетлар

⁵ ЎзМДА, Ф.И-461, оп-1, 599 -иш, 2, 8,-бетлар: ЎзМДА, Ф.И-461, оп-1, 1289 -иш, 38-бет: ЎзМДА, Ф.И-461, оп-1, 812 -иш, 33-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЎРНИ.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ.

Умарова М.М.ассистент ТАҚИ



- autonomous learning is promoted as learners become more responsible for their own learning.
- all four skills, reading, writing, listening and speaking are integrated.

Bibliography

1. PATEL, Chirag M. Innovative Methods of Teaching English Language to School Students Using Teaching Aids. In IUP Journal of English Studies, Edinburg, 2014
2. Internet: <https://www.britishcouncil.uz>

ТАСАВВУФ ВА МЕЪМОРЧИЛИК САНЪАТИ РИВОЖИ

Дилфуза Жуманиёзова МРДИ

XV-XVII асрлар Моварауннаҳр маданияти ва санъати ривожда меъморчилик соҳаси муҳим ўрин тутди. Бу борада тасаввуф таълимоти ва хонақоҳлар маърифат маскани сифатида муносиб ҳисса қўшди.

Маълумки, “Хонақоҳ” - сўфийларнинг яшаш ва ўқиш жойи бўлиб, бу ерда ўрта асрларда тасаввуф йиғинлари ўтказилган.(1) Хонақоҳлар X асрда дастлаб Моварауннаҳрда юзага келади, шундан кейин Хуросон, Эрон ва Арабистон мамлакатларида пайдо бўлади. Хонақоҳлар қуйидаги ишлар учун хизмат қилган:

1. Сўфийларнинг яшаш жойи;
2. Тасаввуфнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш;
3. Зикр тушиш;
4. Муайян масала бўйича баҳс олиб бориш;
5. Тасаввуф мажлислари ўтказиш.

Моварауннаҳрда хонақоҳ институти маданий ривожланишида қуйидаги вазифаларни бажарган:

- аҳолини тасаввуфий маърифат билан таништириш;
- исломий маданиятни тарғиб қилиш;
- фуқаролар муаммоларини тинглаб, тегишли кишиларга етказиш.

Хонақоҳлар дастлаб машҳур тасаввуф шайхлари томонидан мақбул жойларда қурилган. Кейинчалик бой-бадавлат кишилар ва амалдорлар томонидан вафот этган валийларнинг қабрлари атрофида қурила бошланди. XV-XVII асрларда ҳозирги Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё воҳаларида ана шундай кўплаб хонақоҳ комплекслари қурилди. Бу хонақоҳлар қурилиш архитектураси, дизайни ва маҳобатлилиги билан диққатни тортади. Уларда намозхона, ётоқ жойи, ошхона, машғулот жойи ва турли зарурий хоналар бўлган. Хонақоҳларга катта ерлар вақф қилиб берилган. Мисол учун, Абдуллахон 1559 йили Кармана шаҳрида пиру-муршиди Қосим Шайх Азизонга (XVI аср) ўзига хос бир хонақоҳ қуриб берган. Бу хонақоҳ, ҳақида Ҳасанхожа Нисорий ёзади: “ Шайх Азизоннинг олийшон хонақоҳи, бу ерга кирган киши омонлик топади”⁽²⁾ ояти карима маъносидан хабар бериб, замон аҳлининг тинчлик-омонлик уйига айланган.

Хонақоҳ Кармана шаҳрининг чеккасида жойлашган. Тенги йўқ ҳадисчи ва буюк тафсирчи Хожа Сифаҳоний айтганлар:

Лавхашаллоҳ зи оби Кармина,
Майи жаннат шароби Кармина
(Карминанинг сувига офарин бўлсин,
Карминанинг бу ичимлиги жаннат майидир.)

Бу ҳақида фақир у маърифатпаноҳнинг хонақоҳи тарихини шундай айтганман:

Соҳт кутби замони хонақоҳе,
К-зи шараф Кабъа шуд бар аҳли жаҳон.

Кимки сунъи аз барои таърихаш,
Зад рақам: “Хонақоҳи кутби замон”

(Кутби замон хонақоҳини кўр,
У Кабъа мисол жаҳон аҳлини ўзига тортади.

Унинг қурилиш тарихини изласанг-
“Кутби замон хонақоҳи” сўзидан чиқади)
(96 в Н 155 а)”³

Хонақоҳларнинг кошинлари ва деворларини оятлар, ҳадислар, ҳикматлар ва шеърлар билан зийнатлашни тасаввуф вакиллари бошлаб беришган, XV-XVII асрлар давомида ҳозирги Самарқанд худудларида Нур ота, Лангар ота, Қиём шайх, хазрати Башир хонақоҳлар фаолият олиб борган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсупова М. Бухарская школа зодчества XV XVII века. Издательство «SMI-ASIA» , Ташкент-2014.
2. Нисорий Хасанхўжа. Музаққари Аҳбоб/ форс тилидан ўзбекчага Исмоил Бекжон таржимаси/ Тошкент, 1993й.
3. Ахмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994.
4. Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, «Маънавият», 1998й.

DEVELOPMENT OF THE LANDSCAPE ENVIRONMENT OF SCIENCE AND TECHNOLOGY PARK IN THE TERRITORY OF SAMARKAND

(Samarqand hududida ilmiy-texnika parkninglandshaft muhitini rivojlantirish)

202-Arxitektura talabasi Sobirova O.I., 201-KXALTE talabasi Xaydarova M.

Eshmuratov.O.A. "Arxitekturanazariyasivatarixi" kafedraassistenti (SamDAQI)

It is desirable to include the most valuable trees and bushes of local conditions of growth in the range of the projected planted trees and shrubs object. It is also possible to enter into the range of objects of gardening breeds of other geographical areas if they maintain local climatic conditions.

At creation of compositions of green plantings it is planned to use the following elements:

- a) single trees and bushes;
- b) groups of trees and bushes of true deciduous and coniferous breeds or mixed;
- c) green hedges from short-haired and unbarbered trees or bushes;
- d) borders from low bushes (to 0,5 m);
- e) flower registration - beds, rabatka, orchestra seats etc.;
- i) herbalists the ordinary and blossoming lawns.

Gardening - set of the actions for improvement of appearance of the territory connected with landing of plants (bushes, trees, flowers). Lawns, flower beds, beds - an integral part of gardening. The full decorative effect will reach in 2-3 years of complex and regular care.

The lawn (from the French gazon - the turf) represents the natural cespitose cover consisting generally of densely growing long-term cereals. The grass surface of a lawn needs to be cut regularly. Then it will be equal and will sustain trampling. The lawn bears considerable decorative loading, forming a special background for landings, harmoniously connecting among themselves separate parts of the square, and has impact on a microclimate. The cut grass promotes intensive evaporation of moisture therefore in hot days air temperature over a lawn is 3-5 degrees lower, than over any other covering. Besides, the well-groomed lawn creates the special atmosphere and a favorable psychological background. The lawn is created from mix of four species of long-term cereal herbs: kostrets bezosty, житняк, fescue meadow, wheat grass creeping. Such lawn carries out both decorative, and practical function. It long, shade-enduring, steady against mechanical damages, for the siccostable.

Any plant possesses special decorative qualities. The size and coloring of leaves, amount of colors, color of bark, height – these indicators at each plant the, and it allows to create interesting compositions. An important role is played by gardening process planning. The park territory covered with a tile it is decorated fresh with flowers in flowerpots. Flower beds are created by the principle of landscape composition.

Flower beds of regular composition — it is beds, vases from concrete which are created from ingates and biennials.

In beds the nasturtium, pansies, tulips, narcissuses, barkhatets "carmine", irises land алиссум, агератум.

In flowerpots a petunia.



Alissum - the charming dwarfish annual plant forming a dense creeping carpet. Flowers small, are collected in small inflorescences brushes, white, with a honey smell. For continuous blossoming periodically delete faded flowers. The plant is photophilous and drought-resistant. The blossoming period May - September.

Nasturtium big (*Tropaeolum majus*) "Salmon Bebi". An annual bush plant 40 cm high with large flowers, with a diameter of 6 cm. Coloring of flowers of red and yellow color. Petals corrugated possess pleasant aroma. The blossoming period June – October.

Ageratum Mexican

(*Ageratum mexicanum*) "Pink Ball". The perennial plant which is grown up as one-year. A plant 30 cm high with dense inflorescences baskets of blue and lilac color. Diameter of a flower of 8 cm blossoms from June to September.

Petunye krupnotsvetkovy (*Petunia grandiflora*) "Ultra Burgundi". The perennial grassy plant cultivated as an odnoletnik, height 30sm. Flowers pink, 4 cm in the diameter, funnel-shaped, with characteristic aroma. The petunia blossoms from June to September, without demanding special leaving.



Pansies - perennial plants 20 cm high, usually they are grown up as biennials. Their effective flowers repeat a violet form. The viol bush at the beginning of vegetation compact, then becomes sprawling; main escape upright, root system mochkovaty. In bosoms of leaves pansies form tsvetonosa which ends crown single large flowers with a diameter of 7 cm.

Barkhattsa of "Carmen" - a plant one-year. Stalks upright, 20 cm high, strongly branchy from the basis, the side escapes rejected. Leaves small, plumose рассеченные, with linearly-lantsetnymi shares, on edge pilchaty, dark green, are located in the next or opposite order. Inflorescences — baskets of 6 cm in the diameter, single or in the shchitkovidnykh inflorescences, bowl-shaped, varied in form, on long tsvetonosa. A wrapper single-row, from 5-7 accrete leaflets pointed at a top. Reed flowers yellow, orange, brownish-brown or dark red, velvety, often bichromatic, with various ratio of the called shades; the tubular — yellow or orange.

Tulips — plants quite unpretentious can be also reconciled with any garden soil and location however in this case you shouldn't wait from them for special effect during blossoming. Make multiple copies garden tulips make multiple copies usually bulbs. At seed reproduction signs of a grade don't remain, besides seedlings blossom for 7-8 year, or later. Diameter of a flower is 5 cm, height is 30 cm. Color – yellow, red. The blossoming period May – June.

Narcissus. The scientific name — Narcissus Poeticus. Comes from the Greek word 'narkao' — to stupefy, stun that is possibly connected with bulbs which poisonous properties are known from an extreme antiquity, or can be connected with the stupefying smell of flowers. The second word of the name — poeticus (poetic) is connected with that it was so sung by poets of all countries and centuries as any other plants, excluding only a rose. Perennial bulbous plants. Leaves radical, linear, in number 2-4. Цветонос leafless, round or flattened, up to 50 cm long, at its top there is a knot with the pedicel 0,5-1,5 cm long departing from it and with filmy wrappers. Large flowers, single or in brushes, often fragrant, a little hanging, simple or terry, 6 cm in the diameter. Blossom in May-June.



Siberian irises — This garden group unites grades and hybrids of an iris Siberian and blood-red. All of them differ in unpretentiousness and winter hardiness. Also it is allocated the sino-Siberian irises and the Californian-Siberian irises. The plant is a long-term. The height of a flower is 30 cm, diameter is 8 cm. It blossoms in May and July.

Social and humanitarian literature, State laws and decrees.

1. Adylov LA Landscape planning. - Tashkent, 2007
2. Vergunov AP, Denisov MF, SS Ozhegov Landscape design. - M.: Higher School, 1991
3. Allen, D., D. Burr, T. Broadhurst Science Park: organization and management: Per. from English. / D. Allen, D. Berry, T. Broadhurst. - L., 2000.
4. Karcev, DA and Technopolis technology parks in the world economy and especially their development in Russia: Dis. . cand. ehkon. Sciences: 08.00.14 / DA Karcev. Moscow, 2000. - 230 p.
5. AV Sychev Landscape Architecture. - M.: ONYX 2007
6. Ozhegov SS, the Urals AS, Rakhimov K.ZH .. Landscape Design arhitekturasi Islands. - Samarkand: SamDAKI 2009
7. Severin SI Comprehensive landscaping in urban accessories. -Kiev 1975
8. Science and the National Parks. Committee on Improving the Science and Technology Programs of the National Park Service, National Research Council

АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИ ЛАНДШАФТ РЕЖАВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

203- Архитектура талабаси Эгамбердиева Э.А., 203- Архитектура талабаси Раббимова Д.З. (Эшмуратов О.А. “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси ассистенти (СамДАКИ)

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўкаламзорлар тизими фойдаланиши ва уларнинг қайси мақсадларга мўлжалланганига қараб 3 та йирик гуруҳга бўлинади: умумий фойдаланилувчи, фойдаланиши чекланган ва махсус мақсадларга мўлжалланган кўкаламзорлар.

Умумий фойдаланилувчи кўкаламзорларга умумшаҳар ва туман марказларининг парклари, микрорайонлар боғлари, скверлар, бульварлар, шаҳар майдонлари ва транспорт магистралларининг кўкаламзор ҳудудлари, хиёбонлар, пиёдалар кўчаларидаги кўкаламзорлар киради.

Фойдаланиши чекланган кўкаламзорларга қолган барча тураржойлар ва саноат зоналари ичида жойлашган кўкаламзор ҳудудлар киради. Буларга тураржой кварталлари ва микрорайонлардаги тураржой гуруҳлари олди участкалари, мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув мауссасалари, спорт комплекслари, соғломлаштириш муассасалари ҳамда саноат корхоналари ва ташкилотлари ҳудудларидаги кўкаламзорлар киради.

Махсус мақсадларга мўлжалланган кўкаламзорларга эса кўча ва транспорт магистраллари бўйлаб экилган кўкаламлар, санитария-ҳимоя ва сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш зоналари, ботаник боғлар, дендрариялар, ҳайвонот боғлари ва парклари ҳудудидаги кўкаламлар ҳамда кўргазма боғлар, кабристонлар, гул ва кўчатлар етиштирувчи хўжаликларнинг кўкаламлари киради.

Айтиб ўтилган кўкаламзорлар шаҳар ва кишлоқлар ҳудудида муайян бир тартибда жойлашиб, замонавий шаҳар ва кишлоқ кўкаламзорларининг яхлит тизимини ташкил қилади.

Кўкаламзорлар тизимининг биринчи бошланғич элементи сифатида микро-ройонлардаги мавжуд турар-жой гуруҳларининг боғини ёки маҳаллалар марказлари қошидаги боғни кўрсатиш мумкин. Агар яна ҳам ичкарироқ кириб борилса, хусусий уй-жойларнинг ҳовли-боғларини энг бошланғич кўкаламзор элемент тарзида кўрсатиш мумкин.

Кўкаламзорлар тизимининг учинчи таркибий элементи сифатида шаҳар тураржой массиви (тумани)нинг парк ва унинг ёнида жойлашган спорт иншоотлари боғини кўрса-тиш мумкин. Собик Иттифок даврида бу боғ “жилой район парк” деб аталиб, унинг тар-кибида очик ва ёпиқ спорт майдонлари ва иншоотлари ташкил этилган.

Ҳозирги катта ва йирик шаҳарлар ҳудудида бир нечта режавий ва маъмурий туманлар мавжуд бўлиб, улар таркибида туман парклари ва спорт мажмуалари ташкил этилганки, уларни биз шаҳар кўкаламзорлари тизимининг кейинги босқичи тарзида қарашимиз мумкин.

Шаҳар ичи кўкаламзорлар тизимининг энг йирик звенолари бу, албатта, умумшаҳар марказий парк ва шаҳар спорт паркидир. Шаҳар ичи кўкаламзорлари тизимининг элементларига юқоридагилардан ташқари яна шаҳар майдонлари, хиёбонлар, скверлар, бульварлар, кўкаламзор пиёда йўллар ва соҳиллар бўйлаб жойлашган боғлар ҳам киради. Бу кўкаламзор элементларнинг бўлиш-бўлмаслиги шаҳарнинг катта-кичиклиги ва структуравий тузилишга кўп жиҳатда боғлиқдир.

Кўкаламзорлар тизимини ҳажмий тузилиши ва ташқи кўринишига қараб шартли равишда очик ва ёпиқ яшил муҳитларга бўлиш мумкин. Очик яшил кўкаламзор муҳитларга манзаравий партер гулзорлар ва майсазорлар, очик хиёбонлар кирса, ёпиқ яшил муҳитга ёпиқ хиёбонлар, дарахт ва баланд буталардан тузилган яшил массивлар, ўрмонзорлар киради. Ёпиқ яшил кўкаламзор муҳит - бу дарахтзорлар ичидаги майсазорлар, йўлаклар, хиёбонлардан ва асосан соя ва салкин муҳитлардан ташкил топади. Бундай муҳитда осмон деярли кўринмайди, ҳамма жой соя-салкин бўлади. Очик яшил муҳит эса бунинг акси, унда соя бўлмайди, муҳитга қуёш тушади, очик муҳитдаги барча ландшафт элементлари ва осмон кўринади.

Ёз пайтида кундуз кунни очик яшил муҳитдаги ҳавонинг ҳарорати ёпиқ яшил муҳит ҳавосига нисбатан иссиқ бўлади. Маълумки, совуқ ҳаво вазни иссиқ ҳавога нисбатан енгилдир. Бунинг оқибатида ёпиқ яшил муҳитдаги оғир ҳаво очик муҳитдаги ўзидан енгил бўлган иссиқ ҳаво томон оқади ва унинг жойини эгаллашга ҳаракат қилади. Ҳавонинг бундай оқими, яъни ҳаво силжиши оқибатда ёпиқ ва очик яшил муҳитлар чегарасида энгилгина шаббода юзага келади. Бу табиий воқеликни биз “шаббода самараси” деб атадик. Кечаси эса бунинг акси, яъни очик яшил муҳит қуёш ботиши билан ёпиқ яшил муҳитга нисбатан тез совуқ кетади ва шаббода тескари томон-ёпиқ яшил муҳитга қараб ҳаракатланади.

Очик ва ёпиқ яшил муҳитлар доирасида содир бўладиган бундай ижобий ҳаво ҳаракатининг қонуниятидан кўкаламзорларни лойиҳалашда Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитида самарали фойдаланишни, бунинг учун эса шаҳар кўкаламзорлар тизимида ташкил этиладиган очик ва ёпиқ яшил муҳитлар майдонининг ўзаро нисбатини 1:1 тарзда олишни тавсия қиламиз.

Кўкаламларни меъёрлаш – бу аҳоли пунктларида одам бошига тўғри келиши зарур бўлган яшил майдонни кв. метрда меъёрлаш демакдир. Яшил майдон деганда ўсимликлар, дарахт, бута, гуллар, майса ёки ер ёпар ўсимликлар экилган майдон тушунилади. Бундай майдонларни меъёрлаш баринчи навбатда аҳоли пунктининг катта-кичиклигига ва табиий-иқлим шароитларига боғлиқдир. Агар шаҳар йирик ёки катта бўлса одам бошига умумий фойдаланилувчи кўкаламлар эгаллаган яшил майдонлар ҳам кўпроқ, шаҳар кичик бўлса бундай кўкаламлар майдони ҳам камроқ бўлади.

Шаҳарсозлик бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалаш нормаларида фойдаланиш чекланган ва махсус мақсадларга мўлжалланган кўкаламзорлар майдони меъёрланмаган, фақат умумий фойдаланувчи кўкаламлар ҳудудигина меъёрлаштирилган. Умумий фойдаланувчи кўкаламлар ўз навбатида қуйидагича гуруҳларга бўлинган:

- а) умум шаҳар кўкаламлари;
- б) шаҳарлардаги тураржой туманлари кўкаламлари;
- в) қишлоқ аҳоли пунктлари кўкаламлари.

Ҳар бир гуруҳ учун алоҳида яшил майдонлар меъёрланган. Масалан, қишлоқ аҳоли пунктларининг кўкаламларини бир кишига максимал 12 м.кв. деб белгиланган. Бу меъёрни қуйидаги ҳолатларни эътиборга олган ҳолда 20% у ёки бу томонга ўзгариш мумкинлиги кўрсатилган:

- а) иқлимий шароитлар (Ўзбекистоннинг жанубий вилоят ва туманларида яшил майдонлар меъёри шимолий вилоят туманларига қараганда кўпроқ бўлиши керак);
- б) яшаш учун ноқулай шароитлар (кучли шамоллар, чанг-тўзонлар, қумлар, қор қўчкилари мавжуд аҳоли пунктларида кўкаламзор майдонлар миқдори кўп бўлиши зарур);
- в) ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарининг кўплиги (саноат корхоналарининг кўплиги ҳам бир кишига тўғри келадиган яшил майдонлар миқдорини оширади);
- г) шаҳарсозлик режавий шароитлари (масалан, шаҳарда қуриш учун нобоп майдонлар мавжуд бўлса, улар яшил кўкаламзорларга айлантирилади ва бундан яшил майдонлар миқдори ошади).

Шаҳарлар ва қишлоқларимизнинг сифатли ва зарур миқдордаги кўкаламлаштирилиш даражаси – бу аҳоли яшаш маданиятининг ошганлиги белгисидир. Қайси аҳоли пункти яхши ва сифатли кўкаламлаштирилган ва ободонлаштирилган бўлса ўша ерга аҳолининг қўчиб келиши ва муҳим жойлашиши кузатилади.

Ўзбекистон кам ўрмонзорли ва серкуёш республика, шунинг учун унинг иклими ва табиати сунъий яратилган кўкаламзорлар ва ўсимликларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу ўлкада соя ва сув ўта долзарб масаладир. Шунинг учун ҳам шаҳар ва қишлоқларимизда кам сув сарфлаб кўп сояли ва салқин масканларга эга бўлиши жуда муҳимдир. Бунга эришишнинг энг осон йўли ва тезкор йўли аҳоли пунктларини тўғри ва самарали тарзда кўкаламлаштириш ва ландшафт ташкил этишдир.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўкаламзорлар тизимини лойиҳалаш ва ташкил этишда қуйидагича асосий тамойилларга амал қилиниши зарур:

1) шаҳар ҳудуди бўйлаб йирик яшил кўкаламзорларни тенг маромда тақсимлаш ва жойлаштириш. Мазкур талаб энг аввало умумий фойдаланувчи кўкаламзорларга таллуқлидир;

2) яшил кўкаламзорлар тизимининг шаҳар ҳудуди бўйича узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш. Ушбу тамойил шаҳар боғ-паркларининг яшил ҳудудларини бир-бирига кўкаламзор хиёбонлар, кўчалар, тротуарлар, скверлар, шаҳар майдонлари ёрдамида боғлаб, уларнинг яхлит ва узлуксиз умумий кўкаламзорлар тизимини яратиш орқали амалга оширилади;

3) шаҳар ички ва ташқарисида жойлашган кўкаламзор яшил ҳудудларни бир-бирига боғлаш ва уларни ягона комплекс ечимга келтириш. Мазкур талабга шаҳар ичидаги яшил ҳудудларни функционал ва композициявий жиҳатлардан шаҳар ташқарисида жойлашган парклар ва манзаравий боғ-роғлар билан боғлаб, улардан ҳудудига шаҳар селитеб ҳудудининг ичигача кириб боровчи ўзига хос “яшил поналар”ни, шакллантириш орқали эришилади.

Кўкаламзорлар тизимини ташкил этишда қуйидаги уч асосий вазифанинг ҳал этилиши зарур бўлади:

-функционал вазифа – турли мақсадларга мўлжалланган кўкаламзор шаҳар ҳудудларини ташкил этиш, шу жумладан аҳолининг қулай дам олиши учун боғ-парклар ва бошқа яшил муҳитлар тизимини яратиш;

-санитария-гигиеник вазифа – шаҳар муҳитининг экологиясини соғломлаштириш ва микроклиминини яхшилаш;

-меъморий - бадий вазифа – бадий жиҳатдан яхлит ва эстетик жозибадор бўлган шаҳар архитектуравий-ландшафт муҳитини ташкиллаштириш ва шакллантириш.

Аҳоли яшаш жойларини кўкаламлаштириш нормалари ва тамойилларига риоя қилиш, уларни меъморий – ландшафт ташкил этишнинг юқорида кўрсатилган тамойил ва шаклларида амал қилиш шаҳар ва қишлоқларимизнинг нафақат экологик жиҳатдан тоза, иқлимий қулай бўлишлигига, балки маданий – манзаравий ва эстетик жиҳатлардан ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **Убайдуллаев Х.М. Иногамова М.** “Тураржой ва жамоат бинолари типологиялари сослари”. Тошкент 2009й.

2. **Фирсанов В. М.** Архитектура гражданских зданий в условиях жаркого климата. М.: Высшая школа, 1982.
3. **Тоштемиров Р.Т.**, К вопросу применения дома коридорного типа в сухом жарким климате Узбекистана. в кн.: Вопросы родостроительства в условиях жаркого лимата:-Ташкент, 1982, с. 55-60.
4. www.uznature.uz.htv
www.Gardener.ru
www.http://landscapedesign.ru

ПЕНОБЕТОНДАН ИБОРАТ ТАРКИБИ БИР ЖИНСЛИ БЎЛМАГАН ТАШҚИ ДЕВОР КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИССИҚЛИК-ФИЗИК ҲИСОБИ.

*т.ф.н,доц. Шукуров F, асс. Султонов А, асс. Эгамова М,
 магистрант Одинаева С. (Сам ДАҚИ).*

Ушбу мақолада биноларни энергия самарадорлигини оширувчи пенобетондан иборат уч катламли бир жинсли бўлмаган ташқи девор конструкцияси иссиқлик-физик жиҳатдан асосланган.

В данной статье приведены результаты теоретических теплофизических исследований наружных стен из трёхслойного пенобетона повышающий энергоэффективность зданий.

In this article it is given results of theoretical heat physical researches of external walls from three-layer foam concrete increasing energy efficiency of buildings.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда биноларни энергия самарадорлигини ошириш мақсадида уларни ташқи тўсик конструкцияси сифатида турли – туман иссиқлик ҳимояси оширилган таркиби бир жинсли бўлмаган ташқи девор ва том ёпмалар қўлланилмоқда. Жумладан Россияда “Тёплый дом” деб аталувчи ташқи деворлари пенополистиролдан иборат олинмайдиган колип (Несъёмная опалубка) ёрдамида тикланаётган биноларни ва бошқаларни олиш мумкин. Аммо бу турдаги турли-туман иссиқлик ҳимояси оширилган конструкцияларни асосий камчилиги, уларни таннархини баландлигидадир. Иссиқлик ҳимояси пенопласт, пенополистирол ва бошқа минерал плиталар билан оширилган ташқи девор конструкцияларини бир метр квадратини нархи 50-60 долларни ташкил этар экан.[4]

Ҳозирги пайтда Самарқанд шаҳрида “ALINA INVEST” масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Ўзбекистон-Белорусия-Россия” қўшма корхонасида т.ф.н,доц. Султонов А. раҳбарлигида пенобетондан иборат деворбоп блоklar ишлаб чиқарилмоқда. Блокларнинг ўлчамлари 600x600x200, 600x300x200, 600x300x100, 400x400x200, 400x300x300, 500x300x120мм бўлиб уларнинг баъзи хусусиятлари қўйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

1	Қуйидаги блоklarни куриқ ҳолатдаги ўртача зичлиги кг/м ³ , 600x300x100 мм 600x300x200 400x200x200	ГОСТ 12730.1-78	D1200	510 D500 590 785 970 D600 D800 D1000	Талабга жавоб беради
2	Иссиқлик ўтказувчанлик коэффецинти, Вт/(м* ⁰ С) D500 D600 D800 D1000	Гост 7076-87	0.12 0.14 0.21 0.24	0.11 0.13 0.20 0.23	Талаб-га жавоб беради

Ушбу мақолада тадқиқотлар натижасида пенобетондан иборат бир жинсли бўлмаган девор конструкцияси муаллифлар томонидан ишлаб чиқилиб, иссиқлик физик жиҳатдан асосланиб, амалиётда қўлланилиши учун тавсиялар тайёрланмоқда.

Бу конструкцияларни афзаллик томонлари қуйидагилардан иборат:


1. Бу конструкция маҳаллий қурилиш материалларидан тикланади;
2. Турли – туман энергия самарадор биноларни қуриш имкониятини беради;
3. Қурилиш муддатини кескин қисқартиради;
4. Бино қурилиши учун сарф бўлаётган моддий ҳаражатлар кескин камаяди;

5. Бино ташки деворини иссиқлик ҳимоясини оширади;
6. Бино зилзилабардошлигини оширади;
7. Девор қурилишида, пенобетондан иборат олинмайдиган қолип девор конструкцияси деворни тиклаш жойида қолади.

Пенобетондан иборат олинмайдиган қолип “ALINA INVEST” масъулияти чекланган қўшма корхонасида тайёрланиб, СамДАҚИни “Бино ва иншоотлар” кафедрасининг лабораториясида ташки девор намунаси қурилиб, унда иссиқлик – физик тажрибалар ўтказилмоқда.

Тажриба натижаларини назарий иссиқлик-физик тадқиқотлар билан таққослаш учун биринчи навбатда бу конструкцияни иссиқлик-физик ҳисоблари бажарилиши лозим. Бунинг учун биз тавсия этаётган девор конструкциясини ҳисобий схемаси 1-расмда келтирилган.

1-расм.



1 – расм. Пенобетондан иборат олинмайдиган қолип девор конструкциясини схемаси.

1-расмда келтирилган пенобетондан иборат олинмайдиган қолипли ташки девор конструкциясини термик иссиқлик узатиш қаршилигини аниқлаймиз.

Иссиқлик – физик ҳисоблар учун қуйидаги дастлабки маълумотларни қабул қиламиз:

1. Пенобетондан иборат қўйма қолип, блоклари зичлиги $\gamma_0 = 400 \text{ кг} / \text{м}^3$, иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти $\lambda = 0.14 \text{ Вт} / \text{м}^\circ \text{С}$.
2. Оғир бетон, зичлиги $\gamma_0 = 2400 \text{ кг} / \text{м}^3$, иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти $\lambda = 1.74 \text{ Вт} / \text{м}^\circ \text{С}$.
3. Пенобетон $\gamma = 400 \text{ кг} / \text{м}^3$, иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти $\lambda = 0.14 \text{ Вт} / \text{м}^\circ \text{С}$ [5,6]

Бу конструкция иссиқлик оқими йўналишига параллел ва перпендикуляр жойлашган бир жинсли бўлмаган қурилиш материалдан иборат.

Конструкцияни иссиқлик оқими йўналишига параллел бўлган текислик билан кесиб, I, II, III, қисмларга ажратамиз. Биринчи ва учинчи қисмлар ички ва ташки сирти бўёқ қилинган пенобетондан иборат. Бу қисмлар учун термик иссиқлик узатиш қаршилигини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$R_I = R_{III} = \frac{0.500}{0.14} = 3,571 \text{ м}^2 \cdot ^\circ \text{С} / \text{Вт}$$

$$\text{I ва III чи қисмларни юзаси } F_I = F_{III} = 0.05 \cdot 1 = 0.05 \text{ м}^2.$$

Конструкциянинг иккинчи қисми икки тарафдан пенобетон билан қопланган оғир бетондан иборат.

$$R_{II} = \frac{0.20}{0.14} + \frac{0.10}{1.74} + \frac{0.20}{0.14} = 1.428 + 0.057 + 1.428 = 2.913 \text{ м}^2 \cdot ^\circ \text{С} / \text{Вт}.$$

$$\text{Иккинчи қисмининг юзаси } F_{II} = 0.30 \cdot 1 = 0.30 \text{ м}^2.$$

Бу конструкциянинг термик иссиқлик узатиш қаршилигини куйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз. [2,3]

$$R_{II} = \frac{F_I + F_{II} + F_{III}}{\frac{F_I}{R_I} + \frac{F_{II}}{R_{II}} + \frac{F_{III}}{R_{III}}}; \quad [1]$$

бу ерда, R_I, R_{II}, R_{III} – алоҳида олинган қатламларнинг термик иссиқлик узатиш қаршилиги, $m^2 \cdot ^\circ C / \text{Вт}$; F_I, F_{II}, F_{III} – алоҳида қисмларнинг юзалари, m^2 ;

$$R_{II} = \frac{0.05 + 0.30 + 0.05}{\frac{0.05}{3.571} + \frac{0.30}{2.913} + \frac{0.05}{3.571}} = \frac{0.40}{0.131} = 3.053 m^2 \cdot ^\circ C / \text{Вт}.$$

Конструкциянинг иссиқлик оқими йўналишига перпендикуляр бўлган текислик билан кесиб, 1, 2 ва 3та қатламга ажратамиз. (1-расм).

1-ва 3-қатлам, пенобетон $R_1 = R_3 = \frac{0.20}{0.14} = 1.428 m^2 \cdot ^\circ C / \text{Вт}$;

2-қатлам, бир жинсли бўлмагани учун конструкциянинг ўртача иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини куйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз. [2,3]

$$\lambda_{\text{ўр}} = \frac{\lambda_I \times F_I + \lambda_{II} \times F_{II} + \lambda_{III} \times F_{III}}{F_I + F_{II} + F_{III}} \quad [2]$$

бу ерда, $\lambda_I, \lambda_{II} \dots$ алоҳида қатламларни ташкил этган материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, $\text{Вт} / m \cdot ^\circ C$;

$F_I, F_{II} \dots$ алоҳида қатламларни юзалари, m^2 ;

$$\lambda_{\text{ўр}} = \frac{0.14 \times 0.05 + 1.74 \times 0.30 + 0.14 \times 0.05}{0.05 + 0.30 + 0.05} = \frac{0.536}{0.40} = 1.34 \text{ Вт} / m \cdot ^\circ C ;$$

Иккинчи қатламнинг термик иссиқлик узатиш қаршилиги

$$R_2 = \frac{\delta_2}{\lambda_{\text{ўр}}} = \frac{0.10}{1.34} = 0.075 m^2 \cdot ^\circ C / \text{Вт}$$

демак, $R_{\perp} = R_1 + R_2 + R_3 = 1.428 + 0.075 + 1.428 = 2.931 m^2 \cdot ^\circ C / \text{Вт}$;

Кўплаб амалий тадқиқотлар ва иссиқлик – физик ҳисоблар натижаси шуни кўрсатдики, ҳамиша иссиқлик узатиш қаршилигининг (R_{II}) қиймати ҳақиқий қийматдан катта ва R_{\perp} қиймати эса ҳақиқий қийматдан кичик бўлар экан [3] .

Шунинг учун бир жинсли бўлмаган конструкциянинг иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги куйидаги формула ёрдамида аниқланади. [2,3]

$$R = \frac{R_{II} + 2R_{\perp}}{3} = \frac{3.053 + 2 \times 2.931}{3} = 2.971 m^2 \cdot ^\circ C / \text{Вт};$$

Пенобетондан иборат бир жинсли бўлмаган девор конструкциясини умумий иссиқлик узатиш қаршилигини аниқлаймиз.

$$R_{\text{ум}} = R_{II} + R + R_T = 0.115 + 2.971 + 0.043 = 3.129 m^2 \cdot ^\circ C / \text{Вт};$$

Назарий иссиқлик-физик тадқиқотлар натижасидан куйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. Биз тавсия этаётган пенобетондан иборат олинмайдиган қолип девор конструкциясини умумий иссиқлик ҳимояси ҚМҚ 2.01.04-97*да келтирилган иссиқлик ҳимоясини барча даража талабларига жавоб беради;

2. Пенобетондан иборат олинмайдиган қолип девор конструкциясини умумий иссиқлик узатиш қаршилиги $R_{ум} = 3.129 м^2 \cdot ^\circ C / Вт$; бўлиб бу катталиқ ҚМҚ 2.01.04-97* да келтирилган иссиқлик ҳимоясининг 2-даражасини иссиқлик узатиш қаршийдан 42 % ва 3- даражасидан 17% катталиги сабабли, бинони энергия самарадорлигини оширади.

Адабиётлар.

1. Шукуров Ғ.Ш., Бобоев С.М. Архитектура физикаси. 1-қисм “Қурилиш иссиқлик физикаси”, дарслик. Тошкент “Меҳнат”-2005й. 160 б.
2. Шукуров Ғ.Ш., Исломова Д.Г. “Қурилиш физикаси” дарслик. Самарқанд 2005й 226 б
3. Щипочева Е.В. Проектирование энергоэффективных гражданских зданий в условиях сухого жаркого климата учебни пособие- ТТЙМН. 2008 г
4. ҚМҚ 2.01.04-97* Қурилиш иссиқлик техникаси. Тошкент. 2011й.
5. ҚМҚ 2.01.01-94 Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий геологик маълумотлар. Т 1996й.

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Расулов Бекзод Боймуратович, СамДАҚИ ўқитувчиси

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда барча соҳаларни кенг ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида кенг қамровли ислохотларни амалга оширишга киришилди. Айниқса, давлат мулкани хусусийлаштириш, мамлакатда янги мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш борасида ўта муҳим қадамлар ташланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида ривожланиб борар экан, албатта улар давлат ва унинг органлари томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтождир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланишини самарали йўлга қўйишни қонуний асосларини мустаҳкамлаш масаласида давлатимиз раҳбари қўйидагиларни таъкидлайди: “Биз, - дейди И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яқунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида, - хусусий тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва тартибларга ҳокимиятнинг жамики бўғинлари томонидан оғишмай амал қилинадиган қатъий ва мажбурий муҳитни вужудга келтиришимиз шарт. Кимки бу ишга ҳалақит бераётган бўлса, тўрачилик, таъмагирлик, юлғичлик билан шуғулланаётган бўлса, шафқатсиз суратда жазоланиши зарур. Расмийчиликни ўзига қалқон қилиб олиб, амалда кичик бизнес тараққиётига туғаноқ бўлаётган кимсаларнинг баҳридан ўтиш керак. Биз кичик ва ўрта корхоналарнинг турли шакллари тез ва кенг ривожланиши учун йўл очишимиз лозим”¹. Ушбу фикрлар давлатимиз раҳбари томонидан бундан йигирма йиллар аввал таъкидланган бўлса, бугунги кунга келиб бу сўзларнинг амалдаги ифодасини кўрмоқдамиз. Соҳага оид қонунчилик тизими шакллантирилди, жумладан қўйидаги қонунлар қабул қилинди: “Ёр тўғрисида”ги қонуни (1990 йил 20 июнь № 97-ХП); “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни (1990 йил 31 октябрь №52-ХП); “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонуни (1993 йил 25 апрель №216-И); “Корхоналар тўғрисида”ги қонуни (1991й 15 февраль № 229-ХП); “Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни (1991 й 19 ноябрь № 285-ХП); “Ўзбекистон Республикаси Кооперация тўғрисида”ги қонуни (1991 й 14 июн № 295-ХП); “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни (1998 й 30 апрель № 287-ХП); “Ижара тўғрисида”ги қонуни (1991й 19 ноябрь № 425-ХП); “Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги қонуни (1992 й 2 июнь № 623-ХП); “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни (1991й 15 февраль № 207-ХП); “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги қонуни, “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни (1994 й 5-6 май № 1054-ХП); “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги қонуни (1995й 21 декабрь №159-И); “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (2000 йил 25 май, №69-И), “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Тадбиркорликни ривожлантириш борасида бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлар эътирофига сазовор даражадаги қўлайлик ва имкониятлар яратиб берилди.

¹ Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”. V – жилд. Т., “Ўзбекистон” 1997 йил , 367 – бет.

Соҳани янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш ва шу орқали ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан ҳам бир қанча вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги 232-сонли қарорининг 2-илоvasида Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича тегишли ташкилотлар олдига бир қатор вазифаларни қўйиб, ҳозирги вақтда ишлаб чиқилган режа асосида тадбиркорликнинг барча кўринишлари давлатмиз томонидан ҳукукий ҳимояланиб келинмоқда.

Кўпгина соҳалар каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам жаҳон тажрибасини ўрганиб чиқмай, жаҳон бозорида интеграциялашувимиз жуда қийин кечилишни давлатимиз раҳбарияти, ҳукуқшунослар, иқтисодчилар, тадбиркорлар жуда яхши тушунадилар. Шунинг учун жаҳон тажрибасини ўрганиш ва уни мамлакатимиз иқтисодиётига кенг жорий қилиш давлатимиз олдидаги асосий вазифалардан биридир. Режалаштирилган, маъмурий буйруқбозликка асосланган кўп йиллик иқтисодий жараёни бошдан кечирган мустақил давлатимиз учун бу ўта муҳим масала ҳисобланади.

Ҳўш, жаҳон давлатлари бу соҳада қандай ҳукукий, ижтимоий-иқтисодий база ҳозирлаган ва у қандай натижа бермоқда? Мазкур саволга жаҳоннинг иқтисодиёти ва аҳоли турмуш даражаси энг юқори бўлган бир неча давлатлари мисолида кўриб чиқамиз. Жаҳоннинг АҚШ, Япония, Италия, Франция, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи у ёки бу усуллардан фойдаланиб келинади. Ривожланган мамлакатларда меҳнатни ривожлантириш икки қисмдан иборат бўлади: базис (қатъий маош) ва ўзгарувчан (фойдада қатнашуви). Айниқса, ходимнинг фойдадаги қатнашуви юқори натижа бериб келмоқда.

Ходимларнинг фойдадаги иштироки уларнинг сотиб олинган акция қийматига ўзвий боғлиқ бўлади. Фойда ўз корхонаси доирасида аниқланади, аммо ходимлар орасида фақат меҳнат унумдорлигини ортиши ва маҳсулот сифати яхшиланиши натижасида олинган қўшимча фойда тақсимланади.

Жаҳонда тадбиркорликда фойдада қатнашишнинг бир неча тизимлари кенг тарқалган:

Скенлона тизими – бу тизим моҳияти шундаки, ҳар бир киши ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг кўпайиши эвазига олинган иш ҳақи фонди иқтисоди, ишчи ва корхона орасида тақсимланади. Бу иқтисод корхона ва ишчи орасида 1/3 нисбатда. Ходимларга ажратилган сумманинг 20 % и захира фондига, қолган қисми эса ходимларга ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ортишига кўшган ҳиссасига қараб тақсимланади.

Ракер тизими – 1 АҚШ доллар иш ҳақига нисбатан соф норматив маҳсулот ҳажми ўсишига қараб рағбатлантирилишидир.

Ипрошеар тизимида – белгиланган маҳсулот ҳажмини бажаришда иқтисод қилган иш вақтига қараб рағбатлантирилиш тушунилади.¹

Ҳар қандай рағбатлантириш тизими ўзининг ютуқ ва камчиликларига эга. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам мукофот миқдори маълум бир иқтисодий кўрсаткичларга асосланади. Чунки, ходимларни рағбатлантириш тизими уларни меҳнат унумдорлигини ортишини, кадрлар қунимсизлиги пасайишини, корхонада келгуси юқори иқтисодий натижаларга эришишини таъминлаши зарур.

АҚШда 1953 йилдаёқ бутун мамлакат бўйича вакилларнинг кенг тармоғига эга кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият ташкил қилинган, унда 4000 ходимлар хизмат қиладилар. Мазкур ташкилот фаолиятининг асосий йўналиши шахсий ишни очиш ва олиб боришда ёрдам бериш, кичик бизнесга кредитлар ва кафолатланган қарзлар беришдан иборат бўлади. Шунингдек, 1953 йилда иқтисодиётнинг монополистик секторини давлаи томонидан тартибга солишнинг ҳукукий асосларини ташкил қилувчи кичик бизнес ҳақидаги қонун қабул қилинган. 1986 йилда кичик корхоналарга янги технологиялар, илмий-техник ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг ишланмаларини топшириш имконини таъминловчи қонун қабул қилинган.²

1970-1973 йилларда “Малое прекрасное” шиори юзага келган. Унинг натижасида йирик компаниялар майда корхоналарга ажрала бошлаган.³

¹ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. Т., “Фан ва технология” нашриёти 2005 йил, 142 – бет.

² М. Қосимов ва бошқа. “Кичик бизнесни бошқариш.” Т. Ўқитувчи. 2003 й. 100- бет.

³ А.Абдуллаев ва бошқалар, “Кичик бизнесни бошқариш” Т., Молия, 2003 йил, 26 – бет.

Шунингдек, АҚШда кичик корхоналарга кўпчилик ярим ҳукумат ташкилотлар ёрдам кўрсатадилар: хизматлар савдоси соҳасидаги сиёсат бўйича кўмита, президент қошидаги хусусий тадбиркорлик муаммолари бўйича махсус комиссия, саноат рақобатбардошлилиги бўйича комиссия ва бошқалар.

Японияда кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашда кичик ва ўрта бизнес бўйича бошқарма, КЎКларни ривожлантириш бўйича давлат корпорацияси, молиялаштириш бўйича миллий корпорация, КЎК ассоциацияларининг бутун япон федерацияси, КЎК бутун япон маркази ва бошқалар фаолият юритади. Шунингдек, ўнга яқин махсус банклар КЎКни кредитлашга хизмат қилади.

Японияда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидагиларни ўз ичига олади: имтиёзли солиққа тортиш, жадаллаштирилган амортизация, имтиёзли кредитлаштириш, ходимларни ўқитишда ёрдам, банкротлик ҳолида ёрдам кўрсатиш, КЎКнинг техник даражаси ўсишини рағбатлантириш¹.

Шунингдек, Францияда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади – бандликнинг кўпайиши ва рақобатбардошликнинг ўсишидир. Бунинг учун Францияда қуйидагилар амалга оширилади: тўғридан-тўғри ёрдам, ахборотларга кириш, маъмурий тўсиқларни камайитириш ва бошқалар.

Жаҳон тажрибасидан куришиб турибдики, бугунги бозор муносабатларига чуқур кириб бориш кишидан юксак билим ва ҳуқуқий маданиятни талаб қилади. Тадбиркор шахс фақат фойда олиш йўллари билиши камлик қилади. У янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан мунтазам танишиб бориши, айниқса, уларни мустақил қўллаш олиши муҳим ҳисобланади. Тадбиркор шахснинг ҳуқуқий билимсизлиги нафақат унинг фаолиятида қийинчиликларни юзага келишига, балки қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларига ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун яратилган қўлайликлардан унумли фойдаланиш, янгиликлардан тез хабардор бўлиш, қонун ҳужжатлари билан мунтазам танишиб бориш ва фаолиятида унга қатъий амал қилиши тадбиркор шахс фаолиятининг асосий мезонига айланмоғи лозим.

ЙЎЛДА ҲАРАКАТЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АВТОМАТ КЎТАРГИЧ

Адилов О.К., Рахматуллаев М.Х., Илхомов С.С., Зокиров С.Ж (ЖизПИ)

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон республикаси Автотранспорт тармоқларида мулкчилик шаклидан қатъий назар, техник хизматлар инфраструктурасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш бўйича бир қатор ташкилий тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга жорий қилинмоқда. Жумладан, автомобил транспортининг ривожланиши билан бир қаторда, транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги мавжуд муаммолар кўпаймоқда. Автомобил транспортда йўловчи ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил мартдаги ПФ№ 303-сонли фармони автомобил транспортда йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизмати сифатини ошириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикасида автомобилсозлик саноатига асос солинганлиги Мамлакатимизда автомобиллар сонини кескин ортиб кетишига сабаб бўлди, шу ўринда Мамлакатимиз олимлари олдида ҳам муҳим вазифалар қўйилди. Бу эса ўз-ўзидан автомобилларга кўрсатилаётган техник хизмат сифати ва маданиятини кўтаришни, янги технологияларни қўллаш талаб этади.

Автомобилларни турли иқлим шароитларида эксплуатация қилишда ҳосил бўладиган турли муаммоларини бартараф этиш чоралари талаб этилади. Шу нуқтайи назардан автомобилларнинг юкли ҳолатда ғилдираклари шатаксыраб қолганда, ғилдираклар ҳаво босимининг йўқолишида қулай технологияга эга бўлган қурилма билан жиҳозланган бўлса, ҳайдовчининг жисмоний меҳнати камаяди ва хавфсизликни таъминлайди. Ўз ўрнида ушбу тавсия этилаётган қурилма автомобилнинг рама қисмига ўрнатилиши эътиборга лойиқ.

Элтувчи тизим автомобилнинг барча қисмларини ўрнатиш учун хизмат қилади ва одатда рама деб аталади. Енгил автомобилларда ва автобусларда элтувчи тизим вазифасини бевосита кузов бажаради.

Рама автомобилнинг барча механизмларини ва кузовни бикр қилиб ўрнатишга ва кўтариб юришига мўлжалланган қурилмадир. Рамага таъсир этувчи кучлар двигателдан ғилдиракларга

¹ Қосимова М. ва бошқалар “Кичик ва хусусий бизнесни бошқариш”. Т., “Ўқитувчи”2003 йил. 101 – бет.

узатилаётган моментлар ва йўлдан берилаётган турли хил кучлар мавжуд бўлиб, бу кучлар автомобилга ортилган юкнинг вазни, унинг юриш шароити ҳамда тезлигига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам рама етарлича мустаҳкам ва бутун агрегатларни жойлаштиришга қулай бўлиши керак.

Шунингдек транспорт воситалари турли йўл, иқлим ва бошқарув шароитларида ҳаракатланади, ҳаракат давомида турли хил ташқи кучлар бошқарилувчи ва эргашувчи ғилдиракларга ўз таъсирини ўтказиши. Ушбу кучлар таъсирида ғилдираклар ўзларининг техник соҳа ҳолатларини аста секинлик билан йўқотиши ва шинадаги ҳаво босими йўқолади. Бундай ҳолатда ҳайдовчидан ортиқча жисмоний меҳнат талаб этилади, яъни захирадаги ғилдирак олинмиши, механик кўтаргич (домкрат)ни ўрнатиш ғилдиракни ечиш ва ўрнатишда техник талабларга жавоб берадиган меъёр бузилиши кузатилади.

Шу нуқтаи назардан тавсия этилаётган қурилма ҳайдовчига бир қанча қулайликларни яратиб беради, яъни салон ичидан қайси ғилдиракка хизмат кўрсатиш лозим бўлса, ўша ғилдиракни бир неча сония ичида кўтариш имконияти пайдо бўлади.

Бу қурилма барча турдаги транспорт воситаларига ўрнатилиши мумкин. Ҳар бир ғилдираклар учун цилиндрсимон кўтаргич маҳкамланиб, хизмат кўрсатиш зарурияти туғулган ғилдиракни кўтариш имконини беради. Бунда гидравлик юритмадан иборат бўлган қурилма двигател салт ишлаб турган вақтида қисқа вақт ичида иш фаолиятини йўқотган ғилдиракни кўтариш имконини беради. Бунинг учун салон ички қисмда ҳар бир ғилдирак учун алоҳида бошқарув пулти ўрнатилади.

Тавсия этилаётган қурилма ишлаш жараёни учун қуйидаги баъзи кўрсаткичлар талабига жавоб бериш талаб этилади.

Ҳаракат давомида юзага келадиган ишқаланиш бўйича m_n кўприк остида ҳосил бўладиган оғирлик ҳолати қуйдагича аниқланилади.

$$m_{II}z + cz + Rz = 0 \text{ ёки } z + (c/n)z + (R/m_n)z = 0 \quad (1)$$

Поршен юзасининг юқори ва пастки майдон фарқи шток майдонига тенг A_m шунинг учун сиқишдаги қаршилик кучи қуйдагича.

$$R_{zc \max} = A_m P_{c \max} \quad (2)$$

$$\text{Қаршилик кучланиши. } R_{zo \max} = (A_{II} - A_{III}) P_{0 \max} \quad (3)$$



Шток диаметри поршен диаметрига боғлиқлиги. $d_{III} = (0,4 \div 0,5) d_{II}$

$$\text{Ишчи суюқлик учун } f_c \text{ ва } f_o \text{ ўтиш майдони } f_c = \frac{A_{III}^2}{R_{c \mu o}} \sqrt{\frac{\gamma P_c}{2g}}; \quad f_o = \frac{(A_{II} - A_{III})}{R_{0 \mu o}} \sqrt{\frac{\gamma P_o}{2g}},$$

Бу ерда: μ_o - сарф коэффициенти, 0,60-0,75 микдорга тенг; γ – суюқлик зичлиги; P_c ва P_o - кўтаргич ичида даги босим; g - оғирлик кучининг тезланиши.

Гидравлик кўтаргичларнинг ишлаш усули тебранишларнинг механик энергиясини суюқлик ичидаги ишқаланиш туфайли иссиқлик энергиясига айлантириш ва уни атроф муҳитга тарқатишдан иборатдир.

Кузов ва ғилдиракларнинг кўтарилиши ёки тушиши натижасида 4 поршен илгарилама қайтма равишда ҳаракатланади. Кузов ва ғилдираклар кўтарилиши билан, поршен тагидаги бўшлиқда турган суюқлик поршен устидаги бўшлиққа сиқиб чиқарилади, акс ҳолда эса суюқлик тескари йўналишда ҳаракатланади. Бу ҳолда суюқлик клапанлар билан тўсиладиган тирқишлар орқали ўтиб, сезиларли даражада қаршиликка учрайди ва суюқликнинг ҳаракатланиши туфайли кузов кўтарилади.



Ушбу қурилма транспорт воситалари кузовини кўтариш орқали хизмат кўрсатиш қулайлигини яратади. Шунингдек ҳайдовчига қулай шароит яратишга хизмат қилади. Ушбу қурилма шундай ўрнатилганида транспорт воситалари проsvетидан катта бўлмайди.

Бу ҳолатни қуйидаги расмдан кўришимиз мумкин.

Махсус суюқлик билан тўлдирилган цилиндр корпуси 2 кўприкнинг балкасига қотирилган бўлади. Корпус ичида 4 поршен жойлашган бўлиб, у 5 ва 6 клапанларга ва тирқишга эга. Поршеннинг 7 штоги эса 8 рама билан туташтирилган бўлади.

Ушбу содда, қулай қурилма жуда осон ва қулай ишлаши билан ҳайдовчига транспорт воситасининг мувозанатини сақлашга ёрдам бери.

Ўз ўрнида, ушбу қурилманинг прототиплари мавжуд. Ҳозирги кунда бу қурилмалар пойга автомобилларида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Автомобилда ҳаракатланаётиб, йўлларда турли хил вазиятларга дуч келишимиз мумкин. Оғир шароитли, нотекис йўлларда ҳаракатланганда шатаксираш оқибатида автомобил ўз мувозанатини йўқотиши илмий маънабалардан маълум. Ушбу қурилма орқали шатаксираб қолган ёки мувозанат йўқолиши оқибатида оғирлик марказининг кўчишида автомобилнинг хавфсизлигини, шунингдек мувозанатини сақлаш имконини беради. Қурилманинг афзал томони шундаки, уни автомобилда юк бўлган ҳолда ёки йўловчилар бўлганда ҳам ишга тушириш имконияти мавжуд. Бу эса ўз навбатида ҳайдовчининг жисмоний меҳнатини камайтиради, вақтни тежайди ва автомобилга керакли техник хизмат кўрсатишга анча қулайлик яратиб беради.

Биз бу қурилмани нафақат пойга автомобилларда, балки ўзимизда ишлаб чиқарилаётган миллий автомобилларимизда қўллашни татбиқ этишимиз орқали транспорт логистикаси жараёнларининг самарадорлигини, транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга эришиш билан бир қаторда, оғир шароитда ишлаётган транспорт воситалар эксплуатацион кўрсаткичларини сақлашга, юк ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш имкониятига эга бўламиз.

Фойдаданилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2006 йил мартдаги ПФ№ 303-сонли фармони
2. Қодиров С.М., Назаров К.М. “Йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили”. Тошкент, 2002-846.
3. Адиллов О.К. “ Автотранспорт корхоналарида ҳаракат хавфсизлигини такомиллаштириш” монография Тошкент 2015 112 б.


ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ҚУЁШ УЙЛАРИНИ ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАШ ПРИНЦИПЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ.

*Хушвақтов У.А. ИваИПКТБ бошлиғи, катта ўқитувчи, Саримсоқов М., ўқитувчи,
Усмонов Хамидилло 1 босқич магистрант (СамДАҚИ)*

Ўрта Осиё республикалари хусусан Ўзбекистонимизнинг иқлим шароити ёз ойлари анча иссиқ бўлиб, кундуз кунлари ҳаво температураси 40-45 °С ва баъзан ундан ҳам юқори кўтарилиши ҳаммага маълум. Бундай об-ҳаво шароитида озиқ –овқат маҳсулотларини бузилиб қолишдан сақлаш анча қийинлашади. Шунинг учун ҳам сунъий равишда совуқ ҳосил қилишга имкон берадиган қурилмалардан фойдаланиш зарур. Бундай қурилмалардан иссиқ об –ҳаво шароитида бинолар ичидаги ҳаво ҳароратини пасайтиришда фойдаланиш айниқса катта аҳамиятга эга.

Республикамиз олимлари олиб бораётган назарий ва экспериментал тадқиқотлар қуёш энергияси ҳисобига ишлайдиган совитгич қўрилма–қуёш совитгичини кўриш мумкинлигини кўрсатмоқда. Қуввати унчалик катта бўлмаган қуёш совитгичлари электрлаштирилмаган жойларда (масалан, яйловларда) чорвадорларнинг кундалик ишлари учун гўшт, ёғ, сутларни ҳамда ичимлик сувларни сақлашда айниқса фойдали қурилмалар бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физика-техника институти ва Бухоро ДУ олимлари томонидан тайёрланган ва синаб кўрилган, кундалик турмуш учун мўлжалланган қуёш совитгичининг тузилиши ва ишлаш принципи билан танишайлик. Қуёш совитгичининг тузилиши 6-расмда схематик равишда кўрсатилган бўлиб, унинг асосий қисмлари: генератор-адсорбер, конденсатор, рессивер, буғлатгичлар ўзоро кетма-кет уланган.



1-расм. Куёш совитгичининг тузилиш схемаси.

Куёш совитгичининг асосий қисми «иссиқ яшиқ» типдаги қурилма генератор бўлиб, унинг ичида ўзоро параллел трубалар (диаметри 50 мм) коллекторга пайванд қилинган.

Трубани кукун ҳолидаги кальций хлорид билан тўлдирилади. Аммиак кальций хлориднинг бутун ҳажми бўйича ютилади.

Куёш радиациясининг «иссиқ яшиқ» типдаги қурилманинг икки қаватли ойнасидан ўтган қисми, генераторнинг қора сиртини қиздиради ва натижада трубалар ичидаги кальций хлорид 100-110⁰С гача исийди, ундаги ютилган аммиак буғлана бошлайди. Ҳосил бўлаётган 18-20 атм босим остида аммиак буғлари конденсатордан ўтиб совити сабабли суюлади. Суюқ аммиак эса махсус идиш рессиверга оқиб тушади ва унда кун давомида йиғила боради (генератор юзига куёш тушаётган вақтда).

Куёш ботганда совитгич генератори совитгичидан генераторда аммиакнинг буғланиши тўхтади ва босим камайд. Шу вақтдан бошлаб рессивердаги суюқ аммиак устидаги босим камайганлигидан аммиак совитиш шкафининг устки қисмида жойлашган буғлатгичга ўтиб буғланади ва унинг деворини совитади. Аммиак буғлари эса генератордаги кальций хлорид томонидан ютилади. Бу жараён рессиверда йиғилган аммиак томон бўлгунга қадар давом этади. Шундан сўнг, куёш радиацияси совитгич генератори юзига тушишида юқорида баён қилинган процесс яна такрорланади.


Юқорида биз тавсифлаган куёш совитгичида тажриба тарзида ўтказилган синовларда куёш совитгичининг 1 м² сиртидан бир кунда 4 кг муз ҳосил қилиш мумкин бўлади. Синаш вақтида совитгич шкафи ичидаги минимал температура +2⁰ гача етган. Бу қурилма қўзғалувчан қисмларга эга эмас, шу билан бирга электр энергиясини истеъмол қилмаслиги каби афзалликларга эга. Бундан ташқари конденсаторни ҳаво билан совитилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда сутка давомида ишлайверадиган куёш совитгичлар ҳам қуриш мумкин.

Ўзбекистоннинг иқлим шароитида ёз кунлари жуда иссиқ, киш кунлар совуқ бўлади. Шунинг учун ёз фаслида хоналарни салқин қилиш ва киш вақтида иситиш зарур бўлиб қолади. Биноларни иситиш ва совитиш ишларида куёш энергиясидан фойдаланиш халқ хужалигида муҳим аҳамиятга эга. Чукни биноларни иситишга кўплаб қазилма ёнилғилари сарф бўлмоқда. Куёш энергиясидан фойдаланиб, қазилма ёнилғиларини тежаш мумкин.

Куёш энергиясидан фойдаланиб уйларни иситиш ва совитишда турли хил қурилмалар ишлатилади. Бу қурилмалардан куёш сув иситгичларида фойдаланишни қараб чиқайлик.

Уй томининг жанубга қараган нишаб томонига горизонтга 50⁰ бурчак остида ўрнатилган иссиқ яшиқ типдаги куёш сув иситгичи куёш энергиясини иссиқликка айлантиришга хизмат қилади. Куёш нурлари «иссиқ яшиқ»нинг ойнали томонидан қурилманинг ичига ўтиб, унинг қора рангга бўялган қозонида ютилади ва қозоннинг ичига оқиб кираётган температураси 12-14⁰С бўлган сувни исита бошлайди. Бу сув уйнинг шипига ва деворларига ўрнатилган трубалардан оқиб ўтишида хоналар исийди. Сув иситгичдаги иссиқ сувнинг температураси 60-70⁰С га тенг бўлади (расм-7). Агар хонани иситиш лозим бўлмай қолса, исиган сув уйнинг подвалига ўрнатилган бак аккумуляторда йиғила боради. Йиғилган иссиқ сувдан ҳаво булут бўлган кунларда ёки кечаси фойдаланиш мумкин.



Бак аккумулятор 2-расм.

а- иссиқ сув учун

б- совуқ сув учун

Ниҳоят қуёш энергияси сувни иситиш учун етарли бўлмай қолганда ёнилғи билан ишлайдиган қурилма ишга туширилади.

Ёз вақтида қурилма кундуз кун иссиқ сув билан таъминлаш ва бошқа турли эҳтиёжлар учун ишлатилади.

Кечаси қурилманинг ойна билан қопланган сиртидан юпқа қатлам қилиб сув оқизилади. Натижада сув буғланаётганда совиб температураси 12-14 °С гача пасаяди (атроф температураси 20°С дан ошиқ бўлсада) ва совуқ сув учун мўлжалланган бак-аккумуляторда тўпланади. Совиган сув насос ёрдамида биноларни совитиш системасига юборилади. Совитиш системаси сифатида уйнинг шипи ва деворларига ўрнатилган трубалардан фойдаланилади. Шундай қилиб қуёш қурилмасидан кечаси совитиш учун фойдаланилади. Аккумуляцияланган совуқ сувни кундузи насос орқали юқорига чиқарилиб, қишда хоналарни иситиш, ёзда совитишда фойдаланилади.

Тажрибалар кўрсатадики, қурилманинг 1 м² сиртидан йил давомида 550 x 10³ ккал иссиқлик олиш мумкин. Бу эса 400 кг кўмирни ёққандаги ажралиб чиққан иссиқлик миқдорига тенгдир.

Ўзбекистонда қуёш энергияси ёрдамида уйларни иситиш ва совитишни амалга ошириш соҳасида илмий-тадқиқот ишарини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физика-техника илмий тадқиқот институтида Ғ.Умаров, Р. Аvezов ва бошқа олимлар мувоффақиятли олиб бормоқдалар.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки Ўзбекистонда қуёш энергияси ёрдамида уйларни иситиш ва совитишни кенг оммага тарғиб қилган ҳолда энергиядан самарали фойдаланишга эришиш лозим деб ҳисолаймиз.

Асосий манбалар.

1. Умаров Г. Использование НПСУ. Издательство Фан, 1976.
2. Очилов Б. Солнечные опреснители и холодильники. Фан. Т. 1976.
3. Ш.К.Ниёзов “Телио физика” маърузалар матни Гулистон. 2015 й

JAMIYAT IKTISODIY RIVOJLANISHIDA ISHCHI KUCHI SIFATINI BELGILOVCHI OMILLAR

M.M.Fazilova Ijtimoiy fanlar kafedrasida o'qituvchisi SamDCHTI

Agar «mehnat resurslari» va «ishchi kuchi» tushunchalari o'zida faqatgina miqdoriy xususiyatlarni mujassam etsa, bulardan farqli ravishda mehnat potentsiali ham miqdor, ham sifat ko'rsatkichlarni o'z ichiga oladi.

Mamlakatimiz Prezidenti I.Karimov takidlaganidek: «Hayotning ana shunday qat'iy talabini qayd etgan holda, biz tanlagan maqsad, ya'ni taraqqiy topgan davlatlar qatoriga kirish, xalqimiz va kelajak avlodimiz uchun munosib hayot darajasi va sifatini ta'minlash, xalqaro hamjamiyatda yuksak obro'-e'tiborga sazovor bo'lish yo'lida biz amalga oshirgan ishlarimiz ezgu niyatlarimizga erishishning faqatgina bir qismi ekanini anglab olishimiz darkor». [1]

Ayrim iqtisodchilar potentsialning miqdor ko'rsatkichlari bevosita resurslar miqdoriga teng deb qarab, unga mehnat yoshidagi ishga layoqatli aholi, ishlayotgan o'smirlar va pensionerlarni kiritadilar.

Nazarimizda, potentsialning miqdor ko'rsatkichlari faqatgina resurslarning faol qismi bilan cheklanib qolmaydi. Mazkur miqdorga quyidagi toifa aholi qatlamini ham kiritish mumkin:

- mehnatga layoqatli aholining nafaol qismi;
- ishlash imkoniyati va istagiga ega barcha guruh nogironlari;
- mehnatga layoqatli yoshdagi imtiyozli pensionerlar;
- ishlash xohishini bildirgan o'smirlar va yoshga doir pensionerlar.

Ushbu aholi qatlamlariga etarli miqdordagi ish haqi va qulay mehnat sharoitlari bilan ta'minlangan ish joylarini taklif etish yoki kasanachilik, uyda o'tirgan holda pullik ishlar va xizmatlarni bajarish, kichik shahobchalarda, maishiy xizmat ko'rsatish kabi faoliyatlarga jalb qilish yo'li bilan ularni jamiyatning faol va to'laqonli a'zosi sifatida aylantirish mumkin. Ularning ushbu faoliyatlari esa mamlakatda yalpi milliy mahsulot yaratish, ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish, moddiy resurs va zaxiralardan, ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish hamda iqtisodiy taraqqiyotga erishishga bevosita ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Shu sababli yuqorida sanab o'tilgan aholi toifalarini mehnat potentsialining qo'shimcha (zaxira) miqdori sifatida e'tirof etish maqsadga muvofiqdir.

Iqtisodiyoti jadal rivojlangan, sanoat va ishlab chiqarish keng taraqqiy etgan, iqtisodiy o'sish sur'ati talabiga nisbatan kam mehnat potentsialiga ega bo'lgan mamlakatlarda (AQSH, Kanada, Rossiya, Germaniya, Avstriya, Frantsiya, Koreya) immigranlar alohida ahamiyatga ega. Mazkur davlatlarning iqtisodiy imkoniyatlaridan salmoqli darajada foydalanish uchun milliy ishchi kuchining o'zi etarli bo'lmaydi, natijada qo'shimcha ishchi kuchiga talab paydo bo'ladi. Bu talab esa o'z-o'zidan muhojirlar mehnati orqali qondiriladi. Demak, bir so'z bilan aytganda, mehnat potentsialida immigranlar ham o'z o'limi va ahamiyatiga ega.

Iqtisodiy nafaol aholi esa ishchi kuchi tarkibiga qirmaydigan quyidagi mehnatga qobiliyatli aholi qatlamidan iborat:

- ishlab chiqarishdan ajralgan holda ta'lim olayotgan hamda ish haqiga yoki mehnat daromadiga ega bo'lmagan o'quvchilar va talabalar;
- ishlamayotgan III guruh nogironlari;
- bolalarni parvarish qilish bilan band bo'lgan ishlamayotgan ayollar;
- ixtiyoriy ravishda mehnat bilan band bo'lmagan shaxslar.

Mamlakatning jami iqtisodiy faol, iqtisodiy nafaol aholisi hamda ishlayotgan o'smirlar va pensionerlar birikmasidan mehnat resurslari hosil bo'ladi. Mehnat potentsialining sifat ko'rsatkichlarini belgilovchi dastlabki omil bo'lib, inson resurslarining jismoniy holati va sog'liq darajasi hisoblanadi. Har bir kishi to'la-to'kis hayot kechirish va o'zi tanlagan mehnat faoliyati sohasida ishlay olishi uchun muayyan sog'liq hamda jismoniy rivojlanish darajasiga ega bo'lishi kerak. Ushbu ko'rsatkich shaxsning jismoniy imkoniyatlari, quvvati va salohiyatini belgilaydi.

Shaxsning hayotiy tajriba va ko'nikma darajasi yillar davomida shakllanib, hayotiy saboqlar hamda sinovlar natijasida ortib boradi. Jamiyatda ularga nisbatan «ko'pni ko'rgan», «uzoqni ko'ra oladigan» va «sabr-bardoshli» kabi iboralar ham qo'llaniladi. Ushbu ko'rsatkichga ega bo'lgan xodimlar korxona jamoasida har doim o'z amaliy tajribalari, faolligi va mas'uliyatni his etishi bilan ajralib turadi. Shuningdek, yosh kadrlarni mehnatga tayyorlash va ularni kasbga, hayotga o'rgatishda hayotiy tajribaga ega kishilarning o'limi kattadir.

Shunday qilib, mehnat potentsiali - jamiyatning mehnat sohasidagi imkoniyat quvvatlari demakdir. Mehnat potentsiali jismoniy imkoniyat, ma'lumot, kasbkor, malakaga ega, ishlab chiqarishda ishtirok etishga

layoqatli bo'lgan barcha fuqarolarni o'z ichiga oladi. Mehnat salohiyati eng faol, eng bunyodkor omil bo'lib, u mamlakatning islohot va tubo'zgarishlar yo'lidan tinimsiz ilgari lab borishini ta'minlaydi. Jamiyatning iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyot darajasi bilan belgilanuvchi mazkur omil, o'z navbatida, uni rivojlantirishda hal qiluvchi asos hisoblanadi.

Adabiyotlar royxati:

1. I.A. Karimov. Mamlakatimizni demokratik yangilash va modernizatsiya qilishga qaratilgan taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirish – bosh maqsadimizdir
2. Abulkosimov X.P. SHakllanayotgan bozor iqtisodiyotida inson omili va uni faollashtirish yullari. - T.: TMI, 2005.
3. Artiqova D.A. Formirovanie zanyatosti naseleniya v Respublike Uzbekistan. - T.: Fan, 2005.

К ВОПРОСУ О РОЛИ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ПРОЦЕССЕ ФОРМИРОВАНИЯ И ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

М.Н.Меликова Ст. преподаватель кафедры общественных наук СамГИИЯ

Сегодня человечество вступило в новую эпоху обновления и развития общества. Понятия демократия, интересы человека и личности стали важнейшими приоритетами в развитии современного общества. Не так давно наша страна ступила на путь, выбранный большей частью мирового сообщества, конечной целью которого является реформирование рыночной экономики, сильная социальная политика и переход к гражданскому обществу. Мечта о гражданском обществе была испокон веков стимулом к дальнейшему становлению и развитию национальной государственности в нашем крае.

Основным приоритетом современной демократии является плюрализм общественной жизни, что предполагает наличие в обществе различных партий и общественных движений, отражающих интересы и чаяния различных слоев общества. Сегодня основной целью всех реформ, проводимых в Узбекистане, является постепенный переход от сильного государства к гражданскому обществу. Главным атрибутом современного общества являются политические партии, главной задачей которых является

представительство в институтах парламентской демократии.

На современном этапе в политическом пространстве Узбекистана действуют несколько политических партий, осуществляющих свою деятельность в рамках Конституции и законов о деятельности политических партий, таких как Законы «О политических партиях», «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны», «О финансировании политических партий», которые способствуют усилению роли партий в повышении общественной, политической активности граждан, выражения воли и интересов преобладающей части населения страны, реализация их неотъемлемых политических прав, касающихся участия их в процессе формирования органов государственной власти снизу вверх, от местных до центральных. В статье 3 Закона «О политических партиях» четко сформулированы их цели задачи: «Политические партии создаются и действуют в целях реализации прав и свобод граждан на основе свободного волеизъявления, добровольности вступления и выхода из партии, равноправия своих членов, самоуправления, законности и гласности». [1]

Президентом Республики Узбекистан И. А. Каримовым была четко сформулирована наша основная цель: «Главная наша долгосрочная и стратегическая задача остается прежней - твердо, неуклонно и последовательно вести страну по избранному нами пути демократического строительства и формирования гражданского общества, углубления рыночных реформ и укрепления демократических ценностей в сознании людей». [2]

В контексте решения этих стратегических целей центральной задачей современных партий в Узбекистане призвано стать формирование горизонтальных связей между государственными органами и гражданскими институтами для скорейшего перехода к гражданскому обществу. Политические партии призваны привести в действие механизм, включающий в себя процессы обмена интересами индивидов и государства и принятия решений по значимым вопросам.

Взаимодействие между партией, гражданами и государственными органами управления определяется наличием заинтересованности гражданских институтов самоуправления в социальной и правовой поддержке со стороны государства, которое отражается в общественном мнении и политической активности членов общества.

Современная политическая программа наших партий призвана активизировать гражданскую позицию населения, которая будет выражена в процессе выборов голосами, отданными за политическую платформу партии. Главным и ключевым моментом взаимодействия партий и общества является умелое использование возможностей и способностей средств массовой информации, которые выступают в качестве коммуникационных каналов информации. СМИ становятся посредниками и проводниками между партиями и сообществом, что в свою очередь помогают населению формулировать свои интересы перед партиями, которые в последующем отстаивают и защищают их, придя к власти, таким образом, и СМИ становятся частью гражданского общества. У каждой политической партии в Узбекистане есть свое печатное издательство, где каждый может вступить в полемику, отстаивая интересы сообщества.

Примером, ярко отражающим роль партий в современном политическом пространстве страны, являются итоги политических выборов 2014 года, где большинство мест в парламенте страны получила относительно молодая и динамичная партия предпринимателей УзЛиДеп, получившая 52 места, 36 мест получила партия «Миллий тикланиш», 27 мандатов досталось партии НДПУ, 20 мест в парламенте получили представители партии «Адолат». [3] Данные факты могут быть достаточным свидетельством развития партийной системы и ее срастанием с гражданским обществом.

Политические партии в современном обществе Узбекистана призваны сыграть ключевую роль, генетически связав себя с гражданским обществом, стать проводником и выразителем интересов общества, сформулированных в политических платформах, ориентированных на политическую ситуацию в стране, конечным итогом которых является победа на политических выборах и воплощение интересов граждан в жизнь.

Само существование многопартийной политической системы оказывает сильное влияние на политическую, экономическую, идеологическую стороны жизни гражданского общества. На нынешнем этапе политической модернизации страны партии призваны стать фактором, скрепляющим государство и гражданское общество, способным эффективно развивать политическое и гражданское пространство нашего сообщества.

Использованная литература и первоисточники:

1. Закон Республики Узбекистан «О политических партиях»
http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=57033
2. Каримов И.А. Наша цель – демократизация и обновление общества, модернизация и реформирование страны. - Т.: Узбекистан, 2005.
3. <http://uza.uz/ru/society/obnarodovany-okonchatelnye-rezultaty-parlamentskikh-vyborov--05-01-2015>

KASB HUNAR TA'LIMDA INTERFAOL USULLARINING AHAMIYATI

*Xusvaqto'v U.A. SamDAQI, Kuvandikova Zeynep, Navoiy arxitektura qurilish kasb-hunar kolleji
Mamatova Marg'uba, Samarqand qurilish va milliy hunarmandchilik kasb-hunar kolleji*

O'sib kelayotgan avlodning har tomonlama barkamol bo'lishini ta'minlash uchun o'qitishning ta'limiy, tarbiyaviy maqsadlari birligini kuchaytirish zarurdir.

Talabalarga dars davomida nafaqat yangi bilimlarni berish bilan kifoyalanib qolmasdan, ularda ilm olishga ehtiyojlarni (motiv) kuchaytirish, turli bilim manbalari bilan ishlashni, ularga o'z harakatlarini rejalashtirishni yo'lga qo'yishni, bilish jarayoni harakatlari, operasialari haqida ma'lumotlar berishni, fikrni bir joyga to'play bilishni, maqsadni yo'naltira bilish, intizomlilikka, erishilgan natijani to'g'ri baholay olish ko'nikmasini shakllantirish muhimdir.

Talabalarining faolligini oshirish, ta'lim samaradorligini oshirish, talaba va o'qituvchi o'rtasida o'zaro hamkorlikni qaror toptirish, talabalarda erkin va ijodiy fukrlash ko'nikmalarini shakllantirish lozimligi, hozirgi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan kunga kuchayib bormoqda, bunday bo'lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchi talabalarni faqat tayyor bilimlarini egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, taxlil qilishlariga, xatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi. O'qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanish, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik funksiyasini bajaradi. Ta'lim jarayonida o'quvchi talaba asosiy figuraga aylanadi

MAVZULARNI INTERFAOL USULDA LOYIHALASH NAMUNASI

Darsning mavzusi: Milliy goya, milliy mafkuraning pedagogik asosi va insonning nodir betakrorligi

Darsning maqsadi: Boy ma'naviy kadriyatlarimizga munosabatning belgilanishini, ilmiy madaniy meroslarimizning tamoyillarini xayotga tadbik kila oladigan yoshlarni tarbiyalashda ulrning fikrlari, goyalariga milliy tus berishni tushuntirish. Ulugvor milliy goya milliy mafkuraning aosis ekanilgini talbalar ongiga yetkazish.

Dars jarayonida bajarlshi lozim bulgan vazifalri:

- 1) Talbalarga goyaning fikrlash, istikbol rjalri, ezgu niyatlari, tamoyillari orqali amalga oshishini anglatish.
- 2) Talbalarning mavzuni chukur uzlshtirishlariga erishish
- 3) Talbalarning goyalar orqali mafkurani urnatishligini tushunib olishlariga erishish.
- 4) Milliy goya va milliy mafkuraning pedagogik asosini chukur singdirish.
- 5) Darsning jixoz: «Bilaman. Bilishni xoxlayman. Bilib oldim», metodi, Interfaol metodlar, «5-chisi ortiksa» metodi.

Darsning rejasi:

1. Milliy goyaning ma'nosi va pedgogik moxiyati.
2. Milliy mafkuraning pkedagogik asosi va insonning ngdir betakrorligi.
3. Insonning nodir va betakrorligi milliy ma'naviyatimizning asosi.
4. Insonning ngdir betakrorligi va mutaxassisligi.

Darsning borishi:

1. «B.B.B» metodi chizmasi (chizma chiziladi)

Bilaman	Bilishni xoxlayman	Bilib oldim

1. Jadval xammaga tarkatilib, sana mavzu, ism, familiyalar yozib kuyilishi taklif etiladi.
2. Jadvalning «Bilaman» ustuniga «Milliy goya, milliy mafkuraning pedagogik asosi» mavzusi bo'yicha milliylik haqida ukigan, eshitgan, bilgan ma'lumotlari yozilshi taklif etiladi. Bu metodning chakiruv kismidir. Bunda tugri yoki notugri fikr muxokama kilinmaydi.
3. «Bilishni xoxlayman» ustuniga, mavzuga doir talabalarning bilishni xoxlayman kizikishlari yoziladi.
4. Ukituvchi «Bilishni xoxlayman» ustunidan rejaga moslarini tanlab olib, mavzuni reja asosida bayon etadi, sungra talabalarni kiziktirgan savollarga javoblar beriladi.
5. «Bilib oldim» ustuniga rejadagi savollar bo'yicha tartib Bilan talabalarning bilib olgan bilimlarini yozishlari taklif etiladi.

Yangi mavzuni mustaxkamlash.

«Beshinchisi ortikcha» metodi orqali uzlashtirilgan bilimlarni mustaxkamlash.

Talabalar berilgan tushunchalar ruyxatidan mavzuga taalukli bulmaganini uchirib tashlaydi.

Yakunlash.

Xar ikkala uslubdagi ish bajarilgan kog'ozlar umumiyashtirilib, birgalikda taxlil kilinadi va baxolanadi.

Darsning mavzusi: Tarbiyada shaxs rivojlanishining biologik va psixologik asoslari

Darsning maqsadi:

Talabalarga shaxs rivojlanishining xususiyatlar, shaxsni rivojlantiruvchi asosiy omillar: biologik va ijtimoiy omillarning muximligini anglatish.

Dars jarayonida qo'llaniluvchi metodlar: an'anaviy va interfaol metodlar.

Darsning rejasi:

1. Shaxs rivojlanishi haqida tushuncha.
2. Shaxsni rivojlantiruvchi asosiy omillar a) biologik; b) ijtimoiy omillar
3. Rivojlantirishda shaxs faoliyatining roli.
4. Shaxsni kamol toptirishda tarbiya va rivojlanishning uzaro boglikligi.

Darsning borishi:

I. Darsning dastlabki bosqichi quyidagi savollar asosida talabalarning «Tarbiyada shaxs rivojlanishiniing biologik va psixologik asoslari» mavzusining o'zlashtirilganlik darajasi aniqlanadi:

1. Shaxs tushunchasiga ta'rif bering.
2. Biologik omil (irsiyat) deganda nimani tushunasiz?
3. Ijtimoiylashuv va ijtmioiy omil nima?
- I. Kichik guruxlarda ishlash.

II. Talabalarni kichik guruxlarga bulish asosida «Akliy xujum» nomli interfaol metoddan foydalanish o`zining ijobiy natijalarini beradi.

III. «Aqliy xujum»ni qo`llashda quyidagi harakatlar amalga oshiriladi:

1. Guruhlarni muammo doirasida keng fikr yuritishga undash, ularning mantiqiy fikrlarini bildirishlariga erishish.

2. Har bir gurux tomonidan bildirilayotgan fikrlar ragbatalanitirib boriladi. Bildirilgan fikrlar orasidan makbullariga ballar kuyiladi. Fikrlarning ragbatlantirilishi navbatidagi Yangi fikrlarning tugilishiga olib keladi.

3. Metodni qo`llashdan asosiy maqsadni muammo bo`yicha keng fikr yuritishga undashdir.

III. Suxbat-munozarani tashkil etish.

IV. «Beshinchisi ortiqcha» metodi yordamida o`zlashtirilgan bilimlarni mustaxkamlash.

Talabalarga quyidagi vazifani bajarish topshiriladi:

Berilgan tushunchalar ro`yxatidan mavzuga taaluqli bo`lmagan tushunchalarni aniqlang va ularni ro`yxatdan chiqaring. Harakatlaringiz mohiyatini izohlang.

V. «Qarama-qarshi munosabat» metodi yordamida bilimlarni mustahkamlash.

Mazkur metod yordamida «Ijtimoiy omillar mening xayotimda» va «Men ijtimoiy omillar xayotida» mavzularida matn tuziladi. Eng muhim tushunchalar jadvalga kiritiladi. Har bir talabaga jadval blanki tarkatiladi.

№	Ijtimoiy omillar mening xayotimda	Men ijtimoiy omillar xayotida

VI. Darsni yakunlash. Jadvallar ygib olinadi va xar bir jadvalga ball kuyiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. U.Tolipov, M.Usmonboyeva Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. T.FAN. 2006 y.
2. N.Shodiyev. Yangi pedagogik texnologiyalar. Ma`ruzalar matni. Samarqand, SamDU nashri, 2003.

ЎЗБЕКИСТОНГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ КИРИТИШ САБАБЛАРИ.

Х.Бўриев, Ф.Шукуров СамДАҚИ

Тобора кенгайиб бораётган капиталлар бозорининг байналмилаллашув жараёни бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар ўртасидаги капитал оқими ҳажмининг ортиб бориши билан ажралиб туради. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жихатдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг хусусиятлари билан баҳоланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди¹.

Халқаро капиталлар миграцияси жаҳон савдоси ривожини рағбатлантирар экан, у мамлакатлар ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширади, жумладан, халқаро корпорациялар

¹ - И.Каримов. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2016 йил 16 январ сони

филиаллари ўртасидаги оралик маҳсулотлар айирбошланишини тезлаштиради. Молиявий бозорларнинг ўзаро интеграциялашув ва байналминаллашув шароитида капиталнинг халқаро такрорий ишлаб чиқарилиши таъминланади ҳамда халқаро иқтисодий алоқалар механизмининг самарадорлиги ошади. Бошқа томондан эса назорат қилинмайдиган капиталлар оқими мамлакат тўлов баланси мувозанатининг бузилишига ва валюта курсининг сезиларли даражада тебранишига олиб келади.

Деярли барча мамлакатлар амалда инвестицияларни ҳам экспорт, ҳам импорт қилади ёки инвестицияларни етказиб берувчи ҳамда қабул қилувчи сифатида иштирок этишади.

Халқаро капиталлар миграцияси билан боғлиқ оқибатлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий мақсадларини амалга оширишга бевосита таъсир ўтказади. Табиийки, улардан кутиладиган салбий ва ижобий оқибатлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар учун турличадир. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам салбий оқибатларни четлаб ўтган ҳолда фақатгина ижобий омиллардан фойдаланиш мумкин эмас. Хорижий капитални жалб қилиш билан боғлиқ ўта мураккаб ва зиддиятли жараён бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатида бу борада устувор йуналишларни белгилаб олиш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда капиталларни жалб қилиш ва четга чиқариш борасидаги салбий оқибатларга қарамадан капитални четга олиб чиқиш тенденцияси тобора кучаймоқда. Четга капитал олиб чиқишни фаоллаштирувчи омиллардан бири миллий иқтисодиётлар ўртасидаги ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлик ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви капиталлар халқаро миграциясига катта таъсир ўтказади ва унинг ҳаракатини тезлаштиради. Капитал экспорти айниқса, бевосита инвестициялар шаклида четга олиб чиқилиши ишлаб чиқаришнинг халқаро тус олишига ва халқаро маҳсулот деб аталмиш маҳсулотларнинг яратилишида асосий омил ҳисобланади. Халқаро капиталлар миграцияси жаҳон хўжалигининг ривожланишида рағбатлантирувчи омил сифатида юзага чиқиши билан биргаликда хорижий капитални жалб қилувчи ва экспорт қилувчи мамлакатлар учун турли оқибатларга олиб келувчи таъсир ўтказади.

Капитални экспорт қилувчи мамлакатлар учун капиталлар миграцияси қуйидагича салбий таъсир кўрсатиши мумкин:

-четга чиқарилаётган капитал ўрнини қопловчи хорижий инвестицияларни жалб қилмаслик четга капитал чиқарувчи мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштириши мумкин;

-капитални экспорт қилувчи мамлакатлар учун капитални четга чиқариш уларда бандлик даражасининг пасайишига олиб келади;

-четга капитал чиқариш мамлакат тўлов балансида салбий таъсир килади.

Капитални қабул қилувчи мамлакатлар учун эса қуйидаги ижобий томонлар хос:

-бошқариладиган капитал импорти мамлакат иқтисодий ўсишига ёрдам беради;

-жалб қилинган капитал қўшимча иш ўринларини яратади;

-хорижий капитал янги технологияларни олиб келади, самарали менежмент эса мамлакатда илмий-техника тараққиёти (ИТТ)ни тезлаштиради;

-капиталнинг кириб келиши реципиент мамлакат тўлов балансининг яхшиланишига олиб келади.

Ўз навбатида капитални жалб қилишнинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд:

-хорижий капитал миллий капиталнинг ўрнини эгаллаб, уни фойда нормаси юқори тармоқлардан сиқиб чиқаради, натижада маълум шароитлар таъсирида мамлакат иқтисодиётининг бир томонлама ривожланиши ва унинг иқтисодий ҳолати хавф остида қолиши мумкин;

-капитал импорти кўпинча реципиент мамлакат бозорларида ўз ҳаётий циклини ўтаб бўлган товарларни ўтказиш билан боғлиқ, шунингдек, ишлаб чиқаришдан сифатсизлиги аниқланганлиги боис олиб ташланган товарлар билан боғлиқ бўлади;

-суда капитали импорти мамлакат ташқи қарзининг кўпайишига олиб келади;

-молиявий инқирозлар натижасида ва фонд бозорларидан капиталнинг оқиб кетиши мамлакат валютасининг барқарорлигига ва умумий молиявий-иқтисодий ҳолатга жиддий зарар етказади. Мисол учун 1997 йилда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган молиявий инқироз ва унинг жаҳон иқтисодиётига таъсирини келтириш мумкин.

ТМҚларнинг кўплаб филиаллари орқали капитал кўйиш ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперациялашувига олиб келади. Турли мамлакатларнинг мустақил юридик компаниялари бир халқаро корпорация доирасида тармоқли, технологик, деталли ихтисослашув орқали яқин алоқада бўлишади. Капитал экспорти эса бу алоқаларни мустаҳкамлайди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, бандлиликни ошириш учун салмоқли ҳажмдаги хорижий капитални жалб этиш

билан боғлиқ иқтисодий сиёсатлари ҳам капиталлар миграциясини рағбатлантирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлар эса инвестиция муҳитини эркинлаштириш орқали хорижий капитални жалб этиш ва бу орқали иқтисодий ривожланишга туртки беришга ҳаракат қилишади. Капиталларнинг халқаро ҳаракатини рағбатлантирувчи омиллардан яна бири халқаро молиявий ташкилотлар фаолияти бўлиб, улар капиталлар оқимини тартибга солиб туришади.

Мамлакатлар ўртасида тузилган даромадлар ва капиталларни икки қарра солиққа тортишнинг олдини олиш мақсадидаги халқаро келишувлар ўз навбатида мамлакатлар ўртасидаги савдо, илмий-техник ҳамда инвестицияларни жалб қилиш борасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди.

Амалда дунёдаги барча мамлакатлар БХИларни фаол қўллаб-қувватлашмоқда. Уларнинг эркин ҳаракати учун қулай муҳит яратишга интилоқда, мавжуд чекланишлар бекор қилинмоқда, амалдаги бозор рақобати учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамлакат сифатида жаҳон майдонига чиқмоқда. Бу борада бир қатор миллий манфаатлар ҳисобга олинади. Кириб келаётган хорижий инвестициялар ҳозирча етишмаётган миллий ресурсларни тўлдириши, замонавий технологиялар, ускуналар, «ноу хау»ни олиб кириши, хорижий мутахассислар, эксперт ва консультантларни жалб қилиш туфайли маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини ошириши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, қўшимча иш жойлари яратади, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий кооперация туфайли мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради.

Хулоса қилиб қилиб айтганда, республикага хорижий инвестицияларнинг киритилиши мамлакат иқтисодиётини таркибий ўзгартириши, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ҚУРИЛИШ КОРХОНАСИНИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

доцент Мухаммадиев У., Шужуров Ф., СамДАҚИ

Қурилиш корхонасининг стратегиясини ишлаб чиқиш ва бозор муносабатлари шароитида шакллантириш учун корхона стратегиясини танлаш, режалаштиришнинг тартиби, элементлари, корхона стратегиясини танлаш ва уни жорий қилишда нималарга эътибор қаратиши кераклигини стратегияга таъсир қилувчи омиллар, ташқи ва ички муҳит, тўғри стратегияни ишлаб чиқиш ва уни назорат қилиб бориши, қурилишни ишлаб чиқиш ва уларни назорат қилиб бориш, қурилишда, стратегиянинг аҳамияти ва ниҳоят қурилиш корхонасининг стратегиясини ишлаб чиқиш зарур булади

Корхонанинг бизнес тури аниқ яъни қурилиш олиб бориш, мақсадлар эса янги-янги сифатли ҳашаматли замонавий ва кам чиқимли, кўп даромадли бино иншоотлар қуриш, сифатли хизмат кўрсатиш ва максимал фойда олишдан иборат.

Мақсадга эришиш стратегиясини ишлаб чиқариш учун ташкилотнинг ташқи муҳитини, унга таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни, қолаверса унинг кучли ва заиф томонлари ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш керак булади. Самарқанд инженеринг компаниясига қарашли «Chinor building» МЧЖ корхонасининг кучли ва заиф томонларининг таҳлилин қараб чиқсак.

С. Корхонасининг кучли томонлари

- катта техник базага эгаллиги, яъни корхонанинг материал техник базаси катта технологик базага эга, корхонанинг балансида етарли миқдорда машина механизмларининг, транспорт воситаларининг мавжудлиги, булар корхонанинг шу техникаларга бўлган талабни қондира олади;

- кўп тармоқли эканлиги, корхонанинг асосий иш фаолияти капитал қурилиши, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция ва техникавий қайта қуриштириш, бино иншоотларни йўлларни капитал таъминлаш ва ҳоказолардан иборат.

Қурилиш корхонасининг бундай кўп тармоқли бўлиши унинг рақобатбардошлигини кучайтиради, субпудратчиларни жалб қилишга кетадиган харажатларни ўзида қолишига сабаб бўлади.

вилоятнинг бир қанча туманларида фаолият кўрсатиши, таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Самарқанд инженеринг компаниясига қарашли «Chinor building» МЧЖ корхонаси 2014 йил давомида 10 га яқин объектларда иш олиб борган. Шулардан аксарият қисми Самарқанд шаҳрида, қолганларни эса вилоятнинг туманларида иш олиб борган. Қурилиш корхонасининг кўп жойларда иш олиб бориши унинг бозорда кенгрок ўринни эгаллашга ёрдам беради:

- материал таъминлаш яхшилиги, қурилиш корхонасининг материал билан таъминлайдиган корхона бўлиб, у корхонага керакли қурилиш материалларини керакли миқдорда етказиб беради,

- бир вақтнинг ўзида бир қанча объектларда иш олиб бора олиш қобилияти.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек жамиятнинг таркибида бир нечта қурилиш ташкилотлари мавжуд. Булар ушбу қурилиш корхонасининг бир пайтнинг ўзида бир қанча объектларда фаолият олиб боришга имконият яратади. Бу эса ўз ўзидан маълумки, кўп сонли буюртмачиларни қабул қила олиш имкониятидир

W. Корхонасининг заиф томонлари

- қурилишнинг узоқ муддатга чўзилиши. Ҳақиқатдан ҳам бу нарса ташкилотнинг энг заиф томонларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай сабаблар билан объектлар қурилиши муддати чўзилади, бу эса смета баҳосининг ошишига, кейинги объект қурилиши бошланиши кечиктирилишига, шу сабабли буюртмачиларнинг ҳам баъзан камайишига олиб келади,

- технологиянинг эскилиги, юқорида кўрганимиздек, қурилиш корхонасида етарлича машина механизмлар мавжуд, лекин уларнинг кўпчилиги ҳам маънавий ҳам жисмоний эскирган, бу эса меҳнат унумдорлигини камайтиради, иш суръатини сусайтиради ва смета баҳосига салбий таъсир кўрсатади.

- кадрлар малакасининг етишмаслиги, яъни ишчи хизматчиларнинг бажарган ишлари талаб даражасида сифатли чиқмаслиги ўз хизмат вазифаларига жиддий қарамасликлари ташкилотнинг ривожланишини сусайтиради;

- рақобатбардошликнинг кучли эмаслиги, қурилиш корхонаси бугунги кунда қурилиш бозорида маълум даражада рақобатбардошликка эга. Лекин бу рақобатбардошлик замонавий қурилиш ташкилоти учун етарли эмас, чунки кучли рақобатчи пайдо бўлган тақдирда корхонанинг банкротга учраш эҳтимоли катта;

- молиявий ночорлиги. Қурилиш корхонаси бир қанча объектларда бир пайтнинг ўзида иш олиб борилиши унинг материал-техник таъминоти базаси яхши бўлсада, унинг молиявий кўрсаткичлари яхши эмас, яъни ҳисоб рақамда катта суммадаги маблағ мавжуд эмас. Ташкилотнинг молиявий пудратсизлиги эса рақобатга тез учрашга олиб келиши мумкин. Юқорида бизлар қурилиш корхонасининг кучли ва заиф томонларини ўрганиб чиқдик.

Энди эса келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган имкониятлар ва хавф хатарларни кўриб чиқамиз.

О. Имкониятлар.

- янги биноларнинг қурилиши;

- иқтисодий ривожланиш натижасида янгича бино-иншоотларга талаб ортиб бормоқда. Бу эса қурилиш корхонаси учун кўпроқ буюртмаларга эга бўлиш имкониятини яратиб беради;

- йўлларнинг таъмирланиши ва янги йўлларнинг бунёд этилиши. Маълумки бугунги кунда шаҳримиз, қолаверса, вилоятнинг кўпгина йўллари ва кўчалари талаб даражасида эмас. Бу йўлларни таъмирлашга ва янги йўлларнинг қилишга бўлган буюртмалар сонининг ошишига имконият туғдиради;

- биноларни таъмирлаш, кўпгина эски биноларнинг мавжудлиги, уларнинг капитал таъмирлашга бўлган эҳтиёжлари корхона буюртмаларининг сонини ортиришга имконият яратади;

- Саноат қурилиши. Дарҳақиқат бугунги кунда саноат қурилиши ҳам аста секин ривожланиб бормоқда. Чет эл корхоналари билан ҳамкорликда кўшма корхоналар барпо этиляпти. Булар қурилиши ташкилот учун яна бир катта имкониятдир.

- янги уй-жойларнинг қурилиши. Албатта янги уй-жойларга бўлган талаб доимо мавжуд. Чунки аҳоли сони ортиб бормоқда, Қолаверса, имкониятлар, янги, замонавийроқ уйларда яшашни хоҳлайдилар. Бу ҳам қурилиш ташкилоти учун кенг имкониятлар яратади.

Т. Пайдо бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарлар қуйидагиларни ташкил этади.

- бозорга чет эл қурилиши компанияларининг кириб келиши. Бу ўз навбатидан маълумки, буюртмачилар сонини камайтиради ва ташкилотдан фаоллик ва сифат даражасини оширишга (нархларни кўтарилмаган ҳолда) мажбур қилади. Акс ҳолда корхона рақобатда синиши мумкин;

- материаллар нархининг ошиб кетиши бу смета баҳосининг ошиб кетишига олиб келади ва фойдани камайтиради, буюртмачилар сонини камайтиради.

- кичик қурилиш ташкилотларининг кўпайиши ҳам катта корхоналар учун хавфли ҳисобланади, чунки улар тез ўзгарувчан янгилекларни тез қабул қила оладиган ва шароитга тез мослашувчан бўлади, катта корхоналарда эса буни амалга ошириш жараёни бироз қийинроқ кечади;

- қурилишдаги янгилеклар (ўзгаришлар) албатта қурилишга, нафақат қурилишга балки ҳар қандай тармоққа катта янгилекларнинг кириб келиши, кескин ўзгаришлар рўй бериши ташкилот учун

хавф туғдиради, чунки корхона бу ўзгаришларга мослашиши учун вақт ва маблағ сарфлашга тўғри келиши мумкин, натижада корхона даромадлари маълум муддатга камаяди;

- бозор конъюктурасининг ўзгариши, яъни бозорда бошқача маҳсулотларга ёки маҳсулот сифатининг бошқа томонларига нисбатан талабнинг ўзгариши. Бундай ҳолларда корхона маҳсулот турини ва сифатини ўзгартиришга тўғри келади.

Стратегияни тузишда эътиборга олинаши муҳим аҳамиятга эга ва аҳамият касб этадиган омиллардан бири ташқи муҳим омиллардир.

Шундай экан, Чинор Булдинг МЧЖ қурилиш корхонасини ташқи муҳит омиллари ҳам таҳлил қилиб чиқамиз.

Р. Сиёсий омиллар.

- давлатимизнинг қишлоқ ва туманларда намунали замонавий уй жойларнинг қурилишига бўлган алоҳида эътибори уларнинг қурилишини кўпайтиради. Бу эса қурилиш корхонасининг буюртмалари сонини оширади;

- фермерликка эътибор, фермер хўжаликларининг ортиши, уларнинг ривожланиши, қишлоқлардаги қурилишнинг кўпайишига йўл очиб беради;

- қурилиш корхонасининг хусусийлаштирилиши мулкка бўлган эътиборнинг яхшиланишига, ўз корхонаси раванқ топиши учун ходимларнинг сидқидилдан ишлашини таъминлайди.

- ҳукуматнинг қурилиш корхоналарини қўллаб қувватлаш тўғрисидаги қарорлари, бу корхоналарнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

- Самарқанд шаҳрида туризмнинг ривожланиши қурилиш корхонаси учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Е. Иқтисодий омиллар.

- инфляция, маълумки қурилиш жараёни узок муддат талаб қилади, инфляция эса бу пайтда кучли зарар етказиши мумкин;

- аҳоли даромадининг ошиши қимматроқ ва ҳашаматли биноларга, уй жойларга бўлган талабнинг ҳам ошиши демакдир, бундай пайтда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан корхона катта даромад олиши мумкин;

- солиқ сиёсати, солиқ имтиёзлари смета баҳоси таннархини туширади, фойдани оширади;

- Жамият олдидаги мажбуриятлар бошқа объектлар ишларининг орқага сурилишига сабаб бўлади;

- моддий ресурсларнинг танқислиги материалларнинг камёблиги уларга бўлган талабни оширади ва қимматлаштиради, бу эса қурилиш маҳсулотларининг ҳам қимматлашиши демакдир.

С. Ижтимоий омиллар.

- аҳоли сонининг ортиб бориши уй жой биноларга бўлган талаб, эҳтиёжларни оширади ва корхонанинг буюртмаларини ҳам оширади;

- талабнинг структуравий ўзгариши буюртмалар миқдорини ўзгартиради.

Талаб ошса, буюртмалар ҳам ошади, талаб камайса, буюртмалар сони ҳам камаяди.

Бундай ҳолларда маҳсулотнинг сифатига эътибор бермоқ лозим;

- малакали кадрларнинг кўпайиши иш сифатини ва суръатини оширади, меҳнат унумдорлиги ошади ва таннарх пасаяди;

- даромаднинг кўп қисми четдан кириб келиши мумкин. Қиммат ва сифатли, индивидуал биноларга бўлган талабни оширади;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши уларга бўлган ғамхўрликни ортиши билан уй жой бинолари қурилишида имтиёзлар яратиши мумкин. Бу имтиёзлар таннархнинг пасайишига сабаб бўлади.

Т. Технологик омиллар.

- машина механизмлар асбоб ускуналарнинг эскириши иш унумдорлигини пасайтиради, фойдани камайтиради;

- технологиялар сифатсизлигининг ошиши қурилиш маҳсулотларининг ҳам сифатига салбий таъсир қилади, қурилиш муддатини узайтиради. Таннархни оширади;

- янги мукамал технологиянинг кириб келиши иш унумдорлигини оширади, ишчиларнинг меҳнат фаолиятини энгиллаштиради;

Қурилиш технологиялардаги кучли ўзгаришлар ишчилардан юқори малака талаб қилади ва қурилиш жараёнининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бундай ҳолларда фойда миқдори маълум муддатга пасайиши мумкин.

Юқоридаги омилларнинг таъсири «Chinor building» МЧЖ қурилиш корхонаси танлаган стратегиясига таъсир ўтказади. Бугунги кунда корхона қўллаётган стратегияни аниқлашга имкон

яратади. Худди шунингдек, ушбу соҳасида фаолият олиб бораётган барча қурилиш корхоналарининг юқорида келтирилган тартибда таҳлил қилиш орқали стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин.

СОВРЕМЕННЫЕ ЛЕГКИЕ КОНСТРУКЦИИ ДЛЯ СТРОИТЕЛЬСТВА МАЛОЭТАЖНЫХ ЖИЛЫХ ЗДАНИЙ

К.т.н. доцент М.М.Махмудов, магистрант Ш.Р. Хайдаров (СамГАСИ)

Мақола замонавий енгил конструкцияларни кам қаватли турар-жой биноларида қўллашнинг конструктив имкониятларини таҳлил қилишга бағишланган.

This article analyzes the possibilities of constructive use of modern lightweight construction in the construction of low-rise residential buildings.

Несмотря на широкое распространение в крупных городах многоэтажных зданий, малоэтажное домостроение остается одним из самых динамично развивающихся направлений жилищного строительства. Разработанные многообразные технологии возведения малоэтажного жилья позволяет выбор той из них, которая наиболее выгодна в каждом конкретном случае.

К жилым домам предъявляют ряд требований, важнейшими из которых являются прочность и надежность конструкции, комфортные условия проживания, высокие теплоизоляционные характеристики ограждающих конструкций, а также привлекательный облик здания. Вопреки распространенному мнению многих, долговечность не относится к числу объективных факторов, определяющих конструктивное решение жилья. В современном мире стремительно меняются и разнообразны вкусы, интересы и просто отношение к жизни людей. Поэтому строить дом в расчете на то, что потомки будут столетиями жить в построенном нами здании – представляется затеей сомнительной.

Не хотим утверждать, что керамический кирпич плохой строительный материал. При наличии финансовых возможностей, времени и желания добротный кирпичный дом является наилучшем вариантом осуществления мечты любого человека. В случаях, когда финансы ограничены или жизненные обстоятельства вынуждают завершить строительство в кратчайшие сроки, следует обратиться к технологиям каркасного строительства.

Каркасное домостроение – прогрессивная строительная технология, опыт применения которой насчитывает более ста лет. Наиболее широкое распространение она получила в Северной Америке (США и Канада). В этих странах до 80 % частного малоэтажного жилья приходится на долю домов каркасной конструкции [1].



Каркасные дома строят не только в Америке. Они очень популярны и в Германии и в других странах Западной Европе. Каркасное домостроение пользуется большим спросом в Финляндии, Швеции и Норвегии, что свидетельствует о пригодности таких зданий к эксплуатации в самых различных климатических условиях. Сравнительная невысокая масса элементов, из которых

собирается дом, во многих случаях позволяет отказаться от применения специальной подъемной техники.

В Германии разработана технология, которая предполагает не только изготовление комплектующих, но и сборку крупных панелей стен и кровли в заводских условиях. Высокий уровень заводской готовности и максимально возможная точность изготовления панелей обеспечивают быструю и качественную сборку дома. Значительные габариты и вес панелей может потребовать применения подъемного крана.

Основой стеновой конструкции служит жесткий и прочный каркас из специально высушенной древесины хвойных пород. Элементы каркаса обрабатывают специальными антисептическими препаратами, которые обеспечивают их долговременную защиту от гнили и плесени, а также антипиренами, повышающими огнестойкость древесины. С наружной стороны каркас обшивают плитами OSB (Oriented Strand Board) – прочного влагостойкого материала из прессованной ориентированной стружки, негорючими цементно-стружечными плитами (ЦСП) или плитами «Аквапанель наружная» (КНАУФ). Плиты закрывают паропроницаемой ветрозащитной мембраной, поверх которой устраивают наружную отделку.

Изнутри каркас зашивается гипсокартонными листами (ГКЛ) или плитами, по которым устраивают внутреннюю отделку (обои, окраска, плитка, декоративная штукатурка и т.п.). Пространство между наружной и внутренней обшивкой каркаса заполняют эффективным изоляционным материалом. Обязательным элементом каркасной технологии является пароизоляция, которая располагается между утеплителем и внутренней обшивкой.

Еще одной технологией быстрого возведения малоэтажного жилья является использование в качестве основных элементов стеновых и кровельных конструкций SIP (Structural Insulated Panel - конструкционная теплоизоляционная панель) панелей, которые представляют собой сэндвич-панели с сердечником из пенополистирола толщиной от 100 до 200 мм, обшитым с обеих сторон плитами OSB-3 (Рис. 2). В один из торцов панели вклеивается калиброванный деревянный брус, который при сборке входит в паз соседней панели. Это обеспечивает прочность соединения и исключает образование мостиков холода. Все слои SIP склеиваются между собой полиуретановым клеем под высоким давлением на специальном оборудовании и отличаются высокими прочностными, а также тепло- и звукоизоляционными характеристиками.



Дома из SIP-панелей обычно именуют «канадскими домами», но в отличие от каркасно-щитовых «канадских домов», SIP технология является бескаркасной. Все нагрузки воспринимаются обшивкой панелей и соединительными деревянными брусками, которые и играют роль силового каркаса. Следует отметить, что пенополистирол хорошо противостоит нагрузке на сжатие. Недостатком таких здания является низкая по сравнению с другими конструктивными решениями огнестойкость.

С точки зрения пожарной безопасности дом из SIP-панелей не слишком отличается от деревянных домов. При производстве плит OSB-3 из обрабатывают специальными добавками, затрудняющими горение.

В Самаркандском районе начато строительство экспериментального одноэтажного пятикомнатного дома из цементных сэндвич-панелей, выпускаемых ООО «SAM ROS XOLOD» (Рис.3).




Рис.3. Цементные сэндвич-панели для стен (а) и строящийся дом из них (б).

Цементные сэндвич-панели представляют собой многослойную конструкцию из внешних слоев цементного покрытия на основе стекловолнистой сетки и внутреннего слоя – теплоизоляции из пенополистирола. При строительстве экспериментального дома как для наружных, так и для внутренних стен использованы сэндвич-панели длиной 3000 мм, шириной 1150 мм и толщиной 150 мм.

Несущими вертикальными конструкциями в экспериментальном доме являются монолитные железобетонные сердечники, устраиваемые в углах и в местах пересечений наружных и внутренних стен, объединяемые поверху горизонтальным железобетонным поясом.

Думаем, что в ближайшем будущем домостроение из легких конструкций в Узбекистане будет занимать достойное место среди традиционных видов домостроения.

Литература:

1. Дом для жизни. Современные технологии малоэтажного строительства : [Электронный ресурс] / Режим доступа / <http://ardexpert.ru/article/10>.
2. Производство и реализация современных строительных материалов : [электронный ресурс] / Режим доступа / <http://www.samrosxolod/uz/>.

РЕЗУЛЬТАТЫ РАСЧЕТА ТЕМПЕРАТУРНОГО ПОЛЯ УГЛА НАРУЖНОЙ СТЕНЫ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО ДОМА ИЗ СЭНВИЧ-ПАНЕЛЕЙ

К.т.н. доцент М.М.Махмудов, магистрант Ш.Р. Хайдаров (СамГАСИ)

